

26  
О. Т. МИРЗАМАХМУДОВ  
К. М. БОЙМИРЗАЕВ

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АДИРЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган Давлат университети

О. Т. МИРЗАМАҲМУДОВ  
К. М. БОЙМИРЗАЕВ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ  
АДИРЛАРИНИНГ  
ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК  
ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ**

Тошкент  
“Муҳаррир” нашриёти  
2011

УДК: 551.453(575-1)

ББК 26.823

M54

**Мирзамаҳмудов, Одилжон**

Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароитини баҳолаш / О. Мирзамаҳмудов, К. Боймирзаев; масъул муҳаррир А. Абдулқосимов; ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Наманган давлат ун-ти - Т.: "Muҳarrir" nashriyoti. 2011. - 122 бет.

I. Боймирзаев, Каримжон

ББК 26.823

Мазкур монографияда адир ва адир ландшафтлари хақида маълумотлар, Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароитини ўрганиш муаммосининг ҳозирги ҳолати, инсон фаолияти таъсирида вилоят адирларининг ўзгариши, адирларнинг ландшафт-экологик муҳити, адирлар ландшафт-экологик шароитининг ўзгаришидаги асосий йўналишлар ва ҳозирги ҳолатини баҳолаш, Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик жиҳатдан районлаштириш ва табиий географик районлар тавсифи каби масалалар ўз ифодасини топған.

Монография шу соҳа билан шуғулланувчи мутахассислар ва кент китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

### **МАЪСУЛ МУҲАРРИР:**

А. А. Абдулқосимов, СамДУ профессори, география фанлари доктори

### **ТАҚРИЗЧИЛАР:**

П. Баратов, ТошДПУ профессори, география фанлари номзоди  
Ш. С. Зокиров, ЎзМУ доценти, география фанлари номзоди  
А. А. Назаров, НамДУ доценти, география фанлари номзоди

Монография Наманган давлат университети Илмий Кенгаши-нинг "30" декабрь, 2010 йилда бўлиб ўтган йиғилиши (баённома № 3) да муҳокама қилинган ва нашр этишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-386-55-6

© О. Т. Мирзамаҳмудов,

К. М. Боймирзаев,

© "Муҳаррир" нашриёти,

Тошкент, 2011 йил.



## КИРИШ

*География фанининг фидоийси, камтарин инсон, устозимиз география фанлари доктори, профессор Ҳурбой ака Ваҳобовнинг ёрқин хотирасига бағишиланиди.*

Бугунги кунда табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, юзага келаётган экологик муаммоларни тезда бартараф этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маданиятини ошириш орқали жаҳон бозорига юқори сифатли, экологик жиҳатдан соғ, рақобатбардош маҳсулотлар этиштириш каби долзарб масалалар барчанинг диққат-эътиборини тортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирад экан, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш масаласини устувор вазифа сифатида илгари сурган<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, бу фикрларнинг барчаси табиат ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, ўз вақтида эса табиатни муҳофаза қилиб бориш лозимлигини англатади.

Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, табиий шароитнинг қулайлигини сақлаш, табиатни нафақат муҳофаза қилиб бориш ҳамда унинг компонентлари орасидаги табиий мувозанатнинг барқарорлигини сақлаб бориш зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси энг зич жойлашган, табиий ландшафт комплекслари антропоген омил таъсирида юқори даражада трансформациялашган минтақаларидан бири Фаргона водийсида қишлоқ хўжалигининг асосий сугориладиган ер заҳираси ҳисобланган Наманган вилояти адирларида агро-иқтисодиёт ва турли саноат тармоқлари ҳамда рекреация ти-зимларини ривожлантириш учун қулай табиий географик шароит ва ландшафт комплекслари мавжуд.

Наманган вилояти адирларининг асосий қисмини ташкил этган адир олди, адир оралиғи, адир орти текисликлари, дарё ва сойларининг барча ёйилмалари, узоқ йиллардан суформа ва лалми деҳқончиликда фойдаланиб келиниши натижасида дастлабки

<sup>1</sup> И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари-Т., Ўзбекистон, 2009 йил, 33-34-бетлар.

табиий ландшафтлар ўрнини антропоген ва табиий-антропоген ландшафтлар эгалламоқда. Адирларда антропоген таъсирнинг кучайиб бориши, яъни ер, сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив шароитига эътибор бермаслик, алмашлаб экишни амалга оширмаслик, яйловлардан тұғри фойдаланмаслик каби ҳолатлар экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса адирларда шўрланиш, сув эрозияси, жарланиш, сурималар, суффозиялар каби табиий ва табиий-антропоген жараёнларнинг ривожланишига олиб келмоқда. Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсафасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида экологик муаммоларга алоҳида тўхталиб қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш, ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”.<sup>2</sup>

Шундан келиб чиққан ҳолда, Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароитини таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда амалий тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Табиий мажмуаларнинг инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариб боришини кўплаб хориж ва маҳаллий олимлар кенг кўламли тадқиқот ишларини олиб бориб, улар томонидан Наманган вилояти адирларининг антропоген ландшафтлари таснифлаштирилди, тупроқлари ва тупроқ-экологик шароити ўрганилди. Фарғона водийси, жумладан Наманган вилояти адирларининг ландшафтлари ва уларнинг инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариши ҳақида тадқиқот ишлари олиб борилди. Шунингдек олимлар томонидан Наманган ви-лоягининг ўсимлик қоплами, адирларда эрозион жараёнлар, жумладан жарланиш ва унинг олдини олиш йўллари ҳамда вилоят табиатидан фойдаланишда вужудга келаётган экологик муаммолар бўйича батафсил тадқиқ қилинди ва маълумотлар тўпланди.

Бироқ, адирлар табиати ва унинг ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммосига доир кўпгина ишлар бўлишига қарамай, адирларнинг ландшафт-экологик шароитини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тўлиқ, кенг қамровли илмий ишлар мажмуаси яратилмаган.

<sup>2</sup> И.А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсафасида хавфсизликка тадқид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., “Ўзбекистон”, 1997. -326 6.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” (Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” (Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь) мавзуларидаги маъruzаларида ҳам ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва мелиорация ишларини такомиллаштириш вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан келиб чиққан ҳолда монографияда Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик шароитининг шаклланиши, ривожланиши ва ўзгариб боришини табиат ва унинг ресурслардан оқилона фойдаланиши мақсадида баҳолаш ишлари амалга оширилган, бунинг учун бир неча масалаларни ҳал қилиш ишлари, жумладан адирлар ландшафт-экологик шароитини ўрганиш муаммосининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, адирлар ландшафт-экологик шароитини белгиловчи омилларини аниқлаш, хўжалик, хусусан қишлоқ хўжалиги мақсадида адирларни ўзлаштириш тажрибасини ўрганиш, адирларнинг ландшафт-экологик шароитини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ландшафт-экологик жиҳатидан адирларни районлаштириш ва уларнинг табиий салоҳиятидан фойдаланишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кабилар ёритиб берилди.

Монографиянинг биринчи бобида Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароитини ўрганиш муаммосининг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва мазкур масалани ўрганишнинг асосий илмий натижалари очиб берилган.

Иккинчи бобда эса Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик муҳитига бағишлиланган бўлиб, адир ландшафттинг литоген асоси тузилишининг хусусиятлари, тектоникаси, иқлими, ички сувлари, тупроқлари ва ўсимлик қопламишининг ўзига хос жиҳатлари асослаб берилган. Шунингдек, турли хўжалик тармоқлари ландшафт-экологик шароит нуқтаи-назардан таҳлил қилинган.

Учинчи ва тўртинчи бобларда Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароити ўзгаришининг асосий йўналишларида адирларнинг инсон фаолияти таъсирида ўзгаришлари ва унинг оқибатида вужудга келаётган экологик муаммолари

ҳамда Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароитини ўзгариш даражасига кўра баҳолаш, адир ландшафт комплексларини аниқлаш ва таснифлаш ишлари баҳоли-кудрат ёритиб берилган.

Монографиянинг нашрга тайёрлаш ва чоп этишда ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямаган география фанлари доктори, профессорлар А.А.Абдулқосимов, А.Нифматов, А.Ўразбоев, география фанлари номзоди, профессор П.Баратов, доцент Ш.Зокировларга ҳамда Наманган давлат университети география ва экология асослари кафедраси профессор-ўқитувчиларига ҳамда монография тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирган китобхонларга муаллифлар ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирадилар.

# I БОБ. ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ШАРОИТНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

## Адир ва адир ландшафтлари ҳақида тушунчалар

Адирлар асосан Ўзбекистоннинг Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Ҳисор водийларида ҳамда Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Афғонистоннинг тоғ этакларида учрайди.

Республика ер фондининг таҳминан 15,8% қисми адир зонасига тӯғри келади. Шундан 4,48% паст адирларга, 6,77% ўртача баландликдаги адирларга, 2,33% қисми баланд адирларга, қолгани 2,22% қисми эса адир орти, адир оралиғи ботиклари ва дарё водийларига тӯғри келади.

Адирларнинг XX асрнинг иккинчи ярмида қишлоқ хўжалик мақсадларила ўзлаштирилиши бир қатор экологик муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Масалан: тупроқ таркибининг ўзгариши, эрозиянинг барча турлари, жарланиш, суффозион ӯралар, карстларнинг ривожланиши, табиий ўсимлик ва ҳайвонларнинг камайиши.

Адирлар Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган ҳудудларда тарқал-ганлиги учун унинг мазмуни ва моҳияти тӯғрисида турли талқинлар мавжуд: адир, адир минтақаси, адир ландшафтлари, адирларнинг ландшафт-экологик шароити.

З.А.Сваричевская (1965) адирларнинг баландлиги Фарғона депрессияси мисолида гарбдан шарққа 550 м дан 1200 м гача кўтарилиб боришини ва уларнинг ўртача мутлоқ баландлиги 700-900 м бўлишини кўрсатган. Уларнинг паст-баландликлари ва ботиклари ифодаланган.

Ф. Н. Мильков (1970) фикрича, «Адирлар Ўрта Осиё тоғ олдининг чўл ва чала чўл зоналарида жойлашган бўлиб, у неоген давр учун хос. Адирлар ҳар хил баландликлардан ва дарё водийларидан ҳамда ботик ва ясси тепаликлардан иборат. Адирлар тоғдан пастда жойлашиб, денгиз сатҳидан 1000-1500 м гача бўлган баландликларни ўз ичига олади. Улар Фарғона ва Ҳисор водийларида яхши сақланган» (165-6.).

Адир минтақаси тушунчаси ҳам кенг тарқалган. А.Ҳамидов (1984) Ўзбекистон ҳудудининг денгиз сатҳидан 500 м дан 1200-1400 м гача бўлган жойларини адир минтақасига киритади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятла-

рининг кўпгина қисмини, Янгиер, Жиззах, Қарши шаҳарларининг атрофларини, Шаҳрисабз, Денов, Нурота, Фаллаорол, Бўстонлик каби районларнинг асосий қисмини адир минтақасига киритиш мумкин. У адирларни геоморфологик ва гидробиологик хусусиятларига кўра пастки ва юқори адирларга бўлади. Пастки адир. Бунга дengiz сатҳидан 500-800 м баландликкача бўлган ерлар киради. Рельефи текис, қирлардан иборат. Юқори адир. Юқори адирга дengiz сатҳидан 900-1200 м. гача баландликда бўлган ерлар киради. Республиkaning катта ҳудуди юқори адирларда жойлашган. Бу ерлар тоғ минтақасига яқин бўлганлиги сабабли баланд қирлар, тошлоқ тупроқли ерлар, чала бута ва бута ўсимликларининг кўплиги билан ажralиб туради. Тупроғи тўқ бўз тупроқ бўлиб, шағалли ва тош аралаш ерлар кўп учрайди (А.Ҳамидов, 1984).

П.Баратов (1996) адир минтақасини қуйидагича таърифлайди: «Мутлоқ баландлиги 400-500 м дан 1200 м гача, айrim жойларда эса 1500-1600 м гача бўлган ерларни ўз ичига олади. Рельефнинг ба-ландашуви туфайли ёғин миқдори ортади, ёзги ҳарорат чўлга нисбатан пастроқ бўлиб, типик ва тўқ бўз тупроқлар тарқалган. Булар эса ўсимликларни зич ва баланд ўсишига сабаб бўлади» (113-114-б.).

Адир тушунчасига Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида қуйидагича таъриф берилган: «Адирлар - Ўрта Осиё тоғларининг паст-баланд этаклари. Адир неоген ва тўртламчи давларнинг тоғ жинсларидан ташкил топган» (ЎзМЭ, 1-том, Т.,2001, 133-б.).

А.Нигматов, Р.Юсупов, А.Дадаҳўжаев, Н.Атаханов (2000)лар «Адир-тоғлардан камбар тектоник ботиқлар ва сойлар орқали ажralиб турадиган эрозион денудацион парчаланган тепалик-лардир» деб таърифлайдилар.

П.Баратов, М.Маматкулов, А.Рафиқовлар (2002) фикрича: «Адирлар тўртламчи даврда ётқизилган аллювиал-пролювиал ётқизиқларидан иборат. Адирлар тўртламчи даврда кўтарилиган. Уларнинг дengiz сатҳидан ўртacha баландлиги 600-1200 м, Фарғона ботифининг шарқий қисмida эса ўртacha баландлиги 600-1200 м, мутлоқ баландлиги эса 1500-1700 м гача етади. Уларнинг сувайирғич қисмлари, асосан текис, ёнбағирлари кичик сойлар, жарликлар билан парчалан-ган» (389-390-б.). Уларнинг «Адир минтақаси - 450 м мутлоқ баландликдан бошланиб 1200 м гача, айrim ҳолларда 1600 м гача кўтарилади».

Фарфона водийсидаги адирлар бир-бирига параллел йўналган тўлқинсимон паст ва баланд адирлар зонасини ташкил этади. Адир оралиғи ботиқларининг геоморфологик тузилиши асосан, текислик ёки бир оз нишаблашган ясси текисликлардан иборат. Адирлар неоген ва тўртламчи давр ётқизиқлари билан қопланган. Адир орти текисликларидан сўнг тоғ олди этаклари минтақаси бошланади.

Демак, адирлар геоморфологик жиҳатдан тоғ олдида жойлашган баландликлар булиб, уларнинг ўртача баландлиги 900-1000 м дан иборат. Улар ўз навбатида пастки адир, юқори адир, адир оралиғи ботиғи, адир орти, ва адир олди текисликларини њосил қиласди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб адир тушунчаси тўғрисида шундай холосага келиш мумкин: адир минтақаси деганда чўл ва тоғ минтақаси оралиғида жойлашган, мутлоқ баландлиги 400-500 м дан 1200-1600 м гача бўлган чала чўл ва қуруқ даштлар тушунилади.

Адир ландшафтлари деганда тоғ олдида жойлашган, тўртламчи давр лёсс ва бошқа ётқизиқлар билан қопланган оч тусли, тикик ва тўқ бўз тупроқлардан, асосан ўт ўсимликлардан иборат ландшафтлар тушунилади.

### Ландшафт-экологик шароит тушунчаси

Ландшафт муҳофазаси тадбирлари ҳамма жойда амалга оширилиши зарур. Бу тамойил табиат ва жамиятнинг ўзаро боғланишида бўлишидан, географик қобиқнинг бир бутунлигидан, унда модда ва энергиянинг алмашинишидан, горизонтал ва вертикал алоқаларнинг муҳим ўрин эгаллашидан, ландшафтларнинг очиқ характердаги геотизим бўлишидан келиб чиқади (Я.Демек, 1977; Ф.Н.Мильков, 1986; В.С.Преображенский, 1986). Бир бутунлик, тизимлилик, табиий комплекслар ва уларнинг компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир ҳар қандай ландшафтлардаги муҳим хусусиятларининг сақланиши, шу ҳудуддаги бошқа ландшафтларнинг ҳам хусусиятлари сақланиб қолишини белгилаб беради.

А.Г.Исаченконинг (1991) фикрича, ҳозирги замон ландшафтларининг кўпчилиги инсон фаолияти натижасида маданий ландшафтларга айлантирилган. Бундай ландшафтларнинг энг

асосий хусусиятлари: маҳсулдорлик, иқтисодий самарадорлик ва инсон ҳаёти учун қулай экологик шароитга эга бўлишидир.

Маданий ландшафтларни оптималлаштиришдаги муҳим вазифалардан бири, кишилар ҳаёти учун қулай бўлган экологик муҳитни сақлаш ва муҳофаза қилишdir.

Ҳозирги кунда бузилишга учраган ва учраётган ландшафтлардаги табиий мувозанатни тиклаш ва сақлаб қолишни яхшилашда илмий асосда режалаштирилган алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ландшафтлардаги экологик мувозанатни функционал ва ҳудудий йўллар асосида сақлаб туриш мумкин. Биринчисида, табиатдан оқилона фойдаланишни амалга оширадиган тадбирлар комплекси, иккинчисида, айрим табиий комплексларни тўлиқ ва қисман қайта тиклаш, айрим компонентларни пассив муҳофазага олиш тушунилади (Н.Ф.Реймерс, Штилмарк, 1979).

Биринчи йўлнинг асосий вазифаси геотизимдаги хилмахилликни ва ундаги муҳит ҳосил қилувчи компонентлар уйғунлигини сақлашдир. Лекин, бу йўл билан адирларда шаклланган ва урбанизациялашайтган маданий ландшафтларни оптималлаштириш самараси учалик юқори бўлмайди. Чунки, бу ландшафтлардаги муҳит яратувчи компонентлар ўртасида мувозанат анча бузилган бўлиб, хилмахиллик курсаткичи ва уларнинг барқарорлик даражасининг пасайиши кузатилмоқда.

Бу ландшафтларнинг табиий мувозанатини тиклашда иккичи, яъни ҳудудий йўлдан ҳам фойдаланишнинг аҳамияти ортади. Бунда ландшафтларнинг морфологик тузилишини ташкил этувчи турли даражадаги (жой, урочишче, фация) кичик табиий ҳудудлар компонентларининг зарурий шарт-шароитларини сақлаш талаб этилади.

Демак, ҳар бир табиий, табиий-антропоген ландшафтлардаги барча кичик табиий ҳудудларни агроурбокомплексларга айлантирмаслик лозим. Уларнинг маълум қисми алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар сифатида сақланиши муҳимdir.

Ландшафт ўзига хос муҳит ҳосил қилувчи геотизимдир. Унда инсон яшайди. Шу боис ландшафтларни инсон яшаши ва фаолият кўрсатиши нуқтаи-назаридан ўрганиш лозим бўлади. У ёки бу ландшафтни қишлоқ хўжалигининг бирор тармоғи учун баҳолаганда ҳам, ўша тармоқда етакчи ҳисобланган маданий ўсимликнинг ўсиши ёки уй ҳайвонларнинг яшаши ва унум-

дорлигини орттириш нүқтаи-назаридан баҳоласак, бу агротехнологик ёндашиш булади.

Ландшафтларни илмий тадқиқ қилишдаги экологик ёндашиш бир қатор амалий масалаларни ҳал этишда катта аҳамиятга эгадир. Ландшафтларнинг динамик ҳолатларини аниқлашда экологик мезон катта аҳамият касб этади. Чунки уларнинг тез ўзгарувчан ва кишиларнинг хўжалик фаолияти таъсирига тез аксадо берадиган компоненти биотадир. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини илмий асосларини ишлаб чиқинида ландшафт-экологик йўналишнинг тадқиқот натижалари жуда аҳамиятлидир. Бу йўналиш географиянинг экология фани билан туташган жойида юзага келади (Ш.Зокиров, 1994).

Ландшафт-экологик шароит деганда, уларнинг ресурсларини қайта тикловчи ва муҳит ҳосил қилувчи вазифаларни бажариш имкониятини сақланишга йўналтирилган технологик, маъмурий-хуқуқий, иқтисодий, биотехник, маърифий ва тарбибот каби тадбирлар тизими тушунилди (В.С.Преображенский ва бошқалар, 1988).

Ерлардан фойдаланишида зарур бўлган ландшафт-экологик тамойилларни Л.Г.Раменский (1983), В.М.Чупахин (1985, 1987, 1991), Г.В.Гельдиева (1982), А.А.Чибилев (1992) ва бошқалар ўз асарларида кўрсатиб ўтганлар. Масалан, А.А.Чибилев (1992) ландшафт экологиясининг тамойиллари ва мақсадларини кўрсатиб, дашт зонаси ландшафтлари ва уларнинг умумий жойлашув қонуниятларини ҳамда уларни экологик баҳолашни кўрсатиб ўтади.

Кейинги ўн йил ичидаги тузилган экологик карталар бевосита ландшафтлардан оқилона фойдаланишга ундейди ва экологик карталаштириш йўналишлари номи билан кўрсатилди. Масалан, «Хабаровск областининг табиатидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш» картаси (1990). В.Б.Сочава (1992) фикрига кўра, бундай карталар барча табиий омиллар ва ўсимликларнинг ўзаро алоқасини үрганишда қўл келади. А.Г.Исаченко (1990) фикрига кўра, мана шундай экологик карталарнинг яратилиши замирида ландшафт ётади. Геотизимларнинг экологик имкониятларини карталаштириш, уларга антропоген таъсирини башоратлаштиришни тўғри тушунишга ёрдам беради.

**Ландшафт-экологик шароитни ўрганиш жараёнида  
вужудга келган атама ва тушунчалар**

Атама ва тушунчалар		Таърифи	Йили
1	2	3	4
1	<b>Экологик географик ҳолат</b> (А.В.Антилова)	Маълум бир худуд мухити экологик сифат-ларининг йигиндинин ифодалайдиган умумий тушунча. Экологик ҳолат қулий ва нокулай булиши мумкин.	2000
2	<b>Экологик вазият</b> (А.В.Антилова)	Хар бир геотизимнинг антропоген ўзгаришларини ифодалайдиган геотизимлар тузилишининг таҳлили асосида худудни экологик баҳолаш.	2000
3	<b>Экореконструкция</b> (Б.И.Кочуроев)	Бузилган ландшафтларни олдинги ҳолатига қайтариш ва тикилаш.	1999
4	<b>Экологик оқибатлар</b> (Б.И.Кочуроев)	Инсоннинг атроф, табиий мухитга таъсири натижаси.	1999
	<b>Худуднинг экологик техник сигими</b> (Б.И.Кочуроев)	Шаклий ва функционал хусусиятларни бузмаган ҳолда худуднинг узоқ вақт мобайнида ҳолатини йўқотмай, экологик тизим мажмусини ушлаб турға оладиган максимал техноген ҳолати.	1999
6	<b>Экологик аҳамиятли омиллар</b> (Б.И.Кочуроев)	Ахоли хаёти ва соғлигини саклаш, табиий ресурслар сифатида ишлатиш, ландшафтларнинг бутунлиги, барқарорлиги, аҳамияти ва эстетик қийматини саклаб колиш учун лозим бўлган ландшафтларнинг зарурий хосса ёки компонентлари.	1999
7	<b>Экологик ҳавфсизлик</b> (Б.И.Кочуроев)	Атроф табиий мухитидаги вужудга келаётган антропоген таъсир, шунингдек стихияли оғатлар ва табиий ҳалокатларнинг ҳавф-ҳатар ва оқибатларидан шахс ва жамиятнинг химояланганлик даражаси.	1999
8	<b>Экологик баҳолаш</b> (Б.И.Кочуроев)	Инсон яшаси ва ҳўжалик фаолиятининг қандайдир тури учун табиий-ландшафт шароитларининг яркблилик даражасини аниқлаш.	1999
9	<b>Экологик ҳавф</b> (Б.И.Кочуроев)	Инсон ва жамият хаёти ва соғлигини хатарга олиб борувчи табиий оғатлар ва антропоген таъсирлар натижасида инсонни ўраб турган мухитнинг деградацияланиши ва бузилиш эҳтимоли.	1999
10	<b>Ландшафтли режалаш</b> (Б.И.Кочуроев)	Табиий худудий комплексларни (ландшафтларни) ўртача шаклланадиган ва ресурс ишлаб чиқарувчи ландшафт имкониятларини саклаб колиш ёки яхшилаш шарти билан ишлатиш усууллари ва асосий йўналишларини кўриб чиқадиган фаолият тизими. Ландшафтли режалаш худуд экологик-ҳўжалик курилишининг таркибий кисмидир. Худуд ландшафтларни саклаш ва қандай ишлатиш ҳакидаги маълумотдан иборат ландшафт режаси ландшафтли режалашни асосини ташкил этади.	1999

Үрганишлар шуни күрсатади, *ландшафт-экологик шароит* тушунчасининг мазмуни ва моҳиятига ҳозиргача аниқ ва тұлиқ таъриф берилмаган.

Демак, мавжуд нашр қилинган ва далада тұпланған маълумотларнинг таҳдили асосида ландшафт-экологик шароитта қуидагича таъриф бериш мүмкін: *Ландшафт-экологик шароит деганда, ландшафттарнинг органик дүнёни ҳамда инсоннинг хұжалик фаолиятими амалга оширишини таъминлай оладиган имкониятига айтилади.*

### **Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик омилларини үрганилишининг асосий илмий натижалари**

Фаргона водийсининг ландшафт-экологик омиллари жуда күп олимлар томонидан үрганилған. Адирларнинг ilk геологик тузилишини А.Ф.Миддендорф томонидан үрганилған (Қосимов, 1988). Н.П.Васильковский (1931) адирларнинг ilk геологик картасини тұзады. С.А.Күшиар ва С.С.Шульц (1935) Фарғонанинг 1:500000 масштаблы картасини тузиб, түртламчы даврғача ва түртламчы давр геологиясини үргандылар.

Водийнинг түртламчы давр тарихи ва ётқизиқлари В.Н.Вебер (1937), О.К.Ланге (1937), Н.А.Когай (1963), М.Н.Грамм ва Н.И.Гриднев (1961), В.И.Попов, Н.А.Садовская ва А.С.Теленков (1972) ва бошқалар томонидан батағсил үрганилған.

Фарғона водийсидеги түртламчы давр ётқизиқларини Н.А.Когай (1963) ҳосил бўлиши ва ёшига кўра тўртта комплексга ажратади. Сўх, Тошкент, Мирзачўл, Сирдарё.

Наманган вилояти адир оралиқларида жойлашган ботиқларни С.А.Шувалов (1957) қуидаги бўлакларга ажратган: а) қадимги сув ётқизиқларидан юзага келган ва майин заррачали, деярли тупроқсиз террасалар; б) ҳозирги даврда ёйилмалар ҳосил қилган, майин тупроқ қатлами унча қалин бўламаган юқори террасалар; в) ҳозирги замон чўкинди жинсларидан ҳосил бўлган майин жинсли қуи террасалар.

Фарғона водийси, жумладан адирларнинг иқлим хусусиятлари Л.Н.Бабушкин (1953, 1961), Е.Н.Балашова, О.М.Житомирская, О.А.Семёнова (1960) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳамда Наманган вилоятининг агроиқлим ресурслари (1977) маълумотларида кенг ёритиб берилған. Иқлим шароитига кўра Фарғона водийсида чала чўл ва чўл зоналарини ажратиш мүмкін.

Иқлим зоналарининг бундай чегараланиши А.З.Генусов, Б.В.Горбунов, Н.В.Кимбергларнинг «Ўзбекистонни тупроқ-иқлимий районлаштириш схемаси»да (1960) ўз аксини топган.

И.А.Ильиннинг (1959) маълумотига кўра, Фарғона ботигини ўраб турган тоғ ёнбағирларидан оқиб тушадиган катта ва кичик дарё ҳамда сойларнинг умумий сони 6500 дан зиёдроқни ташкил этади. В.Л.Шульцнинг (1958), таснифи бўйича Ўрта Осиё дарёлари тўйиниш характеристига кўра қуйидаги тўрт типга бўлинади:

1. Музлик ва қор сувларидан;
2. Қор-музлик сувларидан;
3. Қор сувларидан;
4. Қор-ёғмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар.

Фарғона водийсининг ер ости сувлари ва уларнинг гидро-геологик хусусиятларини тадқиқ этишда Н.М.Решеткина (1957), В.Н.Кунин (1959), В.А.Гейнц (1967), В.М.Леғостаев (1975) каби олимларнинг хизматлари катта. В.А.Гейнц (1967) Фарғона водий-сининг тўртламчи давр ер ости сувларини ўрганган.

Фарғона водийси тупроқларининг илмий тадқиқоти ҳақидаги асосий маълумотлар Б.В.Горбунов (1957), М.А.Панков (1957), А.Мақсадов (1979, 1990) ва бошқа бир қатор тупроқшунос олимларнинг илмий асарларида акс этган. Фарғона водийсининг тупроқлари ҳақида маълум даражада тўлиқроқ маълумотлар «Ўзбекистон тупроқлари» монографияси (1975), А.З.Генусов (1983), А.Мақсадов (1979, 1990), К.Боймирзаев (1995) ва бошқаларнинг илмий ишларида баён қилинган. Фарғона водийси воҳа маданий тупроқларининг агрокимёвий ва физикавий хоссаларини С.А.Шувалов (1957), М.А.Панков (1957), Б.В.Горбунов (1957, 1965) каби олимлар ўрганганлар.

Водий тупроқларининг генетик ва физик хоссаларини, шўрлик даражаси, органик, гранулометрик ва механик таркибининг ўзгаришини А.Мақсадов (1988, 1993), С.Н.Ричков, М.А.Панков, С.А.Шувалов, Б.В.Горбунов, А.З.Генусов, Н.Г.Минашина, Х.О.Умаров, В.Исақов ва бошқалар ўрганган. А.Нигматов (1991, 1992, 1994, 2000, 2005) Наманган вилояти адирлари жарланиш ва уларга қарши курашиш чора-тадбирлари, А.Қозоқов (1983, 1990) ва Б.П.Аҳмедов (1984, 1986) Наманган вилояти адирлари тупроқлари ва эрозияси бўйича тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Фарғона водийсининг ўсимлик қопламини ўрганишда Е.П.Коровин (1962), М.М.Орифхонова (1967), У.Пратов (1970) ва бошқалар катта ҳисса кўшдилар. Адир ўсимликларининг турли биоген ва антропоген омиллар таъсирида йўқолиб боришини

Р.С.Верник, Т.У.Рахимова (1982), Қ.Зокиров (1956), Е.П.Коровин (1962) ўз асарларида асослаб берганлар. А.Ҳамидов (1984) Ўзбекистон адирларига таъриф бериш билан бирга, уларни геоморфологик иқлимий шароитига боғлиқ равишда паст ва баланд адирларига бўлиб, уларнинг ўсимликларига таъриф берган.

М.М.Орифхонова (1967) водий ўсимликлари қопламини 17 та типга бўлади, паст адирларида ксерофил-чала буталар, гипсофил-чала буталар ва эфемерлар; баланд адирларда ҳар хил қуруқ дашт, сийрак бир йиллик ўсимликлар ўсадиган дашт, ксерофил-буталар ва дараҳтлар тарқалганлиги аниқланган.

Т.У.Раҳимова (1972, 1973, 1982) Наманган вилояти адирлари ўсимликларини синфлаштириб, 3 та формация, 6 та ассоциатив группа ва 47 та ассоциацияларга бўлади.

Б.Камолов, Х.А.Имомжонов (2002) ва бошқаларнинг фикрига кўра, адирлар сел, дўл ва жала тарзида тушадиган ёғин-сочин таъсирида бўлади.

А.Нигматов (1991, 1994, 2000, 2005) Наманган вилояти адирларига инсон ҳўжалик фаолияти таъсирида вужудга келган жирдир картасини тушиб, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

А.Мақсадов (1988, 1990) адирларнинг шўрланиши, ер ости сувларининг фаолиятига боғлиқ эканлигини ҳамда Резаксой ва Тўракўргон адир олди текисликлари кучли шўрланганлигини аниқлadi.

Фарғона водийси адир ландшафтлари ҳамда уларнинг инсон ҳўжалик фаолияти таъсирида ўзгаришини А.А.Абдулқосимов (1966, 1983, 1990, 2000), А.Мақсадов (1988, 1990, 1993), Ю.Султонов (1974, 2002), П.Баратов (1996), Р.Холиқов (1999, 2004), А.Қозоқов (1995), К.М.Боймирзаев (1990, 1995, 2000, 2002) кабиллар ўрганганди.

А.Мақсадов ва К.М.Боймирзаевлар (1990, 1993, 1995) томонидан Фарғона водийсининг агроирригацион ландшафтлари картаси тузилди.

П.Баратов (1996) адирлар табиий географик районини 4 та ландшафт турига бўлади. А.А.Назаров (2004) Наманган вилояти-нинг табиатидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича талқиқот ишлари олиб борган.

Наманган вилояти адирлари табиий компонентларининг ландшафт-экологик шароитини ўзгариб бориш қонуниятлари юқорида номлари келтириб ўтилган олимларнинг Фарғона

водийсида олиб борган тадқиқотлари натижаларига таянилди. Дархақиқат адирлар табиий компонентларининг деярли барчаси табиий жараёнлар билан бир қаторда инсон хўжалик фаолияти таъсирида ҳам муҳим аҳамият касб этганлигини қузатиш мумкин.

Биринчи боб бўйича келтирилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалардан қўриниб турибдики Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароитини ўрганиш давомида вужудга келган муаммолар ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолати қўйидаги хуносаларни бериш имконини келтириб чиқарди:

– Адир геоморфологик, баландлик минтақаси ва ландшафт маъноларида тушунилади. Геоморфологик жиҳатидан адирлар тоғ олдида жойлашган, баландлиги ўртача 900-1000 м бўлган баландликлардир. Баландлик минтақаси нуқтаи назаридан, адир минтақаси деганда чўл ва тоғ минтақаси оралиғидаги чала чўл ва куруқ дашт тушунилади.

- Адир ландшафтлари деганда тоғ олдида жойлашган, тўртламчи давр лёсс ва бошқа ётқизиқлар билан қопланган оч тусли, типик ва тўқ бўз тупроқлардан, асосан ўт ўсимликлардан иборат ландшафтлар тушунилади.

- Ландшафт-экологик шароит деб ландшафтларнинг органик дунёни ҳамда инсоннинг хўжалик фаолиятини амалга оширишини таъминлай оладиган имкониятига айтилади.

- Наманган вилояти адирларида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида уларнинг геологик, гидрологик, тектоник, геоморфологик, иқлим, тупроқ ва ўсимлик қоплами ҳамда ландшафтлари ўзгаришининг асосий хусусиятлари аниқланган. Аммо адир ландшафтларининг тузилиши ва уларнинг ўзгариши, баҳолаш ҳамда муҳофаза қилиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

## II БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АДИРЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК МУҲИТИ

Наманган вилояти адирлари Ўзбекистоннинг шарқий қисмларининг шимолий худудларини эгаллайди. Адирлар фарбдан шарққа 118 км, шимолдан жанубга 23,3 км масофага (энг узун жойи 42 км, энг қисқаси 12 км) чўзилган.

Худудий жиҳатдан Наманганнинг Уйчи, Чортоқ, Янгиқўргон, Косонсой, Тўракўргон, Чуст ва Поп туманлари адир зоналарида жойлашиб, улар вилоятнинг шимоли-шарқий, шимолий ва шимоли-фарбий қисмларида жойлашган.

Адирлар Чотқол ва Курама тоғларининг тоғ олди қисмида жойлашиб, тоғларнинг жанубий ва жануби-шарқий қисмларини ва Сирдарёнинг шимолий қисмларини ўз ичига олади.

Демак, вилоят адирлари шимол ва шимоли-фарбда Курама ва Чотқол тоғлари билан, шарқда Қирғизистоннинг Мойлисой адирлари билан, фарбда Тоҷикистоннинг Ашт адирлари билан, жанубда Сирдарё билан чегараланди.

Наманган вилояти адирлари экологик ифлословчи манбаларга нисбатан турлича географик жойлашувга эга. Жумладан, Орол денигизидан таҳминан 925 км жануби-шарқда жойлашган. Атрофи тоғлар билан ўралиб, фақат жануби-фарб томони Хўжанд дарвозаси орқали Мирзачўлга туташади. Бундай экологик жойлашув Орол атрофи экологик муаммоларининг адир худудига айтарли тарзда таъсир этмаслигидан далолат беради.

Ҳозирги даврда Фарғона водийсида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг масалан, Кўқон, Чуст, Тўракўргон, Наманган шаҳридаги пахта тозалаш, ёғ-экстракт, кимё заводлари нинг таъсири айниқса водийнинг тоғ олди ва адир зоналарига катта бўлмоқда. Чунки асосий шамоллар Кўқон томондан водийга эсади. Бу эса корхоналардан чиқаётган ҳар хил газлар ва чанг тўзонларни кўпроқ адир зоналарига олиб келиб ташлайди. Бу жараённи Сирдарё ҳам тезлаштиради. Чунки дарё Бекобод томондан келаётган ҳавони иккига бўлиб юборади ва улар кўпроқ тоғли районларга қараб эсади. Бу эса адир зоналарининг экологик шароитига янада кўпроқ таъсир этади.

Демак, Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик жиҳатдан Орол фожиаси худудидан анча йироқда, аммо водийдаги саноат корхоналарига жуда яқин жойлашган, бундан ташқари Қорақалпоқ чўлига нисбатан ҳам яқин жойлашган. Мазкур

омиллар Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик шароитининг ўрнини белгилаб беради.

### Адирларнинг литоген асоси ва уларнинг тузилиши

Адирларнинг литоген асоси, геологик тузилиши, ривожланиш тарихи, тектоникаси, геоморфологик хусусияти ландшафт-экологик шароитнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Адирларнинг геологик тузилиши, тектоникаси, ривожланиш тарихи ва геоморфологик шароити Ф.Миддендорф, Н.П.Васильковский, С.А.Кушнар, С.С.Шульц, Ю.А.Скворцов, А.И.Исломов, Ф.А.Мавлонов, Г.Ф.Тетюхин, В.Н.Вебер, Н.А.Когайлар томонидан ўрганилган. Қуйида мазкур олимлар маълумотлари асосида ҳудуднинг литоген асосининг тузилиши тавсифланади.

**Геологик тузилиши.** Наманган вилояти адирлари неоген ва тўртламчи давр ётқизиқларидан иборат (1-расм).

Неоген давр ётқизиқлари плиоцен алевролит ва гилларидан иборат, улар орасида кум, қумтош ва кангломерат қатламлари учраб туради. Улар Ўйчи-Чортоқ адирларининг сувайирғич қисмларида ер юзасига чиқиб ётади.

Тўртламчи давр ётқизиқлари олимлар томонидан тўртта комплексга ажратилган. Улар Сўх, Тошкент, Мирзачўл ва ҳозирги Сирдарё давр ётқизиқларига бўлинади.

Сўх мажмуаси ётқизиқлари аллювиал-проллювиал жинслардан иборат бўлиб, Чуст-Поп, Косонсой ва Ўйчи-Чортоқ адирларининг чекка қисмларида ер юзига яқин жойлашади. Бу ётқизиқлар бўз рангли бўлиб, қалинлиги 20-40 м дан 110-160 м гача боради.

Тошкент мажмуаси ётқизиқларининг қалинлиги Чуст-Поп ва Косонсой адирларида 5-10 м, текисроқ жойларда 30-40-м дан 140-150-м га боради. Ўйчи-Чортоқ адирларида Тошкент яруси устида лёссимон жинслар, остида эса қуйи тўртламчи ва неоген жинслари жойлашган. Баъзи тадқиқотчилар (А.Мақсадов, 1990) Тошкент мажмуасининг ер юзига чиқиб ётган қисми учун гипс характерли эканлигини кўрсатади.

Мирзачўл мажмуаси делювиал ётқизиқлари Чуст-Поп адирларида жуда кичик майдонларда учрайди. Мирзачўл мажмуаси ўрта ва ҳозирги тўртламчи давр ётқизиқлари яъни элювиал-делювиал, делювиал ва делювиал-проллювиал жинслардан иборат.

Сирдарё мажмуаси ётқизиқлари асосан адиролди текисликтарида, яъни сойларнинг қуи террасаларида жойлашган бўлиб, қалинлиги 1 м келадиган қум, қумтош каби тўртламчи давр ётқизиқлари асосан аллювиал жинслардан иборат.

**Тектоник тузилиши.** Тектоник жиҳатидан Фаргона ботифи палеозойда геосинклинал даврни бошидан кечирган. Мезозой ва палеогенда платформа бўлиб олигоцен ўрталаридан ҳозиргача тектоник ривожланишнинг платформадан сўнг ҳукмронлик қилиб келган. Йирик узилишлардаги бурмали структураларнинг шаклланиши палеозойнинг охири ва мезазойнинг бошларида туғаган. Кайназойда янги бурмали кўтаришма ва узилмалар содир бўлган.

Наманган вилояти адирлари 4 та антиклинал (Косонсой, Чортоқ, Уйчи, Чуст-Поп) ва 3 та синклинал (Абдусамад, Чуст, Нешқўрғон) тузилмалардан иборат. Ушбу антиклинал ва синклиналлар ландшафт-экологик шароитнинг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади.

Косонсой адирлари структураси неоген-қадимги тўртламчи давр жинсларидан иборат антиклинал кўтаришма бўлиб, узунлиги 25 км, эни 14-15 км, шимоли-гарби 10-12°, жануби-шарқи 7-8°, ўқ қисмидан чеккаларига борган сари қиялик камайиб боради.

Чортоқ адирлари структураси антиклинал бурмаланган неоген-қадимги тўртламчи давр жинслари билан банд. Ўқ қисми жануби-гарбдан, шимоли-шарққа томон 33 км, ўқ қисмининг эни 2-3 км Ўқ қисмининг шимолий қанотининг қиялиги 2-6°, жанубиники 2-7°.

Уйчи антиклиналиниң ядросида палеозой пойдевори жойлашган бўлиб, қанотларида мезазой, палеоген, неоген ва қадимги тўртламчи давр жинслари ҳосил бўлган. Наманган вилоятига тегишли Уйчи структурасида неоген-қадимги тўртламчи давр жинслари ер юзига чиқиб ётади. Шимолий ёйларининг қиялиги 40°, жанубий қисми секин-асталик билан текисланиб, қиялиги 2-8° га пасаяди.

Чуст-Поп антиклинали жануби-гарбдан шимоли-шарққа томон 40 км чўзилган бўлиб, эни 10-13 км Ўқ қисми азимут бўйича 60-65°. Ассиметрик тузилишига эга, жанубининг қиялиги 10-13°, шимолиники 3-5°.

**Синклиналлар.** Адирларнинг синклинал ботиклари асосан адир ораликларида жойлашган. Жумладан, Чуст-Поп адирларида Абдусамад ва Чуст, Косонсой-Тўрақўрғон адирларида Кўкумбой

ва Косонсой, Уйчи-Чорток адиrlарида Пешқұрғон ботиқлари жойлашган. Улар гарбда 600 м дан шарқда 800 м гача баланд-ликларда жойлашган. Абдусамад ботиғи гарбдан шарққа таҳминан 33 км.га, эни ўртаса 4 км бўлиб, шарқий қисми шимолдан жанубга 6 км га чўзилиб, адир олди текисликларига уланади. Ботиқ шимолдан жанубга нишаб ва шарқий қисми чуқурроқ. Чуст ботиғи шимолдан жанубга нишаблашиб, таҳминан 14 км га чўзилган, эни ўртаса 10 км га тенг. Косонсой ботиғи гарбдан шарққа таҳминан 7 км га, шимолдан жанубга 12 км га чўзилган. Ботиқ жанубга нишаб. Қўқумбой ботиғи шимолдан жанубга нишаблашиб, 15 км га чўзилган бўлиб, гарбдан шарққа 14 км га боради. Пешқұрғон ботиғи шимолдан жанубга таҳминан ўртаса 14 км, эни 13 км га чўзилган. Ботиқ жанубга нишаб. Чуст, Қўқумбой ва Пешқұрғон ботиқлари сойлар билан титилган.

**Ривожланиш тарихи.** Кайназой эрасининг палеоген даврида Фарфона ботиғи денгиз тубида бўлиб, шу даврда ботиқ дастлабки тебранма ҳаракатларни бошдан кечиради ва дастлабки тектоник кутарилишлар олигоценнинг охирида бошланади. Ана шундан бошлаб ботиқ ўзининг ҳозирги қиёфасини эгаллай бошлайди. Палеогеннинг охиридаги кучли тектоник ҳаракатлар натижасида водийни ўраб турган тоғ тизмалари вужудга келади. Бундай жараён бутун неогенда ва тўртламчи (антропоген) даврда давом этиб, у ҳозирга қадар ўз фаолиятини тугатган эмас.

Неогеннинг плиоцен даврида Фарфона ботиғида фақатгина континентал ётқизиқлар шаклланади. Марказий Фарфона текисликлари ва адирлар зонаси неогеннинг плиоцен даврида тоғлардан емирилган ва парчаланган жинсларни аккумляция қилувчи майдонга айланади. Бу даврда тўпланган континентал жинсларнинг қалинлиги 3000-4000 м гача етади (Н.П.Васильковский, 1951). Неогеннинг миоцен даврида давом этган тектоник ҳаракатлар натижасида содир бўлаётган бурмаланишлар аста-секин водийнинг баланд тоғ олди зоналарини ҳам қамраб олади. Натижада адирлар зонаси ва адирлар оралиғидаги, адирлар ортидаги синклинал зоналар ҳам шаклланади.

Фарфона ботиғининг энг чекка баланд қисмлари Сўх комплексидан адир тизмалари ва тоғ олди текисликлари Тошкент комплексидан, дарёларнинг қайир усти иккинчи ва учинчи террасалари мос келадиган қуруқ ўзанлар ва конуссимон ёйилмалар Мирзачўл комплексидан, ҳозирги дарё қайирлари ва қайир усти биринчи террасалари, ҳозирги даврда шаклланган конуссимон

шылмадар Сирдарё комплексидан ташкил топган. Тўртламчи дзвир сіқизиқларининг қалинлиги аксарият ҳолларда 500 м.дан ортади. Наманган адиrlарида юқорида санаб ўтилган тектоник ҳарикатлар натижасида Тянь-Шань ороген тектоник структуралар ҳосил бўлган. Уларга Супатоғ антиклинал бурмалари, Чуст-Поп антиклинал бурмалари, Карагундай-Наманган антиклинал бурмалари ва Абдусамад, Чуст, Пешкўрғон синклинал ботиқлари мисол бўлади.

**Геоморфологик тузилиши.** Адиrlар геоморфологик тузилишига кўра эрозион тектоник, эрозион-денудацион, доимий ва вақтинча оқар сувлар таъсирида шаклланган бўлиб, улар аллювиал-проллювиал террасаларга бўлинади (2-расм).

1. Эрозион-тектоник турга адиrlарнинг парчаланган увалари;

2. Эрозион-денудацион турга юқори плейстоценнинг кучли парчаланган аллювиал-проллювиал яssi текисликлари;

3. Доимий ва вақтинча оқимлар таъсирида шаклланган аллювиал-проллювиал турга ўрта плейстоценнинг аллювиал-проллювиал парчаланган текисликлари, юқори плейстоценнинг аллювиал-проллювиал ва аллювиал яssi текисликлари, корелятив конус ёйилмалар ва дарёларнинг иши туфайли ўйилган текислик террасалари киради.

Наманган вилояти адиrlари Фаргона геосинклиналининг мураккаб тузилган қисми бўлиб, шимолда Чотқол-Қурама тизмаларининг этакларидан Ахча-Тошкўрғон, Сариқамиш ботиқлари, Анирлар ва адиrolди қия текисликлари яратилган Наманган вилояти эрозион-тектоник, денудацион акумлятив рельеф турларига ажратилади. Адиrlарда денудацион рельеф тури ривожланган бўлиб, унинг ичida текис, салгина кўтарилган сувайиргич, тик қия ( $30^{\circ}$  дан катта), мўътадил қия ( $30^{\circ}$  гача), салгина қия рельеф турлари ажратилади.

Чуст-Поп адиrlари кенглик йўналишда шимолий ёнбағирлари  $45^{\circ}$ - $70^{\circ}$ , жанубий ёнбағирлари  $10^{\circ}$ - $15^{\circ}$  қияликка ва асимметрик тузилишига эга. Мутлоқ баландлиги 616-857 м гача. Усти Қумоқ-ўртача соз жинслар билан қопланган. Узунлиги 40 км, эни 7-8 км. Усти Тузлисой, Морғузорсой, Олмоссой, Фовасой ва Чустсой водийлари билан бўлинган. Кўпинча усти

100-300 м узунликдаги текис уваллар ва субмеридионал йўналишидаги қуруқ водийсимон чўқмалар билан банд.

Косонсой адирлари жануби-ғарбдан шимоли-шарққа томон 30 км масофада чўзилган, эни 5-15 км. Сувайирғич қисмининг мутлоқ баландлиги 800-900 м га боради, усти лёссимон созлар билан қопланган. Устида 80-200 м дан 300-500 м гача кенгликдаги текис юзали уваллар ва қуруқ чўкмалар бор. Адирлар Толдисой, Шўрбулоқсой, Резаксой, Сумсарсой, Косонсой ва Қорасой водийлари билан ўйилган. Атрофдаги текис ерларга нисбатан 50-100 м ва ундан кўпроқ кўтарилиб туради.

Косонсой ва Уйчи-Чортоқ адирлари орасида Қўқумбой чўкмаси мавжуд бўлиб, юзаси текис, шимолдан жанубга 120 м га пасаяди. Косонсой ёйилмасининг чап қисмида ҳосил бўлган, куйида Фирвонсой (чукурлиги 20-45 м, эни 0,6-0,9 км) водийси жойлашган.

Уйчи-Чортоқ адирлари жануби-ғарбдан шимоли-шарққа томон Булоқсайдан Дериссойгача чўзилган, эни 12-14 км, узунлиги 33 км. Мутлоқ баландлиги 640 м дан 960 м гача боради. Шимоли-ғарбда Исковот-Пешқўргон чўкмаси мавжуд. Сувайирғичлар субмеридионал йўналишда, 1-1,5 км кенгликдаги текис ёки салгина қияликка эга бўлган юзалардан иборат. Булоқсой, Фирвонсой, Намангансой, Чортоқсой, Кенгсой ва Сассиқсой водийлари билан ўйилган. Водийларнинг кенглиги 1-2 км, чукурлиги 130-150 м га боради. Кўплаб номсиз қуруқ сойлар бор, уларнинг эни 0,5-0,8 км, чукурлиги 40-70 м га боради.

Чуст-Поп адирларининг шимолий қисмида Ахча-Тошқўргон адирорти ботифи (725-770 м мутлоқ баландликка эга), Сариқамиш-Варзик ботифи (790-1000 м), Косонсой адирларининг шимолий, шимоли-ғарбий қисмида Карнон-Шоён-Баймоқ ботифи (715-930 м) мавжуд. Адирларнинг жанубий қисмлари даги Сирдарё водийсигача турли хил масофада адиролди қия текисликлари ҳосил бўлган. Уйчи-Чортоқ адирлари олди қия текислиги 4-8 км, мутлоқ баландлиги 395-540 м бўлиб, 1-3 м дан 5-10 м гача чукурликда дарё водийлари билан ўйилган. Чуст-Поп ва Косонсой адир олди қия текислиги Сирдарёдан 5-8 км шимолда бўлиб, мутлоқ баландлиги 395-575 м, дарё водийлари 1-3 м дан 5-6 м гача ўйилиб кетган.

### Гидроиклиний муҳити ва унинг инсон таъсирида ўзгариши

**Иқлими.** Намангандеки вилояти адирлари иқлиний шароитига кўра мўътадил иқлим минтақасининг чала чўл иқлим турига киради. Унинг иқлими географик жойлашувига, рельефига,

атмосфера циркуляциясига, қүёш радиациясига, шамолларга ва антроноген омилларга боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Адирларда адир олди, адир орти текисликлари, баланд ва паст адирлар иқлим турларини (Косонсой ва Чуст метеостанцияларнинг маълумотига биноан) ажратиш мумкин. Ҳавонинг ўргача йиллик ҳарорати дengiz сатҳидан 400-500 м баландликда  $13,5^{\circ}\text{C}$ , 600 м баландликда  $12,5^{\circ}\text{C}$  ни ва 1500 м баландликда эса  $7,5^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қиласи (3-расм).

Қишик иқлими адирларнинг морфологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Яъни, дengиз сатҳидан 1200-1500 м баландликларда май ойидан сентябргача ўртача ҳарорат  $10^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлса, қолган вақтлар бундан паст бўлади. Мутлоқ минимал ҳарорат юқори адирда (Ҳазратишо) кузатилган. У  $-31^{\circ}\text{C}$  га тенг бўлиб, бу ҳудудда ўта кучли совуқ ( $-15$ - $20^{\circ}\text{C}$  дан  $-31^{\circ}\text{C}$  гача) вужудга келади. Шу билан бирга, ҳудудда манфий ҳароратлар йиғиндиси совуқ ( $1500^{\circ}\text{C}$  га тенг). Паст адирларда эса ўртача совуқ кузатилиб,  $-20^{\circ}\text{C}$  дан  $-25^{\circ}\text{C}$  гача етади. Манфий ҳароратлар йиғиндиси мўътадил совуқ кузатилиб,  $500$ - $1000^{\circ}\text{C}$  га тенгдир (Агроклиматик районлаштириш картаси, 71-б.). Январь ойининг ўртача минимал ҳарорати  $-6,5^{\circ}\text{C}$  га тенг.

Биринчи совуқ тушиш даври юқори адирларда октябрь ойининг тўртинчи ҳафтасига тўғри келса, пастки адирларда эса ноябр ойининг иккинчи ҳафтасига тўғри келади.

Ёз иқлими максимал  $41^{\circ}\text{C}$  билан характерланади ва у пастки адирларга тўғри келади. Ёзги, яъни июль-август ойларининг ҳарорати пастки адирларда  $39^{\circ}\text{C}$ , ўртача баландликдаги адирларда  $38^{\circ}\text{C}$  ҳамда юқори адир ва адир ортида  $36$ - $37^{\circ}\text{C}$  гача етади. Адирларда июль ойининг ўртача максимал ҳарорати  $24,5$ - $27,8^{\circ}\text{C}$  га тенг.

Адирларнинг ёғин миқдори булутли кунларга, рельефга ва йил фаслларига боғлиқ. Булутли кунлар бир йилда пастки адирларда 79 кун, баланд адирларда ва адир ортида 103 кундан иборат бўлса, булутсиз кунлар эса пастки адирларда 132,5 кун, баланд адир ва адир ортида 97 кунни ташкил этади. Денгиз сатҳидан 450-500 м баландликдаги адирларда йиллик ёғин миқдори 200 мм га, 500-600 м да 250 мм га ва 1000 м баландликда эса 600 мм га тенгдир. Денгиз сатҳидан 450-500 м баландликда максимум ёғин март-апрелга, 1000-1500 м баландликда апрель-майга тўғри келади.

Кор қопламининг қалинлиги ҳам паст адиранд баланд адирийналиши бўйлаб ортиб боради. Масалан, паст адиранда кор қалинлигининг максимал ҳолати 16 см бўлса, юқори адиранда 20 см дан ортиқ бўлади. Чуст-Поп метеостанцияси маълумотларига кўра, бу худудларда йиллик ёғин миқдори 51-100 мм дан 200 мм гача етади. Косонсой метеостанцияси маълумотлари бўйича, Косонсой, Янгикўргон ва Уйчи адиранда ўргача йиллик ёғин миқдори 220-260 мм дан 300-400 мм гача бўлиб, ёғиннинг 70% и декабрь-май ойларига, 5-8% и эса июль-август ойларига тўғри келади.

Паст адиранда (Хонобод) табии намлик мұътадил бўлиб, 0,50-0,75 га тенг. Баланд адиранда (Ҳазратиши) эса табии намлик ўта қуруқ, 0,11-0,20 га тенг. Адираннинг умумий табии намлиги қуруқроқ 0,30-0,47 га тенг (Агроклиматишларниш картаси).

Вилоят адиранда йил фасллари бўйича турли йўналишдаги шамоллар таъсирида бўлади. Январда 50-60% шамоллар шарқдан, 30% и шимолдан, июлда ҳам худди шундай бўлса-да, лекин баҳор (апрель) вақтида 40-50% шарқдан, 30% шимолдан, 20-30% и жануби-ғарбдан эсади. Шу боис агроландшафтларни кўпроқ баҳорги шамоллардан муҳофаза қилиш керак бўлади.

Адиран учун маҳаллий тоғ-водий шамоллари ҳам характерлидир. Улар одатда кундузги иссиқ ҳаво оқимининг юқорига кўтарилиши, кечкурун совигандан сўнг водийга ёки юқоридан пастга эсиши туфайли юзага келади. Қиши фаслида бу шамоллар янада фаоллашади.

**Ер ости сувлари.** Адиран минтақасида ер ости сувларининг юзаси 15-20 м чуқурликда ётади. Адиран оралиқлари текисликларида рельефнинг қиялигига қараб 2-3 м дан 5-10 м гача ер юзасидан пастда ётади. Худди шунингдек, адиран олди текисликларнинг юқори қисмларида ва конуссимон ёйилмаларнинг юқори қисмларида ер ости сувлари 10-15 м пастда ётади. Ёйилмаларнинг ўрта қисмларида эса ер ости сувларининг юзаси анча юқори кўтарилади ва 5-8 м ни ташкил этади. Ёйилмаларнинг чекка қисмларида ва ёйилмаларро пасттекисликларида ер ости сувлари ер юзасига жуда яқин ётади. Ҳатто улар айрим жойларда 0,5-1 м чуқурликда бўлиб, бу ҳол тупроқларнинг қайта шўрлашишига ва ботқоқланишига таъсир кўрсатади.

Ёйилмаларнинг сизот сувлари сатҳи адиранда текисликларида 0-20 м чуқурликда бўлиб, чекка жойларда ер юзасига

си иб чиқади. Конус ёйилмаларининг чекка қисмларидаги сизот сувлари сатҳи йил давомида ўзгариб туради. Сув сатҳининг энг чуқур даври октябрь-декабрь ойларида, ер ости юзасига яқин жойлашган вақти март-июнь ойларида кузатилади.

Кишлоқ хўжалик ландшафтларини сунъий сугориш кенг йўлга қўйилган даврларда ёйилмаларнинг чекка қисмида, ёйилмаларо пастликларда сизот сувларининг режими сугориб деҳқончилик қилинаётган массивларнинг ер ости сувлари режимидан фарқ қиласди. Оқин сувлар кўпайишининг максимал даври қиш-баҳор ойларига тўғри келади. Ўсимликларнинг вегетация даврида бу сувлар сугориш учун ишлатилиши туфайли сизот сувларининг максимал сатҳи қиш-баҳор ва ёз даврига, минимали эса куз фаслига тўғри келади (сув сатҳининг ўзгариш амплитудаси 0,5-2 м).

Сизот сувларининг минераллашиш даражаси кенг кўламда 1-2 г/л дан ва 10-12 г/л гача ўзгариб туради. Норин, Сирдарё террасаларининг сизот сувлари қум ва шағал ётқизиқлари оралиғида ҳосил бўлиб, унинг сатҳи дарё сатҳига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Дарё суви тошган пайтларда сув аллювиал ётқизиқларга сизиб бориб, қайир ва террасаларнинг сизот сувлари сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлади. Куз-қиш ойларида дарё сувининг камайиши натижасида сизот сувларининг ҳам сатҳи пасаяди. Сизот сувларининг энг пасайиш даври январь, февраль ойларига тўғри келади. Сизот сувлари сатҳининг ўзгариб туриши амплитудаси 0,5-1,5 м ни ташкил қиласди. Минераллашиш даражаси ўртacha 05,-0,9 г/л.

Адирларда сизот сувлари жуда чуқурда бўлиб, айrim жойлардагина улар ер юзига яқинлашади. Масалан: Шоён-Баймоқ, Тергачи адирорти қия текисликлари Косонсой адирлари билан туташган жойда сизот сувлари ер юзига яқин жойлашган. Бу жойда неоген даврининг сув ўтказмайдиган жинслари неогентўртламчи даврнинг кучли ҳаракатлари натижасида ер юзига яқинлашиб, баъзан чиқиб ётади. Сизот сувларининг минераллашиш даражаси юқори. Адирлар ўзлаштирила бошлангандан сўнг айrim ҳудудларда сизот сувлари сизиб кела бошлади. Сойларнинг ўзан усти қайирлари ва катта адир ёнбағирларида ҳам сизот сувлари пайдо бўлди. Уларнинг айримлари кучли минераллашган бўлиб, шўрланиш ва шўрхок ландшафтларнинг ҳосил бўлишига олиб келмоқда.

**Ер усти сувлари.** Наманган вилояти адирларининг ер усти сувлари сойлардан ва суфориш каналларидан иборат.

Фарбдан-шарққа Пунунсой, Сарвансой, Чодаксой, Уйгурсой, Шарансой, Жийдалисой, Мурилдисой, Кандисой, Тузлисой, Фовасой, Шербулоқсой, Косонсой, Дуванасой, Күкүмбайсой, Подшоотасой, Наманганской, Чортоксой, Жийдасой кабилар субмеридионал йұналишда Чотқол тизмасидан Сирдарё ва Норин дарёлари томон оқиб үтади. Шарансой, Жийдасой, Мурилдисой, Тузлисой кабилар булоқ сувларидан түйинади. Пунунсой, Чодаксой, Уйгурсой, Фовасой, Күксерексой, Олмоссой, Косонсой, Подшоотасой кабилар Чотқол тизимасининг қор ва музларидан түйинади. Подшоотасой 3700 м мутлоқ баландликдаги Кенгтур музлигидан сув олади. Нанай ботифига кирганда Наманганской ва Чортоксой ирмоқларыга бұлинади. Булоқбоши (Наманганской) ва Балиққұл (Чортоксой) қышлоқларидан пастда (жанубда) бу дарёларға ер ости булоқ сувлари ҳам құшилади. Косонсой қор ва грунт сувларидан қисман 3300 м мутлоқ баландликда музлардан сув олади. Шу билан бирга, сойлардан түйинувчи Чорток, Ертикан, Олмасой, Варзик ҳамда Жулайсой сув омборлари ҳам қурилған.

Адирлар Наманган вилояти каналидан насослар орқали сув ҳайдаш йұли билан ҳам суфорилади. ШФКнинг узунлиги 165 км, Норин дарёсидан сув олади, сув сарфи 40-75 м/сек ни ташкил этади. Адирларни суфориш мақсадида Норин дарёсидан сув оладиган Катта Наманган канали (КНК) ҳам қурилған.

Юқорида күрсатилған Наманган вилояти адирларининг иқлими ва ички сувлари унинг ландшафт-экологик шароитини ривожланишига, үзгаришига тарлича таъсир күрсатади.

### **Биоген мұхити ва унинг үзиге хос хусусиятлари**

**Тупроқлари.** Фарғона водийси, жумладан Наманган вилояти адирлари тупроқлари күплаб мутахассислар томонидан ўрганилиб, асосий маълумотлар Б.В.Горбунов (1957), М.А.Панков (1957), С.Н.Шувалов (1957), А.Мақсудов (1990) кабиларнинг илмий тадқиқотлари натижасида түпланған.

Наманган вилояти адирларида асосан бұз тупроқ хиллари ва сур-құнғир тупроқлар минтақанынг катта майдонларини эгаллаган бұлса ҳам, улар орасида оч құнғир үтлоқ дашт, бұз воҳа, үтлоқи бұз воҳа, суфориладиган үтлоқ, ботқоқ-үтлоқ, воҳа суфориладиган ботқоқ үтлоқ, зичлашған ва кам ривожланған сур-

Құнғыр тупроқлар, шунингдек, құмликлар, шұржоклар, шұртоблар кичик-кичик ҳудудларни ишғол қылади. Булардан ташқари, тупроқсиз жойлар, яъни сурималар, шағаллар, жарлик каби инсон ұжалик фаолияти учун яроқсиз ерлар ҳам учрайди.

Адирларнинг географик жойлашуви, рельефи, тупроғи, литологияси, намлиқ, ёғин миқдорига қараб биоген мұхити ҳам түрличады.

Тирик организмларнинг яшәши учун зарур бүлгап тупроқ қопламлари адирларда таркиби ва тарқалиши билан яққол сезилади. Адирларнинг жануби-ғарбидә скелетли лёссли қадимги проллювий-аллювий ётқизиқлар тепасида сур-құнғыр тупроқлар, шарқида эса бұз тупроқ хиллари тарқалған (4-расм).

Сур құнғыр тупроқлар водийнинг йиллик ёғин миқдори 100-150 мм дан ошмайдынан йиллик ўртача ҳарорат  $13,5^{\circ}\text{C}$  шароитда тоғ олди қияллары ва Поп тумани адирларининг жануби-ғарбий ҳудудларида учрайди. Ұсимликлар қоплами ксерофит-чүл формациясига мансуб. Тупроқнинг юқори қоплами одатда юпқа, осон бүлиніб кетадын майда тош ва шағаллардан иборат оч-бұз рангли қатқалоқ қатламдан иборат. Унинг қалинлиғи 2-3 см дан ошмайды. Уннинг остида 10-20 см лик құнғыр тусли қатлам келади. Пастида зич қатлам бўлиб, уннинг юқори қисміда тошли-шағалли қатлам учрайди. Гипсли қатламнинг қалинлиғи 25-30 см дан ошмайды. Умуман, сур-құнғыр тупроқлар учун чим қатлами йўқлиги, қатқалоқ ва гипснинг мавжудлиги характерлиди. Тупроқ юзасида органик модданинг миқдори 1% дан ошмайды. Скелетли лёссли проллювиал ётқизиқлар тепасидаги оч тусли бұз тупроқлар эса Поп тумани марказлари, яъни Фовасой ва Резаксойларнинг оралиғида, Чоркесар қишлоғининг жанубида ва Чуст, Тұракүрғон туманларининг орасида субмеридионал йұналишида жойлашган.

Соз, лёсслар билан қопланған типик бұз тупроқлар Косонсой ва Янгиқүрғон туманлари орасида субмеридионал йұналишида, Янгиқүрғон туманининг шимолий ва шимоли-шарқий томонларыда тоғ олди зоналаригача бүлгап жойларда жойлашган.

Соз тупроқли аллювиал-проллювиал ётқизиқлар тепасидаги оч тусли бұз тупроқлар Чортөксой, Намангансой, Керуксой,

Косонсой, Чустсой, Фовасой, Резаксой бүйларыда меридионал тартибда жойлашган.

Шўрланган, лёссли аллювиал-проллювиал ётқизиқлар тесидаги бўз ўтлоқ-воҳа тупроқлари Чуст шаҳрида шимолда ярим ҳалқа шаклида Резаксойгача давом этади.

Дағал скелетли эллювиал-проллювиал ётқизиқлар тесидаги типик бўз тупроқлар Чуст каналидан шимолда, яъни Каркидон қишлоғида бошланиб, ярим ҳалқа шаклида тоғ олди зоналаригача боради.

Бўз тупроқ ҳосил қилувчи жинслар қумоқ, лёссимон ва лёсслардан иборат. Бўз тупроқларнинг кесмасида чимли чириндили қатлам, аллювий-карбонатли она жинс қатламлари аниқ ажралиб туради. Чириндили қатлам одатда бўз рангда бўлиб, бироз қўнғир тус сезилиб туради. Унинг қалинлиги 15-18 см, бу миқдор оч бўз тупроқларда бир оз камаяди. Чириндinin миқдори оч тусли бўз тупроқларда 1-1,5% ни, оддий бўз тупроқларда 1,5-2,5% ни ташкил қиласа, тўқ тусли бўз тупроқларда 3-4% гача боради. Воҳа маданий тупроқларда эса маданий қатламнинг қалинлиги 3,5 м гача боради.

Адир тупроқлари баландлик минтақаси қонунияти бўйича денгиз сатҳидан 400-600 м гача бўлган адирларда сур-қўнғир ва оч тусли, 600-900 м гача бўлган адирларда типик бўз ва 900-1600 м гача тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган. Йиллик ёғин паст адирларда 150-250 мм, юқори адирларда 300-550 мм. Ўртacha ойлик ҳарорат юқори адирларда  $25^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этиб, чўлдан  $3-4^{\circ}\text{C}$  паст, тоғлар ҳароратидан  $5-6^{\circ}\text{C}$  юқоридир. Ёғин муддати ҳам чўлга нисбатан 1-2 ой кўп, тоққа нисбатан 2-3 ой камдир.

**Ўсимлик қоплами.** Адирларнинг географик хусусиятлари ўсимликлар дунёсининг тарқалишига ҳам маълум даражада таъсир қилган. Пастки адирнинг асосий ўсимликлари эрта баҳорда яшил гилам ҳосил қиладиган ранг ва қўнғирбошдан иборат. К.Зокиров Республикализнинг адир минтақасига баҳо бериб, уни эфемероид-ранг ва қўнғирбошдан иборат бўлган эфемероидли минтақа деб айтган. Унда учрайдиган ўсимлик хилларига ранг, қўнғирбош, майиншувоқ, етмак, қоқиёт, кўйпек, мингбош, қўзиқулоқ, исфарақ, оққўрай, каррак, ерсовун, лолақизгалдоқ, читир, келинсупурги, момиқ, чирмовуқ, чўл ялпиз ва бошқалар учрайди. Юқори адирларда эса бодомча, изенъ, терскен, оқшувоқ, равоч, гулхайри, андиз, бекларўти, ширач, ажриқ, буғдойик, қатрон, чўлсабзи, нўхотак ва бошқалар учрайди. Адирларда ўсимликлар бир текис тарқалмайди. Бунга сабаб антропоген

омиллар ва ёгин, дарёларнинг емирувчанлик хусусиятлари орқали, тупроқнинг она жинси очилиб қолиши мисол бўлади.

Алир ўсимликлари бир қатор формацияларни ҳам ҳосил қилади. Жумаладан: шувоқли, шўрали ўсимликлар формацияси, шувоқли турли хил ўтлар формацияси; шувоқлар ва бошоқлилар, шувоқ турли ўтсимонлар ва шувоқ, чаловлар формацияси; бошоқлилар турли ўтсимонлилар, бошоқлилар, шувоқлар, чаловчар-турли хил ўтсимонлар ва ўтлар формацияси; атиргул-симонлар, прангоссимонлар тарқалган ҳудудларда бутасимонлар, шувоқлар, турли хил ўтсимонлар писта билан ўсуви формация; маданийлашган, ҳайдаладиган, сугориладиган ва лалми ерлар формациялари (5-расм).

Наманган вилояти адирлари ҳудуди ўсимликлар дунёсига бой бўлиб, турли-туман ёввойи ўсимлик турлари, доривор ўсимликлар, манзарали ва реликт ўсимликлардан иборат. Буларнинг орасида, айниқса доривор, алколоидли, витаминли, эфирмойли, сапоинли, болли ва бошқалар алоҳида ўринда туради. Ҳозирги вақтда ўсимлик хом ашёларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши уларни ҳар томонлама тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда охирги йиллари Наманган вилояти адирларида кенг тарқалган фойдали ўсимликларнинг тур таркиби, баъзи биоэкологик ҳолатлари ва ресурсларини аниқлашга эришилди.

Доривор ўсимликлардан чой ўтининг 3 та тури, эрмон, сув қалампири, чаён ўти, зуптурм, бўймадарон, қирқбўғин, ўлмас ўти, ширинмия, кўка ва андизларнинг бир неча турлари кенг тарқалган. Фовасой, Чодаксой, Резаксой, Уйғурсой ва Косонсой воҳаларида чой ўтининг 40-50, эрманнинг 20-30, сув қалампирининг 10-20, бўймадароннинг 30-40 га яқин заҳиралари борлиги аниқланди. Мазкур ўсимликлардан чекланган ҳолда териб олиш ва фойдаланиш мумкин.

Эфир мойли ўсимликлардан хапрининг анчагина заҳиралари, мармарак, тоғрайҳон, кийик ўтининг зоналари мавжуд. Юқорида номлари келтирилган сойлар водийларида ўсимликларнинг бир неча турлари ва уларнинг заҳиралари аниқланган, уларни териб олиш ва саноат миқёсида фойдаланиш мумкин.

Витаминли ўсимликларнинг ҳам кенг тарқалганлиги аниқланди. Улар орасида олма, қоракат ва наъматакларнинг бир неча турлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ерларда оддий наъматак, Қўқон наъматаги, Самарқанд, Беггер, Федченко наъматаклари тарқалган. Уларнинг майдонлари ҳам бир неча

юзлаб гектарни ташкил қиласи. Улардан маҳаллий эҳтиёжлар учун фойдаланиш мумкин, уларнинг заҳиралари бир неча тоннани ташкил қиласи.

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ўрмонларнинг аҳамияти беқиёсdir. Ҳудудда 1,8 млн гектар ўрмонзорлар мавжуд. Ўрмон хўжалиги таркибида Ибн Сино номидаги доривор ўсимликлар, Косонсой ўрмон хўжалиги мавжуд. Бу ҳудудда кейинги вақтларда ўрмон билан қопланган майдон йилдан йилга ошиб бормоқда.

Наманган вилоятининг ўсимлик қоплами ва турлари хилмажил бўлиб, улар ўзининг географик тарқалишида баландлик минтақаси қонуниятига бўйсинади.

Тоғ, адир, адир олди зоналаридан оқиб тушадиган дарёларнинг чўкиндилари тўпланадиган ёйилмаларда ҳамда қуи адирларда ксерофит ва чала буталар, гипсофил ва эфемератум типларга мансуб ўсимликлар қоплами шаклланган. Бу типларни бурган, эфемератум, оқ шувоқ, оқ боялиш формациялари ташкил қиласи.

Адир ва тоғ олди ҳудудларида субарид типига мансуб ўсимликлар гуруҳлари тарқалган бўлиб, улар икки типдан – қуруқ чўл ўсимликлари ва ксерофил буталардан иборат. Бу типлар буғдойиқ, тоғарпа, бузоқчирч, ажриқ, кўк ўт, қовут, туясингрен, бодом, хайри, писта формацияларидан иборат.

**Ҳайвонот олами.** Адирларнинг ҳайвонот олами вакиллари ҳаракатчан бўлганлиги сабабли уларнинг чўлга ва тоққа хос вакиллари учрайди. Асосан иссиқ ва қуруқ иқлимга мослашган судралиб юрувчилар, кемирувчилар, йиртқичлар, қушларнинг турли-туман вакиллари учрайди.

Адирларда каламуш, юронқозиқ, дала сичқони, эчкиэмар, калтакесак, типратикан, чўл тошбақаси ва илонларнинг айrim вакиллари учрайди. Сойларнинг бўйларидаги тўқайзорларда қушлар ўзига хос биотоп ҳосил қиласи. Деярли барча сув ҳавзаларида ондатра, Подшоотасой ва Фовасой каби сойликларда аҳён-аҳёнда қундуз учраб туради.

Наманган вилоятининг турли ландшафт зоналарида учрайдиган кўплаб ҳайвон ва паррандалар кишиларнинг хўжалик фаолияти таъсири натижасида йўқолиб бораётганлиги сабабли «Ўзбекистон Қизил китоби»га киритилган.

Атмосфера ҳавосида заҳарли ва заарли моддалар кўпайиб, оқар сувлар ифлосланиб, яйловлар камайиб, сугориладиган ерлар қишлоқ хўжалик таркибидан чиқиб кетаётганлиги Наманган

вилояти адиrlари ҳайвонот дунёсининг ҳам экологик шароити-  
нинг ёмонлашувига олиб келмоқда.

## **Наманган вилояти адиrlарининг ижтимоий-иқтисодий мұхити**

**Табиий-техноген геотизимлари.** Наманган вилояти адиrlа-  
ри ландшафт-экологик шароитининг шаклланиши ва ўзгаришида  
нишаб чиқаришнинг турли тармоқларининг, айниқса қишлоқ  
са сув хұжалиги ҳамда улар билан бөглиқ бўлган тармоқларнинг  
ривожланиши ва жойланиши катта роль ўйнайди. Уларнинг  
альсирида табиий-техноген геотизимлар вужудга келди ва  
келмоқда.

Наманган вилояти адиrlарининг табиий-техноген геотизим-  
лари хилма-хил бўлиб, уларга агрокомплекслар, саноат, гидро-  
техник, селитеb ва йўл комплексларини киритиш мумкин  
(6-расм).

Агрокомплекслар адиrlарда кенг тарқалган бўлиб улар  
пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик-  
дан иборат. Вилоятнинг асосий пахта майдонларини ўз ичига  
бўлган адиrlарда Поп адиrlаридан ташқари вилоятнинг шарқий  
қисмидаги барча адиrlар сугориш манбалари билан бөглиқ  
бўлган майдонларида пахтачилик яхши ривожланган.

Дончилик ҳам пахтачилик билан бөглиқ бўлган майдонларда  
ва лалми, лалми ҳайдалма ерларда ривожланган. Ана шундай  
жалмикор дончилик майдонлари Попнинг пастки адиrlарида,  
Чуст, Чортот адиrlаридан ҳам кенг кўламда ривожлантирилган.  
Боғдорчилик ва узумчилик эса кўпроқ адиrlарнинг шимолий ва  
шарқий қисмларида ривожланган. Улар асосан табиий шароитлар  
ноқулайроқ, камсув, тошлоқ бўлган ҳудудларда жойлашган.  
Сабзавотчилик соҳаси Косонсой, Янгиқўргон ва Чортот адиrlа-  
рида тараққий этган.

Чорвачилик вилоятнинг адиrlарida жойлашган яловлар  
учун хос бўлиб, улар иккита тармоқдан: гўшт-жун ва гўшт-сут  
йўналишларидан иборат. Чорвачилик майдонларига адиrlар-  
нинг шарқидаги Қирғизистон чегарасидаги ҳудудлар, Чуст  
адиrlарининг Косонсой ва Тўракўргон чегарасидаги вертикал  
жойлашган ҳудудлар, Поп юқори адиrlарининг деярли барчасида  
тарқалган.


Вилоят адирларининг гидротехник комплекслари ҳудуд бўйича нотекис тақсимланган. Бу эса бошқа табиий-техноген геотизимларнинг ҳудудий жойлашувига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Жумладан, адирларда Чорток, Эскиер, Ертикан, Олмос-сой, Жулайсой ва Сарваксой сув омборлари, Чортоксой, Подшоотасой, Чинач, Косонсой, Сумсар, Фовасой ва Чодаксой сойлари ҳамда КНК ва ШФКлари мавжуд. Адирларнинг шарқий қисмларида гидротехник комплексларнинг салмоғи кўпчиликни ташкил қиласди. Бу эса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга имкон беради.

Адирларнинг саноат комплекслари асосан адирларнинг хом ашёларини қайта ишлашга ихтисослашган. Масалан: пахта тозалаш Чуст, Косонсой ва Чортокда, енгил саноат Янгиқўрғондан ташқари Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой ва Чортокда, озиқ-овқат саноати Поп, Чуст, Тўрақўрғон ва Чортокда, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш Чуст, Тўрақўрғон ва Чортокда, кимё саноати Поп адирларда жойлашган.

Адирларнинг селитеб комплекслари адир орти, олди текисликлари ва адир оралиғи ботиқларида жойлашган. Чорток ва Поп шаҳар селитеб комплекслари адир олди текисликларида, Чуст, Янгиқўрғон ва Косонсой шаҳар селитеб комплекслари эса адир оралиғи ботиқларида жойлашган.

Қишлоқлар Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой, Янгиқўрғон адирларида, адир оралиғи ботиқларида, адир олди ҳамда адир орти текисликларида жойлашган.

Намангандеги вилояти адирлари йўл комплексларини асосан автомобиль йўллари ташкил этади. Улар селитеб комплексларни бир-бирлари билан боғлайди. Адирларнинг ғарбий қисмидан (жануби-гарбдан шимоли-ғарбга томон) давлат аҳамиятига эга бўлган йўл кесиб ўтади. Қолган йўллар маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқларни шаҳар марказлари билан боғлайди.



6-расм. Наманган вилюти айрлары табиий-техноген геотизимлари.

## **Ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва уни ландшафт-экологик шароитнинг шаклланиши ва ўзгаришига таъсири**

**Ер фонди.** Наманган вилоятида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши 1920 йиллардаги ислоҳотлар, яъни деҳқон хўжаликларини бирлаштириш ва ер-сув ислоҳотларини ўтказиш билан боғлиқ. 1930 йилларга қадар вилоятда 240 дан ортиқ жамоа ва давлат хўжаликлари мавжуд бўлган. Мазкур йилларда Норин, Фовасой, Подшоотасой, Янгиариқ, Косонсой, Чортоксой ҳамда бир неча сунъий сугориш тизимларидан фойдаланиш орқали минглаб гектар ерларни ўзлаштириш ва сув таъминотини яхшилашга эришилди. Шунингдек, 1942 йилда Косонсой ва Чуст туманлари ҳудудидан 40 км дан иборат Чуст каналининг ўтказилиши вилоят адиrlарида 4,5 минг гектарга яқин ерларни ўзлаштиришга сабаб бўлди. Бундан ташқари, Ходикент каналининг кенгайтирилиши ва узайтирилиши ҳам ушбу ҳудудда кўшимча ерларни ўзлаштириш имконини беради.

Вилоятда 1966-70 йилларда ирригация қурилишлари ва артезиан қудуклар барпо этилиши натижасида 16700 гектарга яқин ерлар ўзлаштирилди ва 6 минг гектар вилоят адиrlаридаги ерларнинг сув таъминоти яхшиланди. Бинобарин, Катта Наманган каналининг барпо этилиши ҳам қишлоқ хўжалигида 20 минг гектар ерни кенгайтиришга сабаб бўлди.

Адиrlарнинг умумий майдони **418,0** минг гектар бўлиб, шундан **93,5** минг гектарини сугориладиган экин ерлари, **2,8** минг гектарни бўз ерлар, **25,6** минг гектарни кўп йиллик дараҳтзорлар, **143,0** минг га.ни яйловлар, **46,1** минг га.ни бошқа ерлар, **107,0** минг га ни қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ташкил этади. (2-жадвал).

Бугунги кунда қулай агроиқлимий шароит ва омиллар таъсирида минтақа қишлоқ хўжалигида ўзига хос тармоқлар ва ҳудудлар ишлаб чиқариши вужудга келди. Адиrlарда асосан обикор деҳқончилик ривожланган бўлиб, пахтачилик, дончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик тармоқ-лари шаклланган.

**Пахтачилик ва дончилик** тармоқлари Чорток, Уйчи, Янгиқўрон, Косонсой, Тўракўрон, Чуст адиrlарида ва қисман Поп адиrlарида ривожланган. Пахтачилик тармоқлари сугориладиган майдонларда, асосан қиялиги паст бўлган адиrlарда

Год-период		Капиталовложение в строительство		Изменение		Норматив		Капиталовложение в строительство		Изменение		Норматив		Капиталовложение в строительство		Изменение		Норматив		Капиталовложение в строительство		Изменение		Норматив		Капиталовложение в строительство		Изменение		Норматив													
Год	Период	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План	База	План												
Красногорск	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	Красногорск	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21
Санкт-Петербург	215	56536	17219	660	1962	1778	707	419	58	-	15631	-	35822	3363	518	2768	23	1284	1098	11640	613	Санкт-Петербург	215	56536	17219	660	1962	1778	707	419	58	-	15631	-	35822	3363	518	2768	23	1284	1098	11640	613
Москва	57	119913	26839	752	1522	1309	103	78	12	1304	80035	56184	109722	951	236	1087	6	495	254	26980	537	Москва	57	119913	26839	752	1522	1309	103	78	12	1304	80035	56184	109722	951	236	1087	6	495	254	26980	537
Липецк	38	9279	1649	596	173	39	80	54	-	124	4967	861	7134	310	-	146	2	82	59	1459	664	Липецк	38	9279	1649	596	173	39	80	54	-	124	4967	861	7134	310	-	146	2	82	59	1459	664
Челябинск	74	6023	2151	215	1012	629	377	6	-	85	987	233	2775	286	-	164	-	70	225	1043	665	Челябинск	74	6023	2151	215	1012	629	377	6	-	85	987	233	2775	286	-	164	-	70	225	1043	665
Чита	99	40079	10533	1900	4150	2140	1248	688	74	401	10078	10078	25364	4175	149	1775	-	1475	1689	5252	619	Чита	99	40079	10533	1900	4150	2140	1248	688	74	401	10078	10078	25364	4175	149	1775	-	1475	1689	5252	619
Чуст	368	113572	21578	3274	6521	4226	1486	796	13	265	17653	17653	46017	5766	395	4289	-	1574	1182	53929	571	Чуст	368	113572	21578	3274	6521	4226	1486	796	13	265	17653	17653	46017	5766	395	4289	-	1574	1182	53929	571
Ярославль	213	53528	13541	556	9033	4927	3351	759	19	420	13690	13690	36684	3904	360	3341	89	1642	730	6777	587	Ярославль	213	53528	13541	556	9033	4927	3351	759	19	420	13690	13690	36684	3904	360	3341	89	1642	730	6777	587
Киров	987	398930	91520	3698	25573	15248	7332	2817	176	2801	143661	98639	263517	18745	1859	13690	120	6622	5237	107000	613	Киров	987	398930	91520	3698	25573	15248	7332	2817	176	2801	143661	98639	263517	18745	1859	13690	120	6622	5237	107000	613
Железнодорожный	2814	718113	196704	13234	35865	20084	10035	5669	376	3115	153075	108673	336799	47159	24913	44486	326	15816	15877	179661	595	Железнодорожный	2814	718113	196704	13234	35865	20084	10035	5669	376	3115	153075	108673	336799	47159	24913	44486	326	15816	15877	179661	595

Итог: Животноводческая промышленность и сельское хозяйство

ривожланган. Дончилик тармоқлари эса адирларнинг сугорилмайдиган қисмларида ривожланган.

**Боғдорчилик** Уйчи, Чорток, Янгиқўрғон, Косонсой, Чуст, Поп адирларида жойлашган. Боғдорчиликда ўрик, олма етишириш тармоғи яхши ривожланган. Ўрик етишириш кўпроқ пастки адирларга, олма эса юқори адирларга хос.

**Сабзавотчилик** Уйчи адирларининг шарқий қисмларида, Чорток адирларида (Алихон қишлогининг шимолий қисмларида), Янгиқўрғон адирларида (Исковот қишлогининг шимоли-шарқий ва жануби-шарқий қисмларида), Косонсой адирларида (Қўкумбой қишлогининг жанубий қисмларида) таркиб топган бўлса, Турақўрғон, Чуст, Поп адирларида яхши ривожланмаган.

**Узумчилик** Уйчи адирларининг шарқий қисмларида, Чорток, Янгиқўрғон, Косонсой, Чуст, Поп адирларида ривожланган.

**Чорвачилик** адир ялов зонаси билан боғлиқ бўлиб, улар гўшт-жун қўйчилиги ва гўшт-сут қорамолчилиги каби тармоқлардан таркиб топган.

Гўшт-жун қўйчилиги Поп адирлари учун хос бўлиб, Поп адирларининг юқори қисмларига тўгри келади ва шу жойларда эчки ҳам кўпайтирилади.

Чорвачиликнинг гўшт-сут тармоқлари эса вилоятнинг шарқий ҳудудларидағи юқори адирларига тўғри келади. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалик экин майдонлари таркибида фалла майдонларини кенгайтириш ҳисобига таркибий ўзгаришлар юзага келди. Яъни пахта майдонлари нисбатан қисқартирилиб, донли экинлар майдони кўпайди.

Минтақада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ҳудудий таркибини таҳлил қиласидан бўлсан, пахтачилик ва дончилик барча туманлар учун ихтисослашган соҳа ҳисобланади. Дон тайёрлашда Косонсой, Чуст, Янгиқўрғон, Поп туманлари ажralиб туради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сабзавотчилик ва картошка етишириш адирларнинг шимоли-шарқий ва марказий қисмида жойлашган туманлар учун хосдир.

Бу минтақаларда вилоят сабзавотчилигининг 53,0 фоизи, картошканинг 88,4 фоизи етиширилади. Богдорчиликда ҳам адир минтақасида жойлашган Янгиқўрғон, Чорток, Чуст, Косонсой каби туманлар майдони ва маҳсулот етишириш ҳажми бўйича етакчи ўринда туради (3-жадвал). Зеро, ушбу тармоқларни ривожлантириш учун мазкур туманларда қулай агроиклиний шароитлар мавжуддир.

**Наманган вилояти адир минтақаси туманларининг қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг айрим кўрсаткичлари**

Туманлар	Пахта	Дон	Сабзавот	Картошка	Мевачилик	Узумчилик
Косонсой	16707	36213	4890	429	863	1606
	20,4	45,2	141,8	122,4	11,4	28,4
	8178	7979	344	35	757	56
Чорток	10248	23014	1027	2664	55506	3256
	26,0	48,4	254,8	175,2	4744,1	30,5
	3939	4720	401	152	117	1066
Янгиқўргон	5041	40802	9158	8206	15350	12089
	22,5	45,1	204,0	116,2	43,1	42,6
	2240	9044	449	706	3559	2835
Чуст	2092	42400	5042	728	1225	3210
	22,0	39,6	166,2	97,0	8,4	27,7
	10059	10695	310	75	1452	1157
Поп	33799	44172	1186	9	1305	339
	19,6	44,2	92,6	90,0	30,6	9,5
	17179	9972	128	1	426	357
Тўракўргон	24422	24925	421	73	1536	5391
	29,8	60,9	145,1	6,0	35,0	72,3
	8193	4087	29	5	439	746
Уйчи	25636	31802	2074	121	1628	2053
	29,4	52,9	197,5	201,6	26,2	32,1
	8711	5583	105	6	621	640
ЖАМИ:	117945	243328	23798	12230	77413	27944
	20,1	46,7	134,7	124,7	105,0	40,7
	58499	52080	1766	980	7371	6857
Вилоят бўйича	25901	36506	46526	12855	33447	3070
	24,0	3 48,9	196,4	126,0	34,5	37,9
ЖАМИ:	107953	74564	2237	983	9696	7928

**Изоҳ:** суратда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (тонна ҳисобида), маҳражсда экин тури майдони (гектар ҳисобида), ёнида ҳосилдорлик (центнер ҳисобида).

**Жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.**

Адирларнинг чорвачилик тармогида қўй ва эчкичилик сон жиҳатидан устун туради. Чуст, Поп, Янгиқўргон, Косонсой, Тўракўргон туманлари бу йўналиш бўйича юқори кўрсаткичларга эга.

Корамолчилик бўйича адирлардаги Чуст, Янгиқўргон, Поп туманларининг улуши юқори даражада.

Наманган вилояти адирларида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашуви ва ривожланиб бориши келажакда ҳам

давом этиши табиий. Чунки, биринчидан, адирлар вилоятнинг асосий ер фонди ҳисобланади, иккинчидан, вилоят ахолисининг сон жиҳатдан ўсиб бориши сабабли, уларни ер участкалари билангина таъминлаш эмас, балки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш муҳим вазифалардан биридир. Бу эса адирлар минтақасига антропоген таъсир кўпайиб боришини билдиради. Модомики, Наманган вилояти адирларидан жамият тараққиёти йўлида фойдаланиш давом этар экан, бунинг учун минтақа табиатидан фойдаланишнинг географик асосларини ишлаб чиқиш, адир ландшафтларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда қуидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- Наманган вилояти адирлари табиатидан фойдаланишнинг географик оқибатларини ўрганиш ва минтақа табиатига илмий асосда ёндашишни йўлга қўйиш ҳамда амалиётга йўналтириш;
- адир ландшафтларидан оқилона фойдаланишнинг географик асосларини ўрганиш, ишлаб чиқиш ва уларнинг вилоят иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини очиб бериш;
- адирлар табиатини муҳафаза қилишни узлусиз равишда амалга ошириб бориш, табиий бойликлардан самарали фойдаланиш, қулай экологик шароит ва мувозанатни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда экологик омилни эътиборга олиш;
- табиий ва иқтисодий географик омилларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришни ва қишлоқ хўжалик тармоқларини ландшафт типларига мослаштирган ҳолда жойлаштириш.

**Саноати ва транспорт тизими, гидротехник иншоотлари.** Адирларда ландшафт-экологик шароит саноат, транспорт ва гидротехник қурилиш таъсирида ҳам ўзгариб ва шаклланиб туради.

Вилоят адир минтақаси саноат корхоналари моҳиятига кўра асосан пахта ва пахта толасини, пилла, жун ва бошқа хом ашёларни қайта ишлашга, салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга, машинасозик ва металлни қайта ишлашга, табиий мева ва сабзавот концентрациялари ҳамда вино маҳсулотлари тайёрлаш кабиларга ихтисослашган (7-расм).

Пахта адир минтақасининг асосий хом ашёси бўлиб, маъмурӣ туманларда йилига 60 минг тонна пахта етиштирилади.

Олинган пахта мавжуд 11 та пахта тозалаш заводларида қайта ишланади ва маълум қисми маҳаллий тўқимачилик корхоналарида тайёр маҳсулотларга айлантирилади. Шунингдек, адирларда мевани қайта ишловчи корхоналар фаолият

күрсатмоқда. Бу эса адир агросаноат мажмуасининг таомиллашуви ва ривожланишга ўз таъсирини күрсатади.

2004 йил маълумотларига кўра, адирларнинг вилоят саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 23,2 фоизга тенг. Адирларнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Поп, Чуст ва Янгиқўргон туманлари етакчилик қиласди.

Тармоқлар бўйича енгил саноат улуши 58,3 фоиз, озиқ-овқат саноати 18,9 фоиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 6,6 фоиз, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш 3,0 фоиз, кимёвий ишлаб чиқариш 1,6 фоиз, ёғочни қайта ишлаш 1,3 фоизни ташкил этади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### **Наманган вилояти адир минтақаси саноатининг тармоқ таркиби\* (фоиз ҳисобида)**

№	Тармоқлар	Ишлар		
		1991	2000	2004
1	Енгил саноат	69,4	54,8	58,3
2	Озиқ-овқат	17,5	28,5	28,0
3	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	6,2	4,4	3,0
4	Қурилиш материаллари саноати	3,5	7,7	6,6
5	Кимё саноати	1,6	1,1	1,6
6	Ёғочни қайта ишлаш	0,7	1,3	1,3
7	Бошқа тармоқлар	1,1	2,2	1,2

\*Жадвал Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, саноат ишлаб чиқаришда енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг ҳиссаси юқори даражада. Бунинг асосий сабаби Наманган адирлари минтақасида мазкур тармоқларни ривожлантириш учун етарли хом ашёning мавжудлиги ва саноат корхоналарининг тармоқ ихтисослашувидадир. Кимё, ёғочни қайта ишлаш, металлни қайта ишлаш ва машинасозлик саноати тармоқларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушлари сезиларли даражада паст. Зеро, ушбу саноат тармоқларининг ҳудудий жойланиши ва ривожлантириш омиллари Наманган адирлари минтақасида етарли даражада эмас.

Адир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда Поп тумани саноат ишлаб чиқариш ҳажмига кўра алоҳида ажралиб туради. Бунга унинг иқтисодий географик ўрни, қолаверса ишлаб чиқариш корхоналарини ҳудудий ташкил этиш учун барча омиллар мавжудлиги ва ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори даражада мужассамлашганлиги ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга, Поп, Чуст туманларида бундай шарт-шароитлар мажмуи бошқа туманларга нисбатан яхшироқ ривожланган.

Мустақиллик йилларида вилоят саноатини ривожлантириш ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида вилоятнинг адир минтақаларида кўплаб хорижий инвесторлар иштирокида саноат корхоналари барпо этилди. Бугунги кунда вилоятдаги кўшма корхоналар жами саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 20,1 фоизини бермоқда.

**Транспорт тизими.** Адирларда автомобиль, темир йўл, қувур ва оддий йўллар ривожланган. Йўл тизими ва транспорт воситалари ландшафт-экологик шароитга икки томонлама таъсир кўрсатади: биринчидан йўл ландшафтларини ҳосил қиласи, иккинчидан транспорт воситаларидан чиқсан газлар ландшафт муҳитига салбий таъсир этади.

**Автомобиль транспорти ва йўллари.** Вилоят автомобиль транспорти бутун туманлар ҳудудида жойлашган катта ва мураккаб халқ хўжалиги комплексидан иборат, унга **3508,0** минг км узунликдаги автомобиль йўллари тармоғи кириб, шундан **1270,6** минг км адирлар ҳудудига тўғри келади; вилоятда 6 та ихтисослаштирилган автомобил транспорти корхоналари фаолият кўрсатади.

Капитал қопламали йўллар вилоят бўйича 36 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичнинг адир туманлари бўйича бир хил эмаслиги, адирларда ҳаракат шароити ҳар ҳил эканлигини ифодалайди. (5-жадвал). Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Чорток, Янгиқўрон, Тўракўрон адирлари капитал қопламали йўллар улуши билан адирнинг бошқа туманларидан анча илгарилаб кетганлигини кўрсатади (8-расм).

Наманган адирлари ҳудудий тузилмалари йўл тармогининг ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, адир ҳудудида цементобетон қопламали йўллардан ташқари барча турдаги қопламали йўллар мавжуд. Асфальтобетонли йўллар узунлиги умумий йўл узунлигининг 71,2% ини ташкил этади. Шунингдек, адирларда қаттиқ қопламали, шағалли ва тупроқли йўллар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий йўл узунлигидаги улуши юқоридагига мос равища 19,4%, 6,5% ва 2,9% ни ташкил этади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг кўп юқланган ҳудуд Янгиқўргон ва Чуст туманида бўлиб, Янгиқўргон 291 км узунликдаги йўлга ёки вилоятдаги умумфойдаланадиган йўлнинг 8,29 фоизига хизмат кўрсатади. Чуст 290 км узунликдаги йўлга ёки вилоятдаги умумфойдаланадиган йўлнинг 8,26 фоизига хизмат кўрсатади. Янгиқўргон ТАЙБга қарашли йўлларнинг 72 фоизи асфальтобетон қопламали, 24,3 фоизи қаттиқ қопламали, 3,4 фоизи шағалли бўлиб ҳисобланади. Бир қатор адир ТАЙБларига қарашли йўлларнинг 100 фоизи қаттиқ қопламалини дидир.

### 5-жадвал

#### Наманган вилояти адирлари ҳудудидаги автомобиль йўллари тўғрисида маълумот (йўл туркуми бўйича)

Т / Р	Бошқармалар номи	Автомобил йўллари узунлиги, км.						Шу жумладан қаттиқ қопламали йўллар
		Жами	Қопламалар турни					
			в.б	к.коп	Шагал	тупрок	км	%
1	Поп ТАИБ	100,5	55	21	16	8,5	92	91,5
2	Туракурғон ТАИБ	19,1	9,1	7	3	-	9,1	100
3	Чорток ТАИБ	211	147	46	18	-	211	100,0
4	Чуст ТАИБ	290	245	43	1	1	289	99,7
5	Косонсой ТАИБ	245	179	39	24	3	242	98,8
6	Янгиқўргон ТАИБ	291	210	71	10	-	291	100,0
7	Уйчи ТАИБ	114	60	19	11	24	90	78,9
Жами адир ТАИБлари бўйича		1270,6	905,1	246	83	36,5	1224,1	97,1
Жами вилоят бирлашмалари бўйича		3508	2463	548	133	364	3144	89,6
Йўл қопламаларининг умумий йўл узунлигига нисбатан туттан ўрни, %		1270,6	71,2	19,4	6,5	2,9	97,1	100
Йўл қопламаларининг умумий йўл майдонига нисбатан туттан ўрни, км <sup>2</sup>		10,0	71,0	2,0	0,6	0,3	9,7	100
Адир ТАИБларининг вилоятда туттан ўрни %		36,2	36,7	44,8	62,4	10,0	38,9	93,3

Жадвал Наманганавтойўл бирлашмаси маълумотлари асосида тузилди.

Адир йўллари адир ландшафтларининг 10,0508 км<sup>2</sup> майдонини эгаллайди. Адирларнинг мавжуд йўлларининг сифат дараҷалари ҳам бир-биридан фарқланади (6-жадвал).

Адир автомобиль йўл тармоғида I ва II туркумдаги йўлларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли улар адир умумий йўл узунлигининг нисбатан атиги 15,3 фоизни ташкил қиласиди.

## 6-жадвал

### Наманган вилояти адирлари ҳудудидаги автомобиль йўллари

(Йўл туркуми бўйича)

Т.Р	Бошқарма лар номи	Жами км.	Йўл туркуми бўйича йўл узунлиги										V				
			I			II			III			IV					
			L (км)	L <sub>16</sub> (м)	S (км <sup>2</sup> )	L (км)	L <sub>12</sub> (м)	S (км <sup>2</sup> )	L (км)	L <sub>10</sub> (м)	S (км <sup>2</sup> )	L (км)	L <sub>8</sub> (м)	S (км <sup>2</sup> )			
1	Пен ТАЙБ	100,5	7	16	0,112	24	12	0,288	14	10	0,14	13,5	8	0,108	42	5	0,21
2	Турсунзод ТАЙБ	19,1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	9,1	8	0,0728	10	5	0,05
3	Чортоқ ТАЙБ	211	1	16	0,016	21	12	0,252	55	10	0,55	64	8	0,512	70	5	0,35
4	Чуст ТАЙБ	290	6	16	0,096	45	12	0,54	29	10	0,29	130	8	1,04	80	5	0,4
5	Косоной ТАЙБ	245	2	16	0,032	55	12	0,66	20	10	0,2	89	8	0,712	79	5	0,39
6	Янгишурғон ТАЙБ	291	-	-	-	32	12	0,384	86	10	0,86	66	8	0,528	107	5	0,53
7	Уйчи ТАЙБ	114	-	-	-	-	-	-	14	10	0,14	26	8	0,208	74	5	0,37
Жами адир йўл туркум арининг % даги ифодаси		1270,6	16		177			218			397,6			462			
Йўл ком- плекслари, км <sup>2</sup>		10,0506		0,256			2,124			2,18			3,1808			2,31	
Жами адир йўл туркум арининг % даги ифодаси		100 %	1,3		14,0			17,3			31,5			35,9			
Жами ишлот бирлашмалари бўйича		3508	19		580			457			871			1581			
Этаклии майдони, км <sup>2</sup>		26,707		0,304			6,96			4,57			6,968			7,905	
Адир ТАЙБларни иг вилоятда туттас ўриш, %		32,7	84,2		30,5			44,6			42,6			23,9			

Жадвал вилоят статистика бошқармаси ва Наманганавтойўл бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Маълумотлар таҳлилидан кўринадики, адирлардаги умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг 859,6 км.и ёки умумий адир йўлининг 67,4 фоизи техник категорияси паст бўлган йўл туркумига тўгри келади. Адирларда бор-йўғи 16 км ёки бутун йўлнинг атиги 1,3 фоизи миқдорида I туркумли йўл бўлиши ачинарлидир.

Наманган вилояти адир минтақасидаги йўлларнинг зичлик ларажаси ҳам ҳудудий номутаносибликка эга. Бинобарин мазкур ҳудудда жойлашган туманларининг майдонидаги фарқ ва туманлардаги мавжуд йўллариниг узунлигини турлича эканлиги ушбу вазиятни келтириб чиқарган (7-жадвал). Ҳудудий тузилмалар бўйича кўриб чиқиладиган бўлса, Уйчи ва Тўракўғон туманларида 10 км<sup>2</sup> га мос равишда 8,19 км ва 7,89 км йўл тўғри келади. Поп ва Чуст туманларида эса бу кўрсаткич анча паст бўлиб, юқоридагига мос ҳолда 3,4 км, 3,09 км га тўғри келади.

### 7-жадвал

#### Адир минтақасида йўллар зичлиги (туманлар бўйича)

№	Туманлар	Майдони, (га хисобида)	Жами автомобиль йўлларининг узунлиги, км	10 км <sup>2</sup> майдонга тўғри ке- ладиган йўл узунлиги (км <sup>2</sup> /км)
1	Поп	290968	990	3,4
2	Тўракўғон	27755	219	7,89
3	Чорток	37782	211	5,58
4	Чуст	93749	290	3,09
5	Косонсой	51786	245	4,73
6	Янгикўғон	53012	291	5,48
7	Уйчи	30984	254	8,19
Жами :		586036	2500	4,26

Маълумотларга кўра, адирларда жами аҳолига тегишли автотранспортлар сони 17546 та бўлиб, мавжуд вилоят транспортининг 28,4% ини ташкил этади. Бундан ташқари, вилоятнинг 29,9% автобу-си, 28,4% микроавтобуси, 45,1% юқ автомобиллари, 28% енгил авто-мобиллари адирларда жойлашган (8-жадвал). Автотранспортларнинг энг кўпи Чуст адирларида – 5359 та бўлиб, шундан 5212 таси енгил, 100 таси юқ автомобиллари, 41 таси микроавтобус ва 6 таси автобуслардир.

**Вилоят адирлари туманларида аҳолига тегишли бўлган автотранспорт воситалари сони**

№	Шахар ва туманлар	Жами автотранспортлар	Шу жумладан			
			Авто-бус	Микро автобус	Юк автомо-биллари	Енгил автомо-биллар
1	Косонсой	4426	8	6	134	4278
2	Чорток	3078	9	65	234	2770
3	Чуст	5359	6	41	100	5212
4	Янгиқўргон	4083	14	28	245	3796
5	Поп	239	1	2	13	223
6	Тўракўргон	361	-	6	8	347
Адирлар бўйича жами		17546	38	148	734	16626
Вилоят бўйича жами		61623	127	521	1624	59351
Адирларнинг вилоятда тутган ўрни, фоиз ҳисобида		28,4	29,9	28,4	45,1	28

*Жадвал Наманганавтойўл бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.*

Техника воситаларининг салмоғи бўйича қўйидаги туманлар юқори ўринда туради: юк автомобилларининг энг кўпи 245 таси, енгил автомобилларнинг 5212 таси Чустда, микроавто-бусларнинг 65 таси Чортокда, автобусларнинг 14 таси Янги-қўргонда ҳаракатланмоқда.

Адир табиатига мавжуд автотранспортлар маълум салбий таъсирини кўрсатади. Адир табиатига техника воситалари хилларига қараб турлича миқдорда табиатининг ҳар бир  $\text{km}^2$  ига углерод оксиди, азот оксиди ва углеводород газлари билан таъсир этади (9-жадвал). Жадваъл маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, адирларда жами 17546 та техника воситалари бўлиб, унинг ҳар бир  $\text{km}^2$  ига йилига 278,252 кг ҳисобида газ чиқаради. Адирларга умумий чиқаётган техника газларининг 80,7% ини углерод оксиди, 12,9% ини азот оксиди ва 6,3% ини эса углеводород ташкил этади. Демак, адирлар табиатига кўпроқ углерод оксиди таъсир этмоқда. Адирларда аҳолига тегишли енгил автомобиллар сони кўп бўлганлиги учун миқдор жиҳа-тидан энг кўп газ чиқаради. Кейинги ўринда юк автомобиллари, сўнг автобус ва микроавтобуслар туради. Автотранспортлардан кўпроқ Чуст, Косонсой, қисман Тўракўғон ва Поп адирлари заарлланмоқда.

## 9-жадвал

**Автотранспортлардан чиқаётган ис газларининг адир табиятининг ҳар км<sup>2</sup> ига кг ҳисобидаги таъсири (2010 й.)**

Адир туманлари	Техника хиллари	Таъсир этувчи газлар			
		Углерод оксид	Азот оксид	Углеводород	жами
Косонсой	Автобус	0,088	0,068	0,048	0,188
	Микроавтобус	0,066	0,046	0,036	0,136
	Юк автомобили	1,3134	0,9134	0,6134	2,8134
	Енгил автомобиль	57,74278	7,74278	3,44278	68,84278
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>59,144426</b>	<b>8,74426</b>	<b>4,074426</b>	<b>71,914426</b>
Чорток	Автобус	0,099	0,079	0,049	0,29
	Микроавтобус	0,76,5	0,56,5	0,365	1,565
	Юк автомобили	2,3234	1,6234	1,0234	4,9234
	Енгил автомобиль	35,42770	4,92770	2,22770	42,52770
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>38,493078</b>	<b>7,073078</b>	<b>3,543078</b>	<b>49,13078</b>
Чуст	Автобус	0,066	0,046	0,036	0,136
	Микроавтобус	0,441	0,341	0,241	0,941
	Юк автомобили	1,0100	0,7100	0,4100	2,1100
	Енгил автомобиль	66,75212	9,35212	4,15212	80,15212
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>68,165359</b>	<b>10,345359</b>	<b>4,745359</b>	<b>83,235359</b>
Янгиқўрғон	Автобус	0,114	0,114	0,0714	0,2714
	Микроавтобус	0,328	0,228	0,128	0,628
	Юк автомобили	2,4245	1,7245	1,1245	5,2245
	Енгил автомобиль	48,53796	6,83796	3,03796	58,33796
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>51,34083</b>	<b>8,84083</b>	<b>4,274083</b>	<b>64,374083</b>

		Енгил автомобиль	48,5 3796	6,8 3796	3,0 3796	58,3 3796
		<b>ЖАМИ:</b>	<b>51,3 4083</b>	<b>8,8 4083</b>	<b>4,27 4083</b>	<b>64,37 4083</b>
5	Поп	Автобус	0,01 1	0,007 1	0,005 1	0,022 1
		Микроавтобус	0,02 2	0,01 2	0,01 2	0,04 2
		Юк автомобили	0,1 13	0,09 13	0,6 13	0,79 13
		Енгил автомобиль	2,8 223	0,4 223	0,1 223	3,3 223
		<b>ЖАМИ:</b>	<b>2,93 239</b>	<b>0,507 239</b>	<b>0,715 239</b>	<b>4,152 239</b>
6	Тұрақпұн	Автобус	-	-	-	-
		Микроавтобус	0,06 6	0,04 6	0,03 6	0,13 6
		Юк автомобили	0,08 8	0,05 8	0,03 8	0,16 8
		Енгил автомобиль	4,4 347	0,6 347	0,2 347	5,2 347
		<b>ЖАМИ:</b>	<b>4,54 361</b>	<b>0,69 361</b>	<b>0,26 361</b>	<b>5,49 361</b>
Жами адирлар бүйіча:	17546 та	224,56 кг	36,107 кг	17,585 кг	278,252 кг	

*Изөх: Суратда көмисибидеги газ миқдори, маңражда техникалар сони.*

*Жадвал А.А.Беккер, Т.Б.Агаевлар маълумотлари аосида тайёрланди. 4,9 жадвал 1989).*

Адир ақолисини табиий газ ва тоза сув ичимлиги билан таъминлаш мақсадида қувур транспорти ҳам шаклланган. Масалан, Уйғур ва Чуст газ қувур транспорти йұналиши. Бундан ташқари, юқори адирларга сув чиқариб суформа деңқончиликни амалга оширишда ҳам қувур транспортидан фойдаланиш күпроқ адирларнинг шарқий ҳудудларыда амалга оширилмоқда.

**Гидротехник иншоотлар.** Адир агроландшафтларининг шаклланишида асосий ролни гидротехник иншоотлар үйнайды. Адирларнинг ҳар қандай қысманинг сув билан таъминланғанлик даражаси унинг ҳудудидеги гидротехник иншоотларга боелиқ. Зеро, адирларнинг ана шундай иншоотларига каналлар, сув ом-

борлари кириб, улар ҳудуд бўйича нотекис тақсимланган. Чунончи, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Чорток, Уйчи адирларида ичроқ бўлса, Поп, Тўрақўрғон адирларида сийрак ҳолда. Бунинг сабаби адирларнинг табиий сув манбалари билан таъминланганини ва ўзлаштирилиб, ҳудуднинг асосий деҳқончилик мар-казига айлантирилиши билан боғлиқ.

Гидротехник иншоотларнинг барчаси деярли қор ва музлик сувларидан тўйинувчи сойлардан сув олади. Шу сабабли сув оқимининг 63% и март-август ойларига тўғри келади. Бу кўрсаткич ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланган. Жумладан, Поп адирларида Чодаксойдан сув оловучи Чодак ва Пунгон каналлари бўлиб, умумий сув оқимининг 88% и март-август ойларига тўғри келади. Чуст адирларида Фовасойдан тўйинувчи Фалаба, Шатак, Дарча, Фовасой, Сейрек, Чуст каналчалари бўлиб, сув оқимининг 87% и март-август ойларига тўғри келади. Сувларининг 21% и сизот булоқ сувларидан иборат. Косонсой адирларида Косонсойдан тўйинувчи Чует, Шакафт, Мусоқариқ каналлари бўлиб, улар сувининг 58% и март-сентябрь ва 42% и октябрь-февраль ойларига тўғри келади. Шарқий адирлардаги каналларнинг йиллик сув сарфининг 60% и март-август ойларига тўғри келади.

Адирларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда сув оқимларининг мавсумийлик хусусиятларини бартараф этиш мақсадларида бир нечта сув омборлари қурилган. Масалан, Поп адирларида Сарваксойдан тўйинувчи Сарваксой, Чодаксойдан тўйинувчи Жулайсой сув омборлари юқори адирларда барпо этилган. Улар юқори, асосан пастки адир қишлоқ хўжалик майдонларини сув билан таъминлайди. Чуст пастки адирларида Олмасойдан тўйинувчи Олмасой сув омбори қурилиб, сув таъминоти қийинроқ бўлган Чуст пастки адир хўжаликларини сув билан таъминлайди. Чуст юқори адирларида Фовасойдан тўйинувчи Кўксарек сув омбори барпо этилган бўлиб, Чуст адир орти хўжаликларининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради. Косонсой адирларида пастки адир хўжаликларини сув билан таъминлаш мақсадида юқори адирда Косонсойдан тўйинувчи Ертикан сув омбори, Косонсой хўжаликларининг сув таъминотини яхшилаш мақсадида Қизилотасой ва Чинач сойларидан тўйинувчи Қорасув сув омбори қурилган. Намангансойдан сув оловучи Янгиқўрғон пастки адирларида Эскиер сув омбори,

Чортоқ пастки адиrlарида Қорасув сойи ҳисобига Чортоқ сув омбори қурилиб, шу ҳудудлар хўжаликларини ривожлантироқда. Тўракўрғон ва Уйчи адиrlарида сув омборлари йўқ. Уларнинг хўжалик сув таъминотлари юқори адиr сувлари ҳамда Катта Наманган канали сувлари ҳисобига таъминланади.

Адиrlарнинг суформа деҳқончилик майдонларининг 85% ининг сув таъминоти сой, канал ва сув омборлари сувлари ҳисобига олиб борилади.

Адиrlарнинг пастки ва адиr олди текисликлари оркали жануби-шарқий қисмидан жануби-ғарб томони бўйлаб Катта Наманган канали (КНК) ва Наманган вилояти канали (ШФК) оқиб ўтади. Уларнинг таркиб топиши 1945-1960 йиллар оралиғига тўғри келади.

Наманган вилояти адиrlари минтақасида табиий ва антропоген сув ҳавзалари мавжуд. Табиий сув ҳавзаларининг умумий узунлиги 357,5 км бўлиб, Косонсой 79 км ни, Фовасой 51 км ни ташкил этса, Қорасой ва Шўрбулоқсойлар атиги 13 км ни ташкил этади (10-жадвал).

Каналлардан ШФК ва КНК адиr минтақаси учун хос бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 163 км. Бунинг 110 км КНК хиссасига, 53 км эса ШФК га тўғри келади. Адиr ҳудудида 8 та сув омбори бўлиб, у адиr ер майдонини 39,9 км кв ни ташкил этади. Уларнинг энг йириги Эскиер 7,8 км кв майдонни эгалласа, Қорасув омбори эса 0,5 км кв майдонни эгаллайди.

## 10-жадвал

### Адиr минтақаси сув ҳавзалари ва гидротехник иншоотлари

#### СОЙЛАР

№	Сойлар номи	Узуилиг и, км	L M	S км <sup>2</sup>	Оқиб ўтувчи туманлар
1	Косонсой	79	11	0,869	Косон, Тўракўрғон
2	Подшоотасой	22	9	0,198	Янгиурғон, Чортоқ
3	Фовасой	51	8	0,408	Чуст
4	Чодаксой	30	6	0,18	Поп
5	Чортоқсой	13	7	0,091	Чортоқ
6	Намангансой	41	10	0,41	Янгиурғон
7	Резаксой	20	4	0,08	Чуст

8	Шұрбулосой	13	4	0,052	Чуст
9	Кенекулсой	15	3	0,045	Чуст, Тұракүргон
10	Бекободсой	25	5	0,125	Янгикүргон
11	Қорасой	13	6	0,078	Янгикүргон
12	Қорасувсой	26	4	0,104	Чорток
13	Резаксой	9,5	5	0,0475	Поп
<b>ЖАМИ:</b>		<b>357,5</b>	<b>7,5</b>	<b>2,6875</b>	

#### КАНАЛЛАР

1	Наманган вилояты Канали (ШФК)	53	18	0,954	Уйчи, Тұракүргон, Чуст, Поп
2	Катта Наманган Канали (КНК)	110	14	1,54	Уйчи, Чорток, Янгикүргон, Тұракүргон, Чуст, Поп
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>163 км</b>	<b>15,3</b>	<b>2,494</b>	

#### СҰВ ОМБОРЛАРИ

1	Жулайсой			1,8	Поп
2	Сарваксой			4,0	Поп
3	Олмасой			7,0	Чуст
4	Куксарек			2,0	Чуст
5	Қорасув			0,5	Косонсой
6	Ертикан			7,5	Косонсой
7	Ескиер			7,8	Янгикүргон
8	Чорток			4,8	Чорток
	<b>ЖАМИ:</b>			<b>35,4</b>	
	<b>Жами адиrlар бүйічa эгаллаган майдони км<sup>2</sup></b>			<b>40,5815</b>	

**Жадвал, Наманган вилояты қишлоқ ва сув хұжалиги бошқармасы маълумотлари асосида түзилди.**

Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик мұхитига бағишенген мазкур иккінчи боб бүйічa қуйидаги холосаларга келиш мүмкін:

1. Наманган вилояти адирлари Наманган вилоятининг шимолий ҳудудларини ўз ичига олиб, ғарбдан шарққа 118 км га, шимолдан жанубға ўртача 23,3 км масофага чөзилған. Адирлар Ўзбекистондаги регионал муаммолар келтириб чиқараётган Орол деңгизидан таҳминан 925 км жануби-шарқда жойлашған ва атрофи тоғлар билан ўралған. Бундай экологик жойлашув Орол атрофи муаммоларининг адир ҳудудига таъсир этмаслигини

белгилайди. Адирларда экологик муаммоларнинг вужудга келишига саноат корхоналарининг жойлашуви ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, юқори адирларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари, пастки адирларнинг гарбий қисмида кимё саноат корхоналари - «Поп резина», «Ўзбеккровли» (қорақоғоз ишлаб чиқарувчи) жойлашган. Адир-лар Қорақалпоқ чўлига нисбатан яқин жойлашиб, водийнинг гарбидан кириб келувчи Қўқон-Бекобод шамоллари таъсирида бўлади.

2. Наманган вилояти адирлари неоген ва тўртламчи давр ётқизиқларидан иборат. Неоген давр ётқизиқлари алевролит, алеврит ва гиллардан иборат. Шу билан бирга қум, қумтош, конгломерат қатламлари ҳам учрайди. Тўртламчи давр ётқизиқлари шимолдан жанубга томон Сўх, Тошкент, Мирзачўл ва ҳозирги Сирдарё комплекслари шаклида жойлашади.

3. Адирлар Чотқол ва Қурама тоғ олди қисмида жойлашиб, 6-8 балл зилзилалар кузатиладиган жой ҳисобланиб мўътадил иқлим минтақасининг чала чўл иқлим турига киради. Адирларда иқлим зоналлик асосида ўзгариб, адир олди, адир орти текисликлари, паст, баланд адир иқлим турларини ҳосил қиласди. Жумладан, ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати денгиз сатҳидан 400-500 м баландликда 13,5°C, 600 м баландликда 12,5°C ни ва 1500 м баландликда 7,5°C ни ташкил қиласди. Ёғин миқдори ҳам 150-200 мм дан 600 мм гача ўзгариб боради. Шу билан бирга адирларни ички сувларини ер ости ва ер усти сувлари ташкил этиб, ер ости сувлари сатҳи адирларнинг геоморфологик ва геологик шароитига bogлиқ ҳолда 0,5 м дан 20 м гача чуқурлика жойлашади. Суформа дэҳқончилик майдонларида ер ости сувларининг сатҳи юқоридир, улар йил фасллари ва улардаги ёғин миқдорига қараб ўзгариб туради.

4. Адир ҳудудининг катта ер майдонларини бўз тупроқ хиллари ва сур-қўнғир тупроқлар эгаллаган бўлиб, антропоген омил таъсирида улар орасида ҳозирги кунда оч қўнғир ўтлоқ дашт, бўз воҳа, ўтлоқи бўз воҳа, суфориладиган ўтлоқ, ботқоқ- ўтлоқ, воҳа суфориладиган ботқоқ ўтлоқ ва бошқа тупроқлар ҳам учрайди.

Адир ўсимликлари асосини эфемер ва эфемероид ўсимликлар ҳамда қишлоқ хўжалик ўсимликлари ташкил этади.

**Уларнинг тарқалиши зоналлик асосида бўлиб, антропоген омилларга, дарёларнинг емирувчанлик хусусиятларига ва ёғин миқдорларига боғлиқ ҳолда вужудга келади.**


5. Наманган вилояти адирларининг табиий-техноген тизимлари агрокомплекс, гидротехник, саноат, селитеб ва йўл комплекслардан иборат. Адирлар ландшафт-экологик шароитининг ўзгаришига агрокомплекс ва гидротехник комплекслар кўпроқ таъсир кўрсатади. Мазкур худуднинг ландшафт-экологик шароитининг шаклланишида турли хўжалик тармоқларининг ривожланиши муҳим ўрин тутади. Жумладан, қишлоқ хўжалигида нахтачилик, дончилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачилик; саноатда енгил, озиқ-овқат, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, кимё ва бошқа тармоқлар. Адирларда саноатга нисбатан қишлоқ хўжалиги яхши ривожланганлиги учун ландшафт-экологик шароитига қишлоқ хўжалик таркибининг таъсири кўпроқдир.

6. Адирлар ер фондининг таркиби қишлоқ хўжалик ва бошқа ерларнинг улушкини ўзгариши билан ўзгариб турган. Гидротехник иншоотларнинг қурилиши ва ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони мунтазам ортиб борган ва ҳозирги пайтда 93,5 минг га ни ташкил қиласди.

7. Адирларда саноатнинг қўйидаги тармоқлари ривожланган: қайта ишлаш, саноат-фуқаро қурилиши, гидротехник қурилиш. Қайта ишлаш саноати таъсирида атроф-муҳитга турли хил чиқиндилар чиқади ва ландшафтларнинг ифлосланишига олиб келади. Саноат-фуқаро қурилиши жараённада селитеб ландшафтлар, гидротехник қурилиш натижасида гидротехник комплекслар вужудга келади. Транспорт тизими ландшафтларга иккӣ томондама таъсир кўрсатади. Улар таъсирида йўл ландшафтларининг вужудга келиши содир бўлади, ҳозирги пайтда уларнинг майдони  $10 \text{ km}^2$  дан ортиқ. Иккинчи томондан улар атроф-муҳитга турли хил газларни чиқариши оқибатида атмосферанинг ва биосферанинг ифлосланиши содир бўлади. Адирлар муҳитига йилига транспорт воситалари томонидан 278,2 кг турли хил газлар чиқарилади. Ушбу кўрсаткич Чуст (83,2 кг) ва Косонсой (71,9 кг) адирларида юқорилиги билан ажралиб туради. Адирлар ландшафт-экологик шароитининг шаклланишида гидротехник ин-

шоотлар асосий ўринни эгаллайди. Улар адирларда кенг тарқалган агрокомплекс ва гидротехник комплексларни вужудга келтиради. Гидротехник комплексларнинг умумий майдони **40 км<sup>2</sup>**, суформа деҳқончилик майдони эса **93,5** минг га ни ташкил қиласди.

8. Адирлар ландшафт-экологик шароитининг таркиб топишида инсон фаолиятининг таъсири муҳимдир. Яъни, улар агро-ландшафтлар, антропоген рельеф шакллари, тупроқ қатламларининг ўзгариши ва жарлар, суффозион ўралар, эрозия, ботқоқланиш, тупроқ ва ўсимлик қопламишининг деградацияга тортилганлиги каби кўринишларда намоён бўлди.




1-расы. Наманган вилойти дарнадарининг геологияни карта - тенгисти

Масштаб 1:700000

- Южон түртмакин Амир ёткизилари
- Уга түртмакин Амир ёткизилари
- Кубин түртмакин Амир ёткизилари
- Насекинин Гланцион Амир парчалашмалари






2-расм Наманган вилоятинин таңдаринин геоморфологияк карта – схемаси  
Масштаб 1:700000


Легенда

— азотин тектоник тири  
— калыптын тектоник тири  
— жыныс тектоник тири  
— калыптын тектоник тири  
— калыптын тектоник тири



Зарнанган ишоюнди дардараининг ишлами көрға—сөздаси

Масштаб 1:700000



## ШАРДАЛ БЕЛГИЛАР

СИРДАРА - ЖАСЫЛ АЛЫМНЫҢ АРДЫНДА РАЙОНДАРДА ПРОДУКТИВДЕН СИРДАРА НИНДЕРДАН ИЛ ГИ

АМУ ДРАЗА - АЛЫМНЫҢ АРДЫНДА РАЙОНДАРДА ПРОДУКТИВДЕН АМУ ДРАЗА НИНДЕРДАН ИЛ ГИ

ОБІСТРОВА - АЛЫМНЫҢ АРДЫНДА РАЙОНДАРДА ПРОДУКТИВДЕН ОБІСТРОВА НИНДЕРДАН ИЛ ГИ

СИРДАРА - ЖАСЫЛ АЛЫМНЫҢ АРДЫНДА РАЙОНДАРДА ПРОДУКТИВДЕН СИРДАРА НИНДЕРДАН ИЛ ГИ

АМУ ДРАЗА - АЛЫМНЫҢ АРДЫНДА РАЙОНДАРДА ПРОДУКТИВДЕН АМУ ДРАЗА НИНДЕРДАН ИЛ ГИ

ПАМІР - ЖАСЫЛ АЛЫМНЫҢ АРДЫНДА РАЙОНДАРДА ПРОДУКТИВДЕН ПАМІР НИНДЕРДАН ИЛ ГИ

4. Рисунок 4. Наменование земельных категорий в Центральной Азии  
Использовано в трудах:

Макет карты

## ШАРЛАН БЕЛГИЛАР

Оңтүстүк жағынан көзөндейтін жерде деңгелескен шарланың түрлөрінің макеттерін салып көрсөткіштің орталығында.

БАСТАУ

Оңтүстүк жағынан көзөндейтін жерде деңгелескен шарланың түрлөрінің макеттерін салып көрсөткіштің орталығында.

Оңтүстүк жағынан көзөндейтін жерде деңгелескен шарланың түрлөрінің макеттерін салып көрсөткіштің орталығында.


Оңтүстүк жағынан көзөндейтін жерде деңгелескен шарланың түрлөрінің макеттерін салып көрсөткіштің орталығында.


Оңтүстүк жағынан көзөндейтін жерде деңгелескен шарланың түрлөрінің макеттерін салып көрсөткіштің орталығында.

Оңтүстүк жағынан көзөндейтін жерде деңгелескен шарланың түрлөрінің макеттерін салып көрсөткіштің орталығында.

5-расм. Шарланың макеттерінің анықтарыннан үйрекшілдік  
Карта-схемасы

Масштаб 1:7000000







## ШАРТАН БЕЛГИЛР



Рис. 2. Наманган вилоғында амбараинин транспорттеги үзүүлүшү

Масштаб 1:700000





9-рәсм. Наманган вилаети даргонарнин атраваннафт картасы - "Схемаси  
9-plan" (Масштаб 1:700000)

Масштаб 1:700000

1 км  
— сілдік шарт — жағынан шарт

### ШАРТАЛЫ БЕЛГИЛЛЭР

Жибек жайылышын

Баатырлық түркізген шайылышын

Түркізген еркактың шайылышын

Калып көйлөү - түркізген шайылышын

Калып көйлөү, барының түркізген шайылышын

Калып көйлөү, барының түркізген шайылышын

Киргизистон

Киргизистон

Т о ш к е н т      В и л

Тожикистон

Фарғона

10-РАСМ НАМАГАН ВИЛОНДАРНИНГ ПАНДАФТ

ТИПОЛОГИК КАРТА-СХЕМА

МАСШТАБ: 1:700000

В и л.

### Шартли белгилар

- Жер - Адир топография уринчичи
- Жер инфраструктура уринчичи
- Адир саралык ботаникалык уринчичи
- Соң водология уринчичи
- Адир оңдык геомелиорациялык уринчичи
- Адир орти төмөнкүлүктөрдөн уринчичи
- Адир чөлардар

Киргизистон

Киргизистон

ТӨӨХӨН БАГ

Тажикистан

Оаргона

Шартли белгилар

- Күнсөн үзүрлөр(Чүт-Тол) пешкеңдер-экономикалык район
- Учкын үзүрлөр(Бозасасай, Түркістан)
- Күнсөн үзүрлөр(Учи-Чиргол) пешкеңдер-экономикалык район
- Учкын үзүрлөр(Ош айыл тұралыныздар)
- Улуттар(Ош айыл тұралыныздар)
- Навоидер-экономикалык район шарбас

ВИЛ.

13-расы НАМАНГАН ЕНИГОРДА АДЫЛЛАРНИҢ ЛАНДШАФТ-  
ЭКОЛОГИК РАЙОНДАШТЫРЫЛЫС СХЕМАСЫ  
МАСШТАБ: 1:700000

### **III БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АДИРЛАРИ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИНГ ЎЗГАРИШИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР**

#### **Инсон хўжалик фаолияти таъсирида Наманган вилояти адирлари табиатининг ўзгариши**

Наманган вилояти адирларининг ландшафтлари кишиларнинг хўжалик фаолияти таъсирида маданийлашган ландшафт хусусиятларига эга. Бу адирлардан чорва ҳайвонларини боқиша яйлов сифатида фойдаланиш давом этаётир, қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларини етиштириш учун, шунингдек янги аҳоли пунктларини барпо қилиш мақсадида сув чиқариб ўзлаштирилди ва ҳамон ўзлаштирилмоқда.

Наманган вилояти адирлари ландшафт комплекслари инсонларнинг хўжалик фаолиятининг турли тармоқлари, айниқса қишлоқ хўжалиги таъсирида кучли ўзгаришга учрамоқда. Бундай ўзгаришлар турли-туман ҳудудлар доирасида содир бўлгани учун вужудга келган антропоген ландшафтлар ҳам ўша ҳудуд табиатининг умумий хусусиятларига бўйсунган ҳолда ривожланади.

Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик шароитининг ўзгариши қўйидаги йўналишларда содир бўлади: рельефнинг ўзгариши, тупроқда чиринди миқдорининг камайиши, агроирригацион ётқизиқларнинг вужудга келиши, тупроқ қопламининг ювилиши, ландшафтларнинг ифлосланиши, инженер-географик жараёнларнинг ривожланиши ва ҳоказолар.

Кишиларнинг сурункали обикор деҳқончилик билан шуғулланиши ландшафт комплексларининг микрорельеф хусусиятларига кучли таъсир этади. Рельефларнинг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши Ю.Ф.Чемеков (1972), Ф.Н.Мильков (1973), А.А.Абдулқосимов (1983), Л.И.Куракова (1976, 1978, 1983), И.С.Зонн (1981), Г.К.Беляев (1981), А.Мақсудов (1988, 1990, 1993), К.М.Боймирзаев (1995, 2005) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Чортоқ адирларининг юқори қисмida қалин ва жуда қалин агроирригацион ётқизиқларни кесиб ўтган анҳор, ариқ йўллар ва қишлоқлар кенг тарқалган. Якка-ёлғиз антропоген тепаликлар қадимдан аҳолининг зич жойлашганлигидан далолат беради. Адирнинг ўрта қисми ҳозирги кунда аҳолининг энг зич жойлашган ҳудуди бўлиб, анҳорлар ва ариқлар, турли даражадаги

Йўллар жуда кўп. Адирларнинг қуи қисми дренаж зовурлари ва суфориш иншоотлари кўплаб барпо этилган жойдир. Суфориладиган оч тусли бўз тупроқлар ўзластирилишининг дастлабки йилларида тупроқ таркибида чиринди миқдорининг камайиб бориши кузатилган бўлса, кейинчалик инсон хўжалик фаолиятининг ижобий таъсири натижасида уларнинг кўпая бориши аниқланган.

Суфориладиган аллювиал ўтлоқли тупроқларда ҳам суфориш бошланган дастлабки 20-30 йиллар давомида чиринди миқдорининг камайиб, сўнгра кўпая бориши кузатилади. Мунтазам суфориш натижасида ўтлоқ соз ва ботқоқлашган ўтлоқ тупроқлар таркибидаги чиринди миқдори камайиб боради ва ҳеч қачон шу типдаги қўриқ тупроқлар даражасига етолмайди.

Обикор деҳқончилик майдонлари юқори, пастки адир қия текисликлари ва ботиқларида, адир орти ҳамда адир олди текисликларида Чодаксой, Фовасой, Косонсой, Подшоотасой, Намангансой, Чорткоқсой, Чинач сойлари ҳавзалари ва бир қатор гидротехник иншоотлар билан боғлиқ бўлган ҳудудларда жойлашган.

Адирларнинг деҳқончилик таъсирида ўзгариши, биринчи навбатда агроирригацион ётқизиқларнинг ҳосил бўлиши ва қалинлашиб бориши, суфориш иншоотларининг барпо этилиши, қишлоқлар ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши, йўллар қурилиши ва ҳоказолар оқибатида табиий ландшафт комплекслари ўрнига маданий геокомплексларнинг барпо этилиши ландшафт комплекслари ва улар тузилишининг ўзгаришига олиб келди. Бунинг оқибатида хилма-хил селитеб, қишлоқ-хўжалик, сув-хўжалик, мунтазам ва деградациялашган каби синфлар пайдо бўлди.

Шу билан бирга, адирлар ландшафтларининг суформа деҳқончилик таъсирида кучли ўзгартирилиши ҳам турли хил кўринишдаги экологик муаммолар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, бу минтақада содир бўлган ва бўлаётган жарлар, суффозион ўралар, эрозия, табиий тупроқ ва ўсимлик қопламиининг деградацияга тортилганлиги, шўрланишнинг кучайиб бориши каби мураккаб ҳолат кузатилмоқда. Суфоришдаги хўжасизлик, суфориш иншоотларидан нотўри, пала-партиш фойдаланилганлиги оқибатида адирларда кўплаб бузилган ландшафт типлари вужудга келмоқда.

Адир ландшафт комплексларининг ўзгаришига салбий таъсир этувчи қишлоқ хўжалигининг иккинчи муҳим тармоғи

чорвачиликдир. Адиrlарда чорвачиликнинг жун-гўшт ва сут-гўшт йўналишлари шаклланган. Чорвачилик майдонлари асосан юқори адиrlарда жойлашган. Бу ҳудудлар сурма деҳқончилик учун ноқулайдир. Шу сабабли бу чорвачилик майдонларида қадимдан чорва ҳайвонлари боқиб келиниши ўсимлик қопламларининг сийраклашуига ва айрим ўсимлик хилларининг йўқ бўлишига сабаб бўлган. Бу ҳолатлар иккиламчи табиий жараёнларга, яъни тупроқ қопламининг ювилишига ва микрорельефнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Бунинг сабаби адиr яйловларини маълум массивларга бўлиб чорва ҳайвонларининг боқилмаслигиdir.

Адиr табиий ландшафтлари ўрнида кейинги вақтларда йўл ландшафт комплекслари вужудга кела бошлади. Унинг ҳиссасига ҳозирги кунда вилоятнинг 36,2% (5-жадвал) йўллари тўғри келади. Йўл ландшафтлари адиr ҳудудлари бўйича нотекис тақсимланган. Бунга сабаб табиий шароит, қишлоқ хўжалик, саноат тармоқлари ва аҳоли жойлашуви бўлиб ҳисобланади.

Техника воситалари геокомплексларни углерод оксиди, азот оксиди ва углерод газлари билан ифлослайди. Мавжуд техника воситалари адиr табиатига йилига 278,2 кг газ чиқарди (9-жадвал). Техника воситалари чиқиндилари ландшафтлардаги модда ва энергия алмашинувига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Инсон фаолияти таъсирида вужудга келган навбатдаги табиий-техноген геотизим саноат комплексларидир. Адиrlарнинг саноат комплекслари таркибини пахта тозалаш, енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, химия ва қурилиш материаллари саноатлари ташкил этади. Адиr саноат комплекслари адиrlарнинг хом ашёларини қайta ишлаганлиги учун ҳам унинг ҳудудлари бўйича нотекис тақсимланган. Жумладан, пахта тозалаш Поп, Янгиқўргон, Уйчидан ташқари, енгил саноат Янгиқўргондан ташқари, озиқ-овқат саноати Янгиқўргон, Косонсой, Уйчидан ташқари, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш Поп, Косонсой, Янгиқўргон, Уйчидан ташқари барча адиrlарда мавжуд бўлса, кимё саноати Попда, қурилиш материаллари Попда ва Тўракўғонда жойлашган. Мустақиллик йилларида ҳам саноат комплексларини ривожлантириш ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида адиrlар ҳудудида бир қатор кўшма корхоналар барпо этилди. Натижада саноат комплекслари билан боғлиқ бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Жумладан,

саноат корхоналарининг қурилиши ландшафтлардаги модда ва энергия алмашинувининг ишдан чиқишига, айрим ландшафт компонентларининг структураси ўзгариши ва сон жиҳатидан озайишига ҳамда улар чиқиндилирининг ташланиши айрим ландшафтларнинг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун саноат комплексларини куришда ва фаолиятини бошқаришда илмий асосланган чора-тадбирларга қатъий амал қилиш лозим.

Адир ландшафтларига, айниқса сўнгги 15-20 йиллар ичida антропоген таъсир кучли бўлди. Адирларни кесиб ўтувчи сойларнинг деярли барча сувлари суғориш ишларига сарфланиши бир қатор экологик муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Наманган вилояти адирларида пайдо бўлган ва бўлаётган жарлар, суффозион ўралар, эрозия ва ўсимлик қопламишининг йўқолиб кетаётганлиги, шўрланишнинг кучайиб бориши, шўрхоклар пайдо бўлиши каби мураккаб экологик ҳолат кузатилмоқда. Бу нохуш жараёнларнинг олдини олиш учун, биринчидан, адирларда оқар сувларнинг бўлишига чек қўйиш, иккинчидан, сув фақат ёпиқ ҳолатда олиб юрилишини ҳамда томчилаб суғоришни амалга ошириш, кўп сув талаб қиладиган экинлар ўрнига узумчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш, лалмикор деҳқончиликни кенгайтириш лозим.

Асримиз бошларида адирларни чорва ҳайвонларини боқиш ва лалмикор деҳқончиликни ривожлантириш мақсадларида ўрганилган. Сув чиқариш қийин бўлган ўша шароитда адирларни суғориш ҳақида фикр юритилмаган ва юқори қатламларнинг шўрланмаганлиги сабабли шўрланиш ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Ҳозирги шўрланиш картасида эса нафақат Наманган вилояти адирлари, балки бутун Фарғона водийсидаги адирлар тури турли даражада шўрланган ва ҳатто шўрхоклар ҳосил бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бунга асосий сабаб, адирлар литоген асоси тузилишининг мураккаблиги, унда сувда осон эрувчи тузли қатламларнинг мавжудлиги ва сув ўтказмас қатламларнинг ўзига хос жойлашувиdir.

Наманган вилояти адирлари табиатига антропоген таъсирнинг кучлилиги маданий ландшафтларни вужудга келтириш билан бирга ландшафт компонентларини муҳофаза қилиш муаммоларини ҳам туғдирмоқда.

Наманган вилояти адирлар минтақаси ландшафтларини сақлаб қолиш ҳам табиатни муҳофаза қилишдаги энг катта муаммолардан ҳисобланади. Чунки бу минтақадаги дарахт ва

бута ўсимликларининг йўқолиб кетганлиги, деҳқончиликнинг кўп йиллар давомида ривожланиб келаётганлиги, чорва ҳайвонларини боқишида яйловлар маълум массивларга бўлиб олиб борилмаслиги, ушбу ҳудудда сел ва эрозия ҳодисаларининг кучли ривожланишига олиб келган. Бу ҳодисалар адирлар тупроқ қатламишининг қалин бўлмай, баъзан бутунлай ювилиб кетишига, лёссимон ётқизиқларнинг аллақачон эрозияга берилишига сабаб бўлган. Адирларни қадимгидек танлаб эмас, ёппасига ўзлашти-риш нохуш экологик ҳодисаларни келтириб чиқарди ва чиқармоқда.

Адирлар ландшафтларининг табиийлигини сақлаб қолиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш фақат ўрмонлар бунёд этишга эмас, балки турли амалий, ташкилий ишлар, агротехник ва агромелиоратив ҳамда гидротехник ишларни амалга оширишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Адирларда агрофитоценозлар ташкил қилиш фақат сел эмас, балки сув эрозиясининг ҳам олдини олади. Наманган вилояти адирларида табиий шароитни ҳисобга олиб, яйлов чорвачилигини, лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу соҳада тупроқ, ўсимлик ва сувнинг ўзаро боғлиқлик хусусиятини тўғри ҳисобга олиш кутилган натижани беради.

### **Антропоген рельеф шаклларининг ҳосил бўлиши, ривожланиши ва уларнинг ландшафт-экологик шароитнинг ўзгаришига таъсири**

Антропоген фаолият таъсирида табиий рельеф шакллари ўзгариб бормоқда. Рельеф ўзгариш даражасига кўра Фарғона водийсида жуда кам ўзгарган (20%-40%), ўртача ўзгарган (40%-60%), кучли ўзгарган (80%-100%) жойлар ажратилган (А.Мақсудов, 1993). Генетик категориялар антропоген рельефнинг мелиоратив, каръер, терраса, текисланган, қурилма, жарлик суффозион-карст, ирригацион-эрзион, ирригацион-аккумулятив ва қолдиқ «предмет» генетик группаларга бўлади.

Наманган вилояти адирлари антропоген рельеф шакллари мақсадга кўра олдиндан белгиланган ёки белгиланмаган кўринишларда бўлади.

Олдиндан белгиланган рельеф шаклларига мелиоратив (дренаж каналлар, суфориш каналлари, сув омборлари, ҳовузлар,

шолипоялар киради), каръерлар (адирларнинг ковланиши ва йўл қуриш натижасида ерларнинг ўйилиб қолишидан ҳосил бўлади), текисланган, террасаланган ёнбағирлар (ёнбағирлар, террасалар), қурилмалар (йўллар, селга қарши дамбалар, шамол эрозиясига қарши тўсиқлар) киради.

**1. Мелиоратив рельеф.** Суғориш иншоотларини қурилиши ва сугоришнинг иккиласми қўринишлари натижасида ҳосил бўлади. Суғориш ва қуритиш мелиорацияси таъсирида ер юзи маълум ўзгаришларга учрайди. Катта Наманган канали ва адирларга сув чиқариш билан боғлиқ бўлган ариқлар, адирларда ва адир олдидаги қурилган коллектор зовур иншоотлари шулар қаторига киради. Каналлар ва коллектор-дренаж жойларининг географияси қатор табиий географик омилларга боғлиқ. Суғориш системаларининг мезорельеф шакли деб ҳисобланган, уларнинг юзага келиши маълум мезо ва микрорельеф шаклларининг ўзгариши билан боғлиқ.

**2. Каръерлар.** Фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олиш, тоғ олдиларининг ковланиши ва йўл қуриш натижасида ерларнинг ўйилиб қолишидан ҳосил бўлади. Ф.Н.Мильков (1973) каръерларнинг уч асосий груҳини (каръер, тикланган ва асрий ҳоли) ажратади. Наманган адирларида жойлашган «Самарқанд» ширкат ҳўжалиги ҳудудида майдони 1 кв км бўлган каръер мавжуд. Бунга үхашаш каръерлар Чуст-Поп, Тўрақўргон, Наманган ва Чорток адирларида анча майдонни ташкил қилади. Натижада уларнинг ўрнида каръер-рельеф шакллари ҳосил бўлган.

**3. Сунъий терраса рельефи.** Адир ёнбағирларида сунъий террасалар барпо этиб, боғ-роғлар ташкил қилиш натижасида вужудга келади. Бундай ҳудудлар горизонталлар бўйича сувнинг юришига мослаб барпо этилган. Наманган вилояти адирларида терраса рельефи ҳосил қилиб, деҳқончилик қилиш амалга оширилмаётгани ачинарли ҳол бўлиб, адирларга катта зарар келтирмоқда.

**4. Текисланган рельеф.** Ер текислаш капитал (тубдан) ва жорий текислашларга бўлинади. Ҳар икки усул қадимдан сугорилаётган ва янги сугоришга мўлжалланган ерларда амалга оширилади. Адирларни ўзлаштиришда лойиҳа асосида капитал ва жорий текислаш ишларини олиб бориш талаб қилинади. Горизонтал қия ва топографик юзалар асосида ер текислаш ишлари амалга оширилади. Адирларни текислаш учун лойиҳа бўйи-

ча тупроқ группасининг гранулометрик таркиби текисланиш даражаси, рельефи, сув ўтказмайдиган қатламларининг чукурлиги каби хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур. «Ўзгипро-водхоз» институтининг берган маълумотига кўра, майин жинсларнинг қалинлиги 100 см бўлган ерларда текислаш учун суриладиган қатламнинг қалинлиги 50 см, майин жинсларнинг қалинлиги 50-100 см бўлганда суриб текислаш ишларини олиб бориш тавсия қилинмайди. Қалин лёсс ва лёссимон жинслардан иборат адирларни текислашда эса бу тавсия ўз кучини йўқотади. Чунки, мавжуд лёссимон адирларнинг 1-2 м дан 4-5 м гача қалинликдаги юза қисми кучли техникалар ёрдамида суриб текисланмоқда. Бу эса рельеф шаклларининг тубдан ўзгариб кетишига олиб келади.

Қўкумбой адирларида олиб борилган текширишлар ва ер текислаш ишлари натижасида 5000 кв км майдондан 13500 км куб ҳажмдаги 20 минг тонна тупроқ-грунт суриб юборилган. Сурилган тупроқ-грунт жилгалар ва чукурликларга олиб бориб ташланган бўлиб, суффозия ва ўралар ҳосил бўлишига сабаб бўлган. Антропоген жарликлар адирларда сувдан нотўғри фойдаланиш ва жой турини ташлашдаги хатоликлар оқибатида юзага келади. Қия ерларни суфориш натижасида эгатлар туви ўйилиб кетади, мабодо сув кўпроқ берилса бу ўйиқлар жарликларга айланади, ташлама сувлар эса жарликлар чукурлигини ва ҳажмини кенгайтиради. Адирларни ўзлаштиришда сувдан нотўғри фойдаланиш коллектор-дренаж жарликларининг пайдо бўлишига олиб келади. Янгиқўргон туманига қарашли Қозонбулоқ қишлоғини иккига бўлиб юборган улкан жарлик бунга яққол мисолдир. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, иягари бу жойда кўплаб булоқлар бўлиб, сув кичкинагина ўзанда оқиб турган. 1976 йили адирларга сув чиқарилганидан сўнг ташлама сувлар пайдо бўлган. Бунинг устига, фильтрацион сувлар сув ўтказмайдиган қатламлар устида тўпланиб, Қозонбулоқ қишлоғи томонга сизот сувлари шаклида сизиб кела бошлади. Сизот сувларининг сатҳи адир орасидаги бу қишлоқда кўтарилиб, ботқоқлар пайдо бўлди. Маҳаллий аҳоли сизот сувлари сатҳини пасайтириш мақсадида коллектор қазишга қарор қилди. Натижада, аввал кичикроқ, сўнгра эни 15-20 м, чукурлиги 12-18 м келадиган жарликлар пайдо бўлди. Жарликларнинг айрим жойларида узунлиги 50-100 м га борадиган ирмоқлар ҳосил бўлди. Қозонбулоқ қишлоғи иккига

бүлиниб, боғ-роғлар, иморатлар, электр тармоқлари ва йўллар вайрон бўлди (Мақсудов, 1989). Бундай нохуш манзараларни Чорток, Чуст, Косонсой адирларида ҳам учратиш мумкин.

## Тупроқ қоплами ўзгаришининг ландшафт-экологик шароитнинг шаклланишига таъсири

Адирларда тупроқ қопламиning ўзгариши натижасида ландшафт-экологик шароит ҳам ўзгаради, натижада тамоман янги ландшафт турлари вужудга келади. Адирлар Наманган вилоятининг асосий ер фонди бўлиб, ҳудудда қишлоқ хўжалик соҳаси билан боғлиқ экологик муаммолар қатори тупроқ қатламиning ўзгариши ҳам қузатилади. Унинг асосий йўналишлари гумуснинг ўзгариши, маданий тупроққа айланиши, шўрланиш, эрозия ва бошқа кўринишларда намоён бўлади.

Бундай жараёнларнинг вужудга келиши бевосита жойнинг геологик, геоморфологик ва тупроқ шароитига ҳамда асосан антропоген омил хусусиятларига боғлиқ. Жумладан, адир орти-нинг шимоли-шарқида (Ҳазратиши ва Парамон қишлоқларида) тўқ тусли бўз тупоқлар тарқалган, уларда чириндили қатлами 20-25 см, кучли ювилиб турадиган бўз тупроқларда эса чириндили қатлам юпқа.

Чорток адирларининг юқори қисмидаги оч тусли бўзвоҳа тупроқларининг чириндиси гектарига 0-50 см да 35 т, 0-100 см да эса 55 т ни ташкил қилади. Ўрта қисмida эса 0-50 см чуқурликда гектарига 41 т, 0-100 см да 59 т га тўғри келади (К.М.Боймирзаев, 1995). Адирлар минтақасининг бошқа қисмida тарқалган тупроқ типларининг қузатилганда бу кўрсаткичлар турлича эканлиги маълум бўлди.

Юқори адирларнинг 1500-1600 м баландликлари шағалли ёнбағирлар, она жинс ер юзига чиқиб ётган ёки шағаллардан иборат қиялик ҳамда водийлардан иборат. Бу ҳудудлар шағал, қумтош, мергел ва конгломератлардан ташкил топиб, тупроқлари кўп ерларда табиий омиллар таъсирида ювилиб кетган. Иқлимининг ўзига хослиги, ўсимликларнинг камбағаллилигига ва тупроқда чириндининг кам тўпланишига олиб келган. Чириндининг миқдори 2,0-3,5% га етади, 2-4% и эса гипсдир. Чириндининг камлиги ва карбонатлилик сувга чидамли агрегатларни кучсизлантиради, бу эса эрозияга кучли тортилишга олиб келади.

Шағалли адирларнинг типик бўз тупроқлари юқорида баён қилинган типик бўз тупроқлардан тубдан фарқ қиласди.

Суғориладиган бўз тупроқларда агроирригацион ётқизиқлар, органик ва минерал ўғитлар ҳисобига тупроқнинг қалинлиги орта боради, гипс тобора пастга ювила боради, азотнинг ўсимлик ўзлаштирадиган шакллар кўпайиб, тупроқ тобора маданий ҳолга ўта боради.

Бу тупроқлар тарқалган адирлар ўртача 8-15° қияликка эга бўлиб, бу қиялик суғориш эрозиясини келтириб чиқарувчи асосий омиллардан биридир. Суғориш қиялик ерлардаги экинларни сугорганда, эгатларга тарқалган сув тезлиги ошиши натажасида тупроқнинг унумдор қисми ювилиб кетади. Натижада унумдорлиги ва бошқа хусусиятлари ҳар хил бўлган тупроқлар ҳосил бўлади.

Паст адирларни оч тусли бўз тупроқлар эгаллаган бўлиб, адирларда суғориб деҳқончилик қилинаётган ерларнинг 60% и шу тупроқлар тарқалган жойларга тўғри келади. Бу тупроқлар учун чириндили қатламнинг юпқалиги, чиринди миқдорининг камлиги, тупроқнинг скелетлилик даражаси юқорилиги, майнин жинслар қатламининг 30-50 см қалинликда эканлиги, карбонатлар ва гипснинг юқори қатламларда жойлашганлиги, сув ўtkазувчанлиги ҳамда сувга чидамлилик даражаси тупроқ эрозиясига мойиллиги характерлидир.

Бу тупроқ хили юпқа - 15-20 см бўлиб, шағал устида ҳосил бўлган, чириндиси кам 0,5-0,8%, 10-20 см чуқурликда гипс қоплами жойлашган. Тарихий манбаларга қараганда, шағалдан иборат адирлар қадимда майнин жинслар билан қопланган эди. Улардан хотўғри фойдаланиш бу тупроқларнинг юзасидаги майнин жинсларнинг ювилиб кетишига олиб келди.

Майнин жинслар билан қопланган адирларда оч тусли бўз тупроқлар яхши ривожланган. Эфемер ўсимликлар кенг тарқалиб, 3-5 см қалинликдаги, бўз рангли, майдада кесаксимон структурали чим ҳосил қиласди. Карбонатли қатлам 12-15 см дан бошлансада, типик бўз тупроқлардагидек яхши ифодаланмайди. Гипсли қатлам 50-70 см чуқурликда жойлашган.

Оч тусли бўз тупроқларни тўла кимёвий анализ қилиш қатламда чиринди кам, темир ва алюминий оксидларининг кўплигини кўрсатади (А. Мақсудов, 1988).

Бу тупроқ хиллари сульфат тузлари билан шўрлашган бўлиб, она жинс таркибида тузлар бўлган адирларда шўрланиш макси-

мал даражага етади. Адир орти, олди текисликлари ва оралиғи ботиқларининг айрим жойларда грунт сувлари ер юзига чиқиб қолган жойларда ҳатто шұрхоклар ҳам ҳосил бўлган. Бу ҳолатлар қишлоқ хўжалигига фодаланишда қўплаб қийинчиликлар туғдиради. Бу ҳудудларда агротехника ишларини амалга оширишга неоген ва қуий тўртламчи даврга оид алевролитлардан иборат сув ўтказмайдиган қатламларнинг ер юзига яқин жойлашганлиги бирмунча қийинчиликлар туғдиради.

Типик ва оч тусли бўз тупроқлар қишлоқ хўжалигига, жумладан, суғорма деҳқончиликда кенг фойдаланиб келинаётган ерлардир. Уларнинг ўзлаштирилиши натижасида тубдан янги сугориладиган типик ва суғориладиган оч тусли бўз тупроқхиллари ҳосил бўлган.

Суғориладиган бўз тупроқларда узоқ муддат деҳқончилик қилиниши бўз-воҳа тупроқларнинг шаклланишига олиб келди. Суғориладиган бўз тупроқларнинг чириндиси ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида камая борган, сўнгра орта бориши кузатилган. Ўзлаштиришнинг давом этиши карбонатлар ва гипснинг ювилиб кетишига сабаб бўлиб, унумдор тупроқ қалинлашади, агрономик қимматбаҳо моддалар миқдори ортиб боради. Шу билан бирга, ювилган карбонат ва гипслар бошқа ҳудудларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, пастки адирларнинг айрим хўжалик ерларининг яроқсиз ҳолга ўтишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Суғорма деҳқончилик майдонларида суғориш (ирригацион) эрозияси кенг тарқалган. Бунинг учун адирларда барча табиий ва антропоген омиллар ривожланган. Адирларда эрозия хавфи кучлидир. Бунинг натижасида тупроқнинг устки майнин жинсли қатлами ювилиб кетиб, шағалли қатлами очилиб қолмоқда. Натижада тупроқнинг сув-ҳаво режими ва унумдорлиги кескин ёмонлашиб, деҳқончилик учун мутлақо яроқсиз ҳолга келмоқда. Суғориш эрозияси тупроқ унумдорлигини пасайтиради, деҳқончилик ишларини ўз вақтида ўтказишга жиддий түсқинлик қиласи, пахта ҳосилини камайтиради ва сифатини пасайтиради, солинган минерал ўғитларнинг ювилиб кетишига сабаб бўлади (11-жадвал).

Суғориш эрозиясига қарши кураш олиб бориш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан баридир. Бунинг учун тупроқ структурасини яхшилаш, ювилашга чидамлилигини ошириш, сув ўтказувчанлигини яхшилаш ва эгатлардан оқаётган сув тезлигини

камайтириш зарур. Тупроқ структурасани яхшилаш алмашлаб экишдан унумли фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу борада адирларнинг бир қатор хўжаликларида олиб борилаётган ишларни янада юқори даражага кўтариш лозим.

Адирларнинг жануби-ғарбидаги қисман шамол эрозияси (дефляция) кузатилади. Чуст-Поп адир олди текисликлари шамол эрозияси таъсирида шкастланмоқда. Бунга сабаб Қўён-Бекобод шамоли йўналишида жойлашмасада, лекин Сирдарё ўзан усти босими шамолнинг маълум бир қисмини шу томонга буради.

## 11-жадвал

### Суғориш (ирригация) эрозиясининг тупроқ унумдорлигига таъсири

Тупроқнинг ювиллиши Даражаси	Ернинг Нишаб- лиги ( $0^{\circ}$ )	Чириндилини катламишининг каландиги (см)	Чирниди микдори (%)	Пахта хосилин (ц /га)
Ювилган махсулот тўпланган жой	0 <sup>0</sup>	100 дан ортик	1,3-1,7	32,7
Кам ювилган Оч тусли бўз тупроқ	1-2 <sup>0</sup>	50	1-1,2	28,4
Уртacha ювилган	3-4 <sup>0</sup>	25-30	0,8-0,9	25,9
Кучли ювилган	5-7 <sup>0</sup>	15-20	0,4-0,6	23,0

**Изоҳ:** Жадвал A. Мақсадов маълумотлари асосида тайёрланди.

Натижада адир олди текисликлари енгил механик таркибли тупроқлар дефляцияси оқибатида хоссалари бутунлай ёмонлашиб кетади.

Дефляцияга қарши кураш йўлларидан бири суғориш майдонлари эгатларини шамол йўналишига кўндаланг жойлаштириш, тол, акация, тут, жийда, терак, ўрик каби ўсимликлардан ихота дарахтзорлари барпо этиш керак.

Наманган вилояти адирлари XX аср бошларига қадар қуруқ ерлардан иборат бўлиб, сунъий суғориш иншоотларининг барпо этилиши натижасида тез суръатлар билан ўзлаштирила бошланди. Ўтган аср бошларидаги тупроқшунослар адирларнинг

чорвачилик ва лалми деҳқончиликни амалга ошириш учун тадқиқ этганлар. Сув чиқиши қийин бўлган уша вақтларда адирларни сугориш ҳақида ҳеч қандай фикр-мулоҳазалар юритилмаган, шу билан бирга 1930-йиллар учун тузилган тупроқ картасида адирларда шўрланиш жараёни кузатилмаганлигидан, бу ҳақда ҳеч қандай маълумотлар берилмаган.

Ҳозирги шўрланиш картасида эса адирлар турли даражада шўрланган, кўплаб ҳудудларда бўлса шўрхоклар ҳосил бўлганлигини кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби эса адирларнинг ўтмишдагидек танлаб эмас, ёппасига ўзлаштирилишидир.

Наманган вилояти адирларида сувдан нотуғри фойдаланиш, яъни коллектор-зовур тизимлари ҳолатининг ёмонлашуви, шўр сувлардан сугоришда фойдаланиш кабилар иккиласи шўрланишни вужудга келтирмоқда.

Наманган вилояти адирлар минтақасида ер ости сувлари ер юзасига яқин жойлашган бўлиб, тупроқлар турли даражада шўрлангандир. Бу ҳолатдаги мавжуд тупроқларда деҳқончилик қилиш ва ривожлантириш оғир ҳамда мураккаб кечади.

Кейинги йилларда адирларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш турли хил салбий ҳолатларга олиб келди.

Адирларни ўрганишга оид кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар ва шахсий текширишларимиз адирлардаги сувда эрийдиган гузларнинг манбаи неоген ва тўртламчи давр тоғ жинслари эканлиги, бу жинсларнинг хусусиятлари эса уларнинг миграция шароитлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Биз ўрганган Наманган вилояти (Чуст-Поп, Тўракўрғон ва Чорток) адирлари сугорилганда уларнинг тупроқ-экологик ҳолати қандай ўзгаришларга учрашини дала тадқиқотлари ёрдамида аниқлаш орқали амалга оширидик. Наманган вилояти адирларида сув ўтказмайдиган жинслар, алеврит ва алевролитлар ер юзига чиқиб қолганлиги кўзга ташланади. Адирлар рельефининг шакллари орасидаги тўғри бояликларнинг йўқлиги натижасида одамларнинг антропоген тазиёки сабабли шўрланиш ортиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир. Резаксой (Чуст-Поп) участкаларидаги кузатиш давомида ўзлаштириш даври қанчалик катта бўлса, қайта шўрланиш миқёси кенгая бораётганлиги аниқланди.

Резаксой атрофларидаги шўрхоклар таркибида 1986 йилларга нисбатан 1996 йилларда катта ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, сувда эрийдиган янги тузлар миқдори 1986 йиллари қатқалоқ қатламида 2-3% ни ташкил қилган бўлса, 1996 йилларга

келиб бу тузларнинг ялпи миқдори 7-8% га етиб борганлиги аниқланди. Сульфат тузлари 4-5% ни ташкил қилған бўлса, энди 15-20% га, хлорли тузлар 0,5% бўлса, ҳозирда 2-3% га кўпайиб кетганлиги аниқланди (А. Мақсудов, 1988). Айниқса, натрий қатламининг миқдори тез кўпайиб кетганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Тузларнинг кўпайиб бориши билан бирга ландшафтларда ўзгаришлар содир бўлди.

Резаксой атрофларида шўрланмаган тупроқлар ўтган йиллар давомида деҳқончилик қилиниши туфайли шўрланиб, натижада бундай жойлар ташландиқ ҳолга келиб қолган.

Бу кузатиш ҳудудларида суфоришнинг тупроқ-экологик ҳолатига салбий таъсир қилаётганлиги, адирларда сув ўтказмайдиган қатламнинг шаклланишини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оши-рилаётган суфориш усулидан келиб чиқмоқда.

Табиий географик комплексларнинг антропоген тазийиқ остида ўзгаришга учраши ўз навбатида рельеф экспозицияси (нишаблиги), тоғ жинсларининг зичлиги, сув ўтказувчанлиги ва бошқа омилларнинг хусусиятлари билан боғлиқдир. Рельефнинг ҳолати, тоғ жинсларининг таркиби ва сув ўтказмайдиган қатламнинг шаклларини ҳисобга оладиган илмий тавсиялар асосида ўзлаштириш, адирларни асраб қолиш ва суфоришнинг агротехник усулини такомиллаштириш, суфориш иншоотларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қабилар муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Наманган вилояти адир ландшафтларининг маданийлашиш даражасини, тупроқларни шўрсизлантириш учун тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, антропоген ландшафт комплексларида нохуш экологик муаммоларнинг олдини өлиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

- адирлар минтақасида кам сув талаб экинлар майдонини кўпайтириш, обикор деҳқончилик қилинадиган ҳудудлар кўламини қисқартириш;
- янги гидротехник иншоотлар қуришни тўхтатиш, мавжудларидан самарали фойдаланиш;
- шўрланиш кучли бўлган ҳудудларда мавжуд коллектор-зовурларда таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мослаштирган ҳолда жойлаштириш қабилар.

Наманган вилояти адирларида жойлашган хўжаликларни узум-

чилик ва боғдорчилик хўжаликларига айлантириш, камсув талаб экинлар кўламини кенгайтириш каби чора-тадбирлар ҳам кутилган самара беради.

## **Агроландшафтларнинг ривожланиши ва уларнинг ландшафт-экологик шароитнинг ўзгаришига таъсири**

Адирларда табиий-антропоген тизимларнинг катта қисмини агроландшафтлар ташкил қиласи. Улар тузилишига ва хусусиятларига кўра турли-туман бўлиши мумкин (9-расм). Наманган вилояти адирлари агроландшафтларини суформа деҳқончилик, лалми деҳқончилик, ялов ва ўтлоқлар ландшафтларига бўлиш мумкин. Шунингдек, агроландшафтлар ҳудуди табиий ландшафтлар каби агроуочише ва агрофацияларга бўлинади. Агроландшафтлар табиий ландшафтларга нисбатан табиий-динамик ўзгаришларга кам бардошлилиги билан ажralиб туради. Чунки бу ландшафтларда антропоген таъсир натижасида тирик организмлар ҳаётида, сув ва иссиқлик режимида, тупроқ ҳосил бўлиши жараёнида, биогеокимёвий модда алмашинувида маълум ўзгариш юз берганки, уларнинг ҳаммаси маълум даражада қишлоқ хўжалик ерларида агроландшафтларда мувозанат озигина бузилса турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг (эрозия, дефляция, иккиламчи шўрланиш, яйловларнинг бузилиши ва бошқалар) вужудга келишига ва ривожланишига олиб келади.

Суформа деҳқончилик ландшафтлари адирлардаги меридионал тармоқланган сой ҳавзалари йўналишлари билан таркиб топган. Бу ландшафт хили адирларнинг 93,5 минг гектар майдонини эгаллайди. Суформа деҳқончилик ландшафтлари юқори адирга нисбатан пастки адирларда яхши ривожланган.

Юқори адир суформа деҳқончилик ландшафтлари Чорток адирларининг Пешқўргон, Ҳазратиши қишлоқлари атрофларини, Янгиқўргон адирларининг Исковот атрофлари ва шарқини, Бекобод жануби ва фарбларини, Косонсой адирларининг Косонсой шаҳридан фарб ва жанубидаги ҳудудларини, Чуст адирларининг Оғасарой қишлоғининг жануби ва шарқидаги майдонларини, Варзик қишлоғи атрофларини ўз ичига олса, Поп адирларида бу ландшафт хили фақат Чодаксойнинг юқори оқимлари билан боғлиқ бўлган ҳудудларни ўз ичига олади, холос.

Лалмикор деҳқончилик ландшафтлари 271,6 минг гектар адир ҳудудини ўз ичига олади. Улар паст адирга нисбатан юқори

адирларда яхши ривожланган. Улар Чорток юқори адирларининг адир орти текисликларини (Пешкўргон қишлоғининг шимоли-шарқидаги майдонлар), Янгиқўргон адир оралиғи текисликларини, (яъни Бекобод қишлоғининг жануби-ғарбидаги майдонлар), Косонсой адирларини, Чуст адир орти текисликларини, (Варзик қишлоғининг ғарб ва жанубидаги майдонлар), адир оралиғи ботиқларини (Оғасарой қишлоғининг жанубий ва жануби-ғарбий қисми) ўз ичига олса-да, Поп адирларида деярли учрамайди.

Паст адирларда лалмикор деҳқончилик ландшафтлари Янгиқўргон (Қораполвон жанубида), Тўрақўргон (Ёртепа жануби-шарқида), Чуст (Ҳисорак жанубида), Поп (Хонободнинг жануби ва жануби-ғарбida), адир олди текисликларида ва Косонсойда (Кўқумбой жанубида), Чуст адирларида (шаҳар маркази жанубида, Каркидон ғарбida, Олмос қишлоғи шимолида), Попда (Хонобод жанубида) адир оралиғи ботиқларида жойлашган.

Яйлов ландшафтлари 143,0 минг га ни ташкил этиб Чорток адирларини (Алихон қишлоғи шимолида), Косонсой адирларини (шаҳар марказининг шимоли-шарқида ва жануби-шарқида), Чуст адирларини (Варзик адир орти текислиги шимолида, Оғасарой ғарбida), Поп адирларининг юқори қисмининг барчасини ҳамда паст адирларнинг тепаликларини ўз ичига олади.

Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик шароити-нинг ўзгаришидаги асосий йўналишларга оид олиб борилган тадқиқотлар III бобда ўз аксини топган бўлиб, ушбу бобда келтирилган маълумотлар қўйидаги хulosаларни бериш имконини яратди:

1. Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароити инсонлар хўжалик фаолиятининг турли тармоқлари, айниқса қишлоқ хўжалиги таъсирида бир қатор ўзгаришларга учраган. Яъни, улар қўйидаги йўналишларда содир бўлган: рельефнинг ўзгариши, тупроқда чиринди миқдорининг камайиши, агроригијацион ётқизиқларнинг вужудга келиши, тупроқ қатлами ning ювилиши, ландшафтларнинг ифлосланиши, инженер географик жараёнларнинг ривожланиши ва бошқалар.

2. Адирларда рельефнинг ўзгариши қўйидаги йўналишларда содир бўлади: адирларда ерларнинг ковланиши ва йўллар қуриш туфайли каръер рельеф шакллари; сугориш мақсадида қурилган иншоотлар ва сугоришнинг иккиласми кўринишлари мелиоратив

рельефларни; қия адир ёнбағирларида терраса шаклида боғроғлар барпо этиш натижасида терраса рельеф шаклларини; янги суфоришга мўлжалланаётган адирларда текисланган рельеф шакллари кабиларнинг вужудга келиши ландшафт-экологик шароитининг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда.

3. Адирларда тупроқларнинг ўзгариши натижасида ландшафт-экологик шароит ҳам ўзгарган. Тупроқларнинг ўзгариши йўналишлари гумуснинг камайиши маданий тупроққа айланиши, шўрланиш, эрозия ва бошқа кўринишларда намоён бўлган.

4. Наманган вилояти адирларида табиий-антропоген тизимларнинг катта қисмини агроландшафтлар ташкил қилади. Улар суформа деҳқончилик, лалми деҳқончилик, яйлов ва ўтлоқ ландшафтларига бўлинади.

Суформа деҳқончилик юқори адирга нисбатан пастки адирларда яхши ривожланган.

Лалмикор деҳқончилик юқори адирларда ривожланиб, 271,6 минг га ни, яйловлар асосан адирларнинг фарбида тарқалган бўлиб, 143,0 минг га.ни ўз ичига олади. Улар пастки адир текисликларида ҳамда катта қисми юқори адирларда учрайди.

# **IV БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АДИРЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТ- ЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ**

## **Адир ландшафт комплекслари ва уларнинг тузилиши**

**Адир ландшафтларининг морфологик тузилиши.** Адир ландшафт комплекслари айрим олимлар (А.А.Абдулқосимов, К.М.Боймирзаев, 1995) томонидан турли мақсадларда ўрганилган. Олиб борилган мавжуд ишлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, адир ландшафт комплексларининг морфологик тузилиши ва уларнинг тарқалиши ҳамда ўзига хос хусусиятлари етарлича тадқиқ қилинмаган. Шу мунособат билан ландшафтларнинг морфологик тузилиши ва уларнинг худудий жойлашишига алоҳида эътибор қаратилди.

Адир ландшафтлари морфологик тамойил асосида иккита жойга ажратилди: пастки адир ва юқори адир. Улар литоген асосининг тузилиши, рельефи, гидротермик шароити, тупроқ ва ўсимликлари билан бир-биридан фарқланиб туради. Жойлар нисбатан бир хил хўжалик мақсадларида фойдаланилиши билан ҳамда, урочишчеларнинг ўзига хос, фақат шу жойга тегишли уйгунлиги билан ажралиб туради.

Бир хил хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган маълум бир мезорельеф шаклларида тарқалган, нисбатан бир хил тупроққа, гидротехник ва гидрогеологик шароитга эга бўлган адирлардаги худудлар жойлар деб аталади.

Жойлар урочишчеларга яъни, литоген асоснинг тузилишига, мезорельефга, тупроқларнинг хилларига, ер ости сувларининг сатҳига ва ўсимлик қопламишининг хусусиятига кўра ажратилди.

Урочишчелар адирдаги жойларнинг маълум бир қисмларида шаклланадиган, бир хил литоген асосга, рельефга ва гидротехник шароитга эга бўлган худудлардир (масалан, адирларнинг сув айиргичи, ёнбағри ва ҳ.).

Пастки адирда адир олди текисликлари, сой водийлари, адир ёнбағирлари, адир тепалари, адир оралиғи ботиқлари урочишчелари гуруҳлари ажратилди (10-расм).

Юқори адирда адир ёнбағирлари, адир тепалари, адир орти текисликлари, сой водийлари урочишчелари гуруҳлари ажратилди. (11-расм). Ҳар бир урочишчеда геологик тузилиш, мезорельеф, ер ости сувларининг сатҳи, тупроқ тури ва

ўсимликлар гуруҳига кўра тегишли фациялар гуруҳлари ажратилди. Фациялар аниқ микрорельеф шаклларида тарқалган маълум бир хўжалик фаолияти таъсирида вужудга келадиган табиий ҳудуий комплекс ҳисобланади.

Адирларнинг ўзлаштирилиши мунособати билан ландшафт-агроген тизимлар вужудга келди. Ландшафт-агроген тизимлар инсон фаолиятини тури бўйича қўйидаги гуруҳларга бўлинади: Агроландшафтлар, йўл ландшафтлари, селитеб ландшафтлар, гидротехноген ландшафтлар ва ҳоказолар. Келиб чиқишига кўра улар қўйидаги турларга бўлинади: техноген, агроген, яйлов ва бошқалар.


Мазкур антропоген ландшафт комплекслари пастки ва юқори адирларда турли улушларда тарқалган. Масалан, яйлов ландшафтлари юқори адирда кенг тарқалган, селитеб ландшафтлар эса адир оралиғи ботиқларида кенг тарқалган ва ҳоказо.

Пастки адир табиий ландшафтлари тўртламчи давр ётқизиқлари, яъни чақиқ тошли, тошлоқ-шағалли, гипсли, скелетли, қумлоқ-шағалли ётқизиқлардан иборат бўлиб, Чуст-Поп-Намангандан антиклинал зонасининг Супатоғ, Чуст-Поп ва Карагундай-Намангандан структураларида жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлиги 400-800 м гача бўлган ерларни ўз ичига олади. Уларнинг рельефини антиклинал структуралар, қоя ва дўнгликлар, дефляция формалари, қуруқ ўзанлар ҳамда қия текисликлар ташкил этади.

Иқлими кескин континентал бўлиб, чўлдан кескин фарқ қиласи. Ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати  $12,5-13,5^{\circ}\text{C}$ , июль ойининг ўртача ҳарорати  $38-39^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қиласи. Ёзги максимал ҳарорат  $41^{\circ}\text{C}$ . Қишининг минимал ҳарорати  $-20-25^{\circ}\text{C}$  га этади. Ёғин миқдори 100-250 мм га teng.

Тупроқларини асосан гарбда сур-қўнғир тупроқлар, шарқда типик ва оч тусли бўз тупроқлар ташкил этади. Тупроқларнинг ўртача ва кучсиз маданийлашган хиллари учрайди.

Ўсимликлардан бутасимонлар, сийрак буталар, шувоқ, қорабош, эфемер, эфемероид, шўрадошлар, қамиш, ажриқ, ранг, қўнғирбош, қўзикулоқ ва бошқа хиллари учрайди. Пастки адир жойларининг маҳсулдорлиги жануби-гарбда 12-15 ц га teng бўлса, шарқига томон 24,6 ц га ўзгариб боради. Пастки адир жойи қўйидаги урочишларга бўлинди: адир олди текисликлари, сой водийлари, адир ёнбағирлари, адир тепаликлари, адир оралиғи ботиқлари.



11-расм. Адир табиий ландшафттинг морфологиялық тузилүші.

Пастки адир олди текисликлари урочищеси күп қисми құмтош, тошлоқ-шағаллы гипслардан иборат, скелетли, лёсс ва майда зарралы, айрим юзалари неоген конгломератлари билан қопланған. Денгиз сатқидан 400-4500 м баландликда жойлашиб, йиллик ёғин миқдори 100-200 мм га тенг. Уларнинг рельефини текислик ва қия текислик, қуруқ үзанлар ташкил этади. Тупроқлари сур-құнғир ва оч тусли бўз, типик бўздир. Тупроқлари кучсиз ва ўртача маданийлашган. Шўрланишга мойиллиги кучли. Ўсимликлардан бутасимонлар, эфемер, эфемероид ва ўт ўсимликлари ўсади.

Сой водийлари урочищеси құмтош, шағал ва қумлоқ, 12-25 м дан 70-80 м гача сойларнинг конус ёйилмаларида ётқизиқларни ташкил қилған. Шу билан бирга, сойларнинг қуи қисмida қалинлиги 1 м келадиган қум ва шағалтошли аллювиал ётқизиқлардан иборат. Улар ўзан, қайир ва террасалардан таркиб топған. Жарликлар яхши ривожланған, ёнбағир қиялиги 25°-30°, водийларнинг ўзандан баландлиги 26-30 м ни ташкил этади. Сувларнинг ҳавзалари қия бўлиб, ўт ўсимликлар билан қопланған. Агроригијацион ётқизиқлар билан қопланиши секин. Ўзан усти майнин жинслар билан тўлған. Сув сарфи кўплигидан сойларнинг аксарияти Сирдарёга етиб бормайди. Шўрланишга мойиллиги ўртача.

Адир ёнбағирлари урочищеси ўртача лёсслар остида шағалли, құмтошли, конгломерат қатламлар ҳосил қилған. Айрим юзаларида неоген ётқизиқлари ер юзига чиқиб туради. Адир ёнбағирлари қиялиги буйича турлича ювилған. Ўсимликлардан бутасимонлар, эфемерлар ўсади. Шўрланишга мойиллиги кучли.

Адир тепалари урочищеси кенг ясси, тик, ювилған тош ёйилмаларини, 10-25 м қалинликдаги проллювиал-делювиал лёссимон жинсларни, баъзан құмтош, шағалтош, конгломератларни ҳосил қилади. Адир тепалари кенғ ясси, тик, ювилған холларда бўлади. Сийрак бутасимонлар, шувоқ, эфемерлар ва эфемероидлар, құнғирбosh каби ўсимликлар ўсади.

Адир оралиғи ботиклари урочищеси оғир лёссимон жинслар остида чақиқтош ётқизиқли жинслардан иборат. Улар шўрлашган ҳамда кучсиз ва ўртача маданийлашган. Уларнинг усти деярли текис, шимолдан жанубга оқиб ўтувчи қуруқ сойлар ва бир неча сой водийлари билан ўйилған. Бир неча метр қалинликда лёсслар билан тўлған, шагалтошлар ер юзига чиқиб ётган ерлари ҳам бор. Катта қисми ўзлаштирилған ва аҳоли

яшайди. Ўсимликлардан ранг, құнғирбош, буталар, ажриқ, қамиш ва эфемерлар үсади.

Юқори адир табиий ландшафтлари түртламчи давр ётқизиқлари, яъни чақиқтошли, құмлоқ-шагалли, тошлоқ-шагалли, гипсли, скелетли ётқизиқлардан иборат. Улар Чуст-Поп-Наманган антиклинал зонасининг Карагундай-Наманган, Чуст-Поп ва қисман Супатоғ структураларида жойлашган. Денгиз сатхидан баландлиги 800-1200 м гача бұлган адирларни үз ичига олади. Уларнинг рельефини ясси структуралар, коя ва дүңгилеклар, қуруқ үзанлар, жарлар, ёш антиклинал структуралар, текислик ва қия текисликлар ташкил этади.

Иқлими мұйтадил иқлим минтақасининг чала чүл иқлим турига киради. Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати  $7,5^{\circ}$ - $12,5^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қылади. Июлнинг ўртача ҳарорати  $36^{\circ}$ - $37^{\circ}\text{C}$ . Қишининг минимал ҳарорати  $-15^{\circ}$ - $31^{\circ}\text{C}$  гача етади. Ёғин миқдори 300-500 мм га тенг.

Тупроқларини қисман оч тусли бұз ва типик бұз, түқ тусли бұз хиллари ташкил этади. Тупроқлари ўртача ва күчсиз маданийлашган.

Ўсимликлардан ўт, бутасимонлар, оқшувоқ, андиз, қисман эфемер, эфемероидлар, шўрадошлар ҳамда ширач, ажриқ, гулхайри, равоч ва бошоқлилар учрайди.

Юқори адир жойларининг маҳсулдорлиги 8-24,5 ц гача ўзгариб боради. Шу билин бирга таркиби қуйидаги урочишлердан иборат: адир ёнбағирлари, адир тепалари, адир оралиғи ботиқлари, сой водийлари, адир орти текисликлари.

Юқори адир ёнбағирлари урочишеси түртламчи даврнинг чақиқтошли, тошли, құмлоқ-шагалли ётқизиқларидан иборат. Неоген ётқизиқлари айрим қисмларда ер юзига чиқиб туради. Ёнбағир-ларнинг қиялик даражасига қараб улар турлича ювилган. Рельефини қия ёнбағирлар ташкил этиб, 800-1100 м баландликни үз ичига олади. Тупроқлари оч тусли бұз ва типик бұз, ўсимликлардан сийрак бутасимонлар, бошоқлилар, ўтлар ва бошқалар үсади.

Адир тепалари урочишеси 10-25 м қалинликдаги проллювиал-делювиал лёссимон жинслардан иборат бўлиб, баъзан чағиртош, шағалтош, конгломерат, құмтошларни ҳосил қылади. Рельефини қия, ясси ва антиклинал структуралар, ташкил қылади. Денгиз сатхидан баландлиги 800-1200 м. Тупроқлари оч тусли ва типик бұз бўлиб, ўсимликлардан буталар, сийрак

буталар, бошоқлилар ва қисман эфемер, эфемероидлар, шўрадошлар ўсади.

Адир оралиги ботиклари урочищеси. Усти деярли текис, шимолдан жанубга оқиб тушувчи Подшоотасой, Фовасой, Косонсой сойлари ва Чуст канали билан ўйилган, қалинлиги 30 м гача борадиган лёссслар билан бўлган, айрим қисмларида шағалтошлар ер юзига чиқиб ётади. Катта қисмида аҳоли яшаб ўзлаштирилган. Чўқмаларнинг юқори қисмида ер ости сувлар чуқурроқ бўлса, қуи қисмида булоклар ва сизот сувлари шаклида ер юзига чиқиб ётади. Унинг рельефини қия текислик ва қуруқ ўзанлар ташкил этади. Тўртламчи давр ётқизиқларидан, яъни чақиқтошли, тошлоқ-шағалли, гипсли, скелетли, қумлоқ шағалли жинслардан иборат. Тупроқлардан оч тусли ва типик бўз хиллари, ўсимликлардан, ўт, ажриқ, қамиш, ранг, эфемерлар ва бошоқлилар учрайди.

Сой водийлари урочищеси. Сой ёнбағирларининг қиялиги 15°-25° дан 45°-50° гача, кенглиги 5-10 м., ўзани 1,5-3,0 м бўлиб, қум, шағалтош ва аллювиал жинслардан иборат. Ҳавзасининг 25% и тик тепаликлардан иборат, қолган қисми деярли тик бўлмай, ўт ўсимликлари билан қопланган. Сойларнинг максимал сув сарфи май, июнь ойларига, минимал сув сарфи феврал ойига тўғри келади. Подшоотадан ташқари сойларининг сувлилик даражаси жуда кичик. Сойларнинг сув сарфи камлиги ва лойқалилик даражасининг пастлиги сугориладиган тупроқларда агроирригацион қатламнинг секинлик билан тупроқланишига олиб келган.

Адир оғти текисликлари урочищеси. Тўртламчи даврнинг қатламлашган аллювиал-проллювиал жинслари билан қопланган. Аммо бу жинсларнинг қалинлиги юпқа бўлиб, улар тоголдига ёндашган сари юпқалашиб боради. Уларнинг рельефини текислик ва қия текисликлар ташкил этади. Тупроқларини типик, тўқ тусли бўз тупроқлар ташкил этади. Ўсимликлардан эфемер, эфемериоидлар, шўрадошлар, бошоқлилар, бутасимонлар учрайди.

Адир антропоген ландшафтлари. Ҳозирги кунга қадар антропоген ландшафтларни типлаштириш ва таснифлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Бу муаммо тўғрисида бажарилган ишларнинг натижалари А.Г.Исаченко (1965), Ф.Н.Мильков (1973), А.А.Абулқосимов (1966, 1983), Е.В.Милanova, Л.И.Куракова (1971), А.М.Рябчиков (1972), Л.М.Граве (1975) ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилган.

А.Г.Исаченко (1965) ҳозирги замон ландшафтларини инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариш даражасига қараб олтита асосий гуруҳларга бўлади:

- 1) деярли ўзгармаган ландшафтлар (музликлар, қутбий, баланд тоғ ва экстраарид иқлимли чўллар, қўриқхоналар);
- 2) кучсиз ўзгарган ландшафтлар (мақсадга мувофиқ фойдаланиладиган ўрмонлар, табиий ўтлоқлар, яйловлар, сув ҳавзлари ва миллий боғлар);
- 3) бузилган ландшафтлар (иккиламчи сийрак ўрмонлар, маквис типидаги бутазорлар);
- 4) кучли бузилган ландшафтлар ёки антропоген бедлент (эрзион бедленд, иккиламчи шўрланган ва ботқоқланган ерлар, кўчма қумлар);
- 5) ўзгаририлган ёки маданий ландшафтлар (экин майдонлари, боғлар, воҳалар, пахта, чой ва кофе плантациялари);
- 6) сунъий ландшафтлар (шаҳар ва қишлоқ селитеб ландшафтлари, тӯғонлар, сув омборлари).

А.М.Рябчиков (1972) ҳам ўзининг ишларида А.Г.Исаченконинг ушбу таснифини асос қилиб олиб, ҳозирги замон ландшафтларини олтита гуруҳга ажратган.

Л.И.Куракова ва Е.В.Милановалар (1971) жануби-шарқий Осиёнинг суғориладиган агроландшафтларини ҳар томонлама тадқиқ этиб, уларни ўзлаштириш даражасига кўра уч гуруҳга бўлишган:

- 1) табиий-антропоген ландшафтлар. Бунда инсон айрим компонентларга қисман таъсир этган;
- 2) маданий ландшафтлар. Бу типдаги агроландшафтларда инсоннинг таъсири доимий ёки ритмик доимий характерга эга. Маданий ландшафтларда аксарият компонентлар тўлиқ ўзлаштирилган;
- 3) ўзлаштирилган ландшафтлар. Бу гуруҳга инсон томонидан яратилган янги ландшафтлар ҳамда деярли барча компонентлари ўзлаштирилган ландшафтлар қарайди.

Антропоген ландшафтларни таснифлаштириш муаммоси ва уларга тавсиф бериш Ф.Н.Мильков (1973) асарларида кенг ўрин олган. У барча турдаги антропоген ландшафтларни олтита синфга бирлаштирган. Булар қишлоқ хўжалиги, селитеб, саноат, сув, ўрмон ва йўл антропоген ландшафтлар синфидир. Улар ўз навбатида кичик синфларга ва антропоген ландшафт типларига бўлинган. Масалан, селитеб ландшафт синфи қишлоқ ва шаҳар селитеб ландшафт кичик синфидан таркиб топган.

Ўрта Осиё антропоген ландшафтларини таснифлаштиришга ҳам тадқиқотчилар томонидан катта эътибор берилган. А.А.Абдулқосимов (1966, 1983) Ўрта Осиёдаги барча антропоген ландшафтларни ўнта синфга ажратган: суфориладиган қишлоқ хўжалиги, воҳа селитеб, рекрацион, саноат, мадфун қадимий селитеб ва бошқа антропоген ландшафтлар синфи. Антропоген ландшафтларни типлаштириш ва таснифлаштириш муаммосига бағишиланган айрим ишларнинг қисқача таҳлили шуни кўрсатадики, улар асосан глобал, ўлка ва йирик регионлар миқёсида бажарилган бўлиб, кичик регионлардаги, жумладан Наманган вилояти адирларида бир неча минг йиллар давомида вужудга келган антропоген ландшафтларни шаклланиш моҳиятига кўра (К.М.Боймирзаев) қуйидаги синфларга ажратган: селитеб, агроселитеб, суформа, баҳорикор, воҳа (боғ), антропоген ўрмон, саноат, маданий яйлов, йўл ва ҳ. к.

Шу билан бирга, агроландшафтларнинг шўрланганлик даражасининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, К.М.Боймирзаев уларни қуйидагича таснифлайди: шўрланмаган, кам шўрланган, ўртacha шўрланган, кучли шўрланган.

Адирларнинг антропоген ландшафтлари морфологик хусусиятларига кўра пастки ва юқори адир жой турларига бўлинди. Пастки адирларни турли хил хўжалик мақсадларида ўзлаштирилганлик даражаси юқори адирга нисбатан юқори бўлиб, антропоген ландшафт хиллари адирнинг барча хилдаги паст-баландликларида жойлашиб, адир олди текисликлари ва адир оралиғи ботиқларида нисбатан яхши ривожланган. Пастки адирлар ўзига хос агроурочишчелар мажмусини ташкил қиласди ва улар инсоннинг хўжалик мақсадлари йўналишларида ўзлаштирилганлик хилларига қараб бўлинди. Пастки адир жойи агроген, селитеб, яйлов, гидроген ва йўл хилларидан таркиб топган урочишчеларга ажратилди (12-расм). Улар ўз навбатида фацияларга бўлинди.

Агроген урочишчелар қишлоқ хўжалик тармоқ таркибларини ўз ичига олади. Уларга пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, узумчилик каби тармоқлар киради. Пахтачилик ва дончилик тармоқлари пастки адирларнинг адир олди текисликларида, ботиқларида, ёнбағирларида, тепаликларида ривожланган.

Боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари асосан адир ёнбағирларида жойлашган. Урочишче таркибида кучли, ўртача, кучсиз ювилган ва шўрлашган фациялар ажратилди.

Селитеб урочищелар адиrlарда қишлоқ хұжалиги ривожланиши натижасыда пайдо бўлган, яъни улар агроселитеб характерга эга. Селитеб урочишелар асосан адиr оралиғи ботиқларида ва адиr олди текисликларида жойлашган.

Яйлов урочищелар пастки адиrlарнинг тепаликларини ва ёнбағирларини эгаллади. Улар таркибида сийрак ўтли адиr тепалари ва зич ўтли ёнбағирлар фациялари ажратилди.

Гидроген урочищеларга сув омборлари ва каналлар киради. Улар адиr олди текисликлари, ботиқлари ва оралиқларидан тармоқланади. У қуруқ ўзанлар, сув омборлари ва каналлар фациясидан иборат.

Йўл урочищелари чизиқсимон хусусиятга эга. Улар пастки адиrlарнинг адиr олди текисликларида, оралиқларida, тармоқланади. Таркибида асфальтли, шағалли ва тупроқли фациялар ажратилди.

Юқори адиr жойида агроген, селитеб, яйлов, гидроген, йўл урочищелари ажратилди ва улар ўз навбатида фацияларга бўлинди.


Агроген урочищелар таркибини пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот, полиз экинлари ташкил этади. Пахтачилик ва дончилик юқори адиrlарнинг ёнбағирларида, тепаликларida, ботиқларида ва адиr орти текисликларида жойлашган. Сабзавот етиштириш адиr орти текисликларида ҳамда қия текисликларда шаклланган. Қолган хиллари адиr ёнбағирларининг қия текисликларида ривожланган. Урочище таркибида кучсиз, кучли ювилган ва шўрлашган, кучсиз шўрхоклашган, ботқоқлашган фациялар ажратилди.

Селитеб урочищелар адиr орти текисликларида ва ботиқларда жойлашган. Селитеб урочишелар қишлоқ хұжалиги билан боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Яйлов урочищеси юқори адиr тепаликлари ва ёнбағирларини ўз ичига олади. Улар таркибида сийрак ўтли адиr тепалари ва зич ўтли ёнбағир фациялари ажратилди.

Гидроген урочищелар таркибини сув омборлари, каналлар ташкил этади. Улар адиr оралиқлари, ботиқлари ва орти текисликларида жойлашган. Қуруқ ўзанлар, сув омборлари, каналлар фацияларидан иборат.

Йўл урочищелари чизиқсимон ҳолда адиr орти текисликлари, ботиқлари ва оралиқларida тармоқланади. Шу билан бирга асфальтли, шағалли ва тупроқли фациялар ажратилди.



## **Ландшафт-экологик шароитнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш**

Адир миңтақаси табиий ресурсларининг ва интенсив қишлоқ хўжалиги ривожланаётган жойлардаги шароитнинг баҳоланишибу география фанининг кам ўрганилган муаммоларидан биридир. Ушбу масалада баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш кўплаб ва кўп томонлама боғланишларни, табиат ва жамият орасидаги қонуниятларни билишни тақозо этади.

Бу масала ландшафтшунослик, геоэкология, тупроқшунослик, гидрология, қишлоқ хўжалик географияси каби йўналишларнинг методик асосларига боғлиқ умумий йўналишни ўз ичига олади. Адирлардан фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш муаммолари адирларни ландшафт-экологик жиҳатдан ўрганишни, баҳолашни ва таҳлил этишни, айниқса ландшафтларнинг литоген асосларини, агроиқлим, сув ресурслари, тупрок, ўсимлик қопламларини чуқур ўрганишни талаб этади (С.М.Кульжанова, 2002).

Ландшафт-экологик шароитни баҳолашда жуда кўп усууллар қўлланилади. Улардан энг кенг тарқалгани ландшафт-экологик ёндашувидир. Бу ерда ландшафт-экологик ёндашувининг ландшафт ресурсларидан фойдаланиш асосида, А.Г.Исаченко (1981), Г.В.Гельдиева (1986, 1989), А.А.Чиболов (1992) ларнинг фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: Жумладан, ландшафтларнинг табақаланиш қонуниятларини ҳисобга олиш (яъни зоналлик, азоналлик, регионаллик); ландшафтлар морфологик тузилмасининг ҳудудий шаклланиши; ажратилаётган функционал бирликларнинг ички тузилиши турли хиллик ҳолати; ландшафт тузилишини функционал даражада оптималлаштириш; турли функционал кўрсатмалар асосида ҳудудларнинг жойлашиши шароити; ландшафт ичидаги горизонтал ва вертикал боғланишларни объектив баҳолаш; геотизимларнинг табиий ва антропоген таъсирларга бўлган чидамлилигини ўрганиш ва экологик хавфни баҳолаш; табиий тизимларнинг ҳозирги ҳолатларини баҳолаш; техноген таъсир натижасида содир бўлаётган жараён ва шунингдек экологик муаммолар ҳамда экологик ҳолатнинг ўзгариш йўналишларини аниқлаш кабилардир.

А.Г.Исаченко (1965) агроландшафтлардан фойдаланиш ва ўзлаштиришнинг географик асосини ишлаб чиққан. У мазкур ишларида қуйидагиларни ҳисобга олишни тавсия этади: ландшафтларнинг ички тузилиши ранг-баранглигини таъминлаш;

жойлар тупроқ қатламининг асосийлигини таъминлаш; худудларнинг маълум қисмини табиий ҳолда сақлаш.

В.М.Чупахин (1970) агроландшафтлардан фойдаланишининг асосий қоидаларини 6 та қисмга бўлади: 1. Қишлоқ хўжалик ландшафти ҳар хил бўлиши лозим. 2. Қишлоқ хўжалик ландшафтларини режалаштиришда ландшафт морфологиясини ҳисобга олиш лозим ва уларнинг тупроқ ва сувлари муҳофазасига катта эътибор бериш зарур. 3. Табиий ўрмон ва дараҳтзорларни сақлаш зарур. 4. Энг яхши экин майдонлари қишлоқ хўжалигига берилиши керак. 5. Агроландшафтларни сақлашга ва уларнинг мелиоратив ҳолатига катта эътибор бериш керак. 6. Экологик мувозанатни табиий ландшафтларда сақлаш учун жойларнинг ландшафт-экологик ҳолатларини аниқлаш лозим.

Таркиб топган турли геоэкологик вазиятларни ўрганиш, баҳолаш ва улар асосида хуносали натижаларни ишлаб чиқиш турли илмий тамойил ва усулларни қўллашни тақозо этади. Бу борада қўйидаги илмий тамойилларни қўллаш белгиланган мақсадга эришишга имкон беради: тизимли таҳдил, ландшафт индикация, ландшафт ёндашуви, экологик ёндашув, геоэкологик, аэрокосмик, картографик ва ҳ.

Наманган вилояти адирларини ландшафт-экологик шароитини баҳолашда қўйидаги тамойиллардан фойдаланилди: ландшафтларнинг табиий ҳолати, геологик ва геоморфологик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари, гидротермик шароити, тупроқ ва ўсимлик қопламишининг ўзгариш даражаси, инсоннинг хўжалик фаолияти, антропоген ландшафтларнинг улуши ва тури, ландшафт-экологик шароитнинг ҳозирги ҳолати, ландшафт-экологик шароитнинг ўзгаришининг асосий йўналишлари.

Мазкур тамойиллар асосида кучсиз ўзгарган, ўзгарган, ўртача ўзгарган, қўчли ўзгарган ва ўта кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароитлар ажратилди. Бунда 100 баллик шкала ишлаб чиқилди ва Наманган вилояти адирлар минтақаси қўйидаги ҳолатда баҳоланди:

**1) Кучсиз ўзгарган ландшафт-экологик шароит** деб қумтош, шагал ва қумлоқ ётқизиқлар қисман лёсслар учрайдиган, тупроқ шўрланиши 0,8 г/кг гача бўлган, ер ости сувлари 2-3 м. чукурликда ётувчи, эрозияланиши 8,2 % бўлиб, қиялик даражаси 1-2 градус бўлган худудларга айтилади. Шу нуқтаи назардан унинг имконияти 0-30 баллгача.

**2) Ўзгарган ландшафт-экологик шароит** деб гипслашган қумтош, йирик ва майда шагалли жинслар ва қумлоқ, баъзан

устида лёсс ётқизиқлари учрайдиган, тупроқ шүрланиши 1 г/кг гача бўлган, ер ости сувлари 0,5-2 м чуқурликда ётувчи, эрозияланиши 3,6% бўлиб, қиялик даражаси 1-2 градус бўлган ҳудудларга айтилади. Ушбу ҳудуднинг имконияти 31-55 баллгача.

**3) Ўртacha ўзгарган ландшафт-экологик шароит** деб қумтош аралаш лёссимон жинслар учрайдиган, тупроқ шүрланиши 1-3 г/кг гача бўлган, ер ости сувлари 2-5 м чуқурликда ётувчи, эрозияланиши 19,2 % бўлиб, қиялик даражаси 3-7 градус бўлган ҳудудларга айтилади. Бундай жойларда ландшафтларнинг имконияти 56-70 баллгача.

**4) Кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароит** деб қумтош аралаш лёссимон жинслар учрайдиган, тупроқ шүрланиши 2-3 г/кг гача бўлган, ер ости сувлари 1-2 м чуқурликда ётувчи, эрозияланиши 48,9% бўлиб, қиялик даражаси 7 градусдан ортиқ бўлган ҳудудларга айтилади. Кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароит имконияти 71-85 баллгача.

**5) Ўта кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароит** деб лёсс, қум, шағалли ётқизиқлар учрайдиган, тупроқ шүрланиши 3 г/кг дан ортиқ, ер ости сувлари 0,5-1 м чуқурликда ётувчи, эрозияланиши 20,1% бўлиб, қиялик даражаси 0,3-1 градус бўлган ҳудудларга айтилади. Мазкур ҳудуднинг имконияти 86-100 баллгача.

Шу нуқтаи назардан адир ландшафт-экологик шароитлари бир-биридан ўзининг табиий географик хусусиятлари, тузилиши ва ландшафтидаги ўзига хос ўзаришлар йўналиши билан фарқ қиласиди. Жумладан:

**Кучсиз ўзгарган ландшафт-экологик шароитга** эга бўлган ерлар жами адирларнинг 35% ини ташкил этади. Унга Чуст-Поп ҳудудининг адир олди ва адир орти текисликларидан ташқари барча майдонлари киради.

**Ўзгарган ландшафт-экологик шароитга** эга бўлган ерларга жами адирларнинг 18% и тўғри келади. Унга адир орти текисликларининг барча майдонлари киради. Жумладан, Чуст адирларида Варзик, Боймоқнинг шимолий қисмлари, Косонсой адирларида шаҳар маркази атрофлари, Янгиқўргон адирларида Исковот, Чортоқ адирларида Пешқўргон ва Ҳазратишиш атрофлари киради.

**Ўртacha ўзгарган ландшафт-экологик шароитга** эга бўлган ерлар жами адирларнинг 15% ини эгаллайди. Унга Косонсой ва Тўракўргон адирлари киради.

**Үртача ландшафт-экологик шароитга эга бўлган майдонлар Косонсой адиrlарида ва Тергачи, Қўқумбой, Булоқбоши, Қуюқмозор, Шўрбулоқ атрофларида тарқалган. Тўракўрғон адиrlарида Ёртепа, Иттифоқ атрофлари киради.**

**Кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароитга эга бўлган ерларга Уйчи-Чорток адиrlари кириб, у жами адиrlарнинг 20% ини эгаллади.**

**Кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароитли майдонлар Янгиқўрғон адиrlарида (Бекобод, Қорақашўркент, Новкент, Қораполвон, Радивон атрофлари), Чорток адиrlарида (Алихон, Чорток сув омбори атрофлари, Шўрбулоқ, Кўшан, Гулшан, Ойқирон) ва Уйчи адиrlари худудларида тарқалган.**

**Ўта кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароитга эга бўлган ерлар жами адиrlарнинг 12% ини ўз ичига олиб, унга асосан Чуст-Поп, Косонсой-Тўракўрғон, Уйчи-Чорток адиrlари худудидаги адир олди текисликлари киради.**

### **Наманган вилояти адиrlарини ландшафт-экологик районлаштириш ва районлар тавсифи**

Инсон хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган рангбаранг антропоген ландшафтларни таснифлаштириш ҳозирги замон ландшафтшунослигига долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Антропоген ландшафтларни таснифлаштириш муаммосининг ҳал этилиши уларни дала шароитида тадқиқ этишнинг ва турли масштабларда карталаштириш ишларининг ечимини топишга йўл очиб беради.

Ўрта Осиёни, жумладан Фаргона водийсини батафсилроқ районлаштириш В.М.Четиркин (1960) томонидан бажарилган. У ўзининг «Ўрта Осиёни комплекс географик тавсифлаш ва районлаштириш тажрибаси» (1960) номли монографиясида Ўрта Осиё ҳудудининг катта қисмини Турон геофацияси деб қараб, Фаргона водийсини алоҳида провинция қилиб ажратади. Фаргона провинцияси эса ўз навбатида қуйидаги 3 та провинциячага (подпровинция) ва 8 та регионал комплексга бўлинади.

I. Шимоли-ғарбий Қурама провинциячаси: 1. Шарқий Чуст регионал комплекси; 2. Ғарбий Қорамозор регионал комплекси;

II. Шимоли-шарқий, Чотқол-Фаргона провинциячаси: 3. Ғаргона регионал комплекси; 4. Чотқол регионал комплекси;

III. Жанубий Туркистон-Олой провинциячаси: 5. Оқбўра-Шоҳимардон регионал комплекси; 6. Қорадарё регионал

комплекси; 7. Сұх регионал комплекси; 8. Хұжабақырғон регионал комплекси.

Шуни таъкидлаш керакки, В.М.Четиркиннинг Турон геофация-сига ва унинг таркибіда ажратилған провинцияларга батағсил таъриф беріб, ажратилған регионал комплексларининг фақат номлари ва уларнинг табиий чегараларини күрсатған.

Фарғона водийсінің жағдайынан табиий географик районлаштириш Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай (1961, 1963, 1964), А.А.Абдулқосимовлар (1966, 1983) томонидан амалға оширилған. Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайлар (1964) Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштириш билан шуғулланиб, Фарғона водийсінің табиий географик округ сифатида олиб, уни қуйидаги регионларға бүлишади: Фарбий Олой табиий географик райони; Марказий текислик табиий географик райони; Фовасой табиий географик райони; Чотқол табиий географик райони; Фарғона табиий географик райони; Шарқий Олой табиий географик райони.

А.А.Абдулқосимовнинг таснифига күра таксономик бирлик сифатида ишлатилған синф (масалан, Құқон воҳаси) ўз навбатида жой типларига бўлинади. У Фарғона водийсінің комплекс-ларининг морфологик тузилишини хариталаштириш ва атроф-лича таҳлил қилиш натижасида урочишлардан жой типларигача бўлган бирликларни ажратиш имкониятига эга бўлди. А.А.Абдулқосимов (1966) бўйича Фарғона водийсінде 5 та табиий географик районлар ажратилған: Фарбий Ленинобод-Оқбел адирларидан иборат тошлоқ чўл райони; Жанубий Сұх-Фарғона адир олди чала чўл райони; Марказий Қорақалпоқ-Наманган текислик чала чўл райони; Шимолий Чуст-Мойлисув парча-ланган адирлардан иборат чала чўл райони; Шарқий Ўш-Кўргарт дашт райони.

Шунингдек, М.М.Маматқұлов (1969) томонидан эса Фарғона водийсінің геоморфологик хусусиятларига кўра гидрогеологик мақсадлар бўйича районлаштирилған.

Юқоридаги олимлар томонидан турли районлаштириш ишлари олиб борилған бўлсада, лекин улар Наманган вилоятини адирларини ландшафт-экологик жиҳатдан районлаштирмаганлар.

Ер юзасининг ҳар қандай ҳудудини ландшафт-экологик районлаштириш уларнинг табиатидан, ресурс потенциалидан оқилюна фойдаланишга ёрдам беради.

Наманган вилояти адирларини ландшафт-экологик районлаштиришда муҳим вазифалардан бири атроф-муҳитнинг экологик ҳолат-ларини баҳолаш ишлари амалга оширилади. Бунда экологик ҳолатни юзага келтирувчи ландшафтларнинг табиий ва ресурс потенциалларини инсонлар томонидан ўзлаштирилганлик даражаси ҳисобга олинади. Инсонларнинг хўжалик фаолияти кучли ривожланган ҳудудлардаги техноген жараёнлар ландшафт-геокимё ҳолатини ўзгартириб, ландшафтларнинг экологик шароитини баҳолашда асос бўлди. Наманган вилояти адирларининг табиий потенциалидан қишлоқ хўжалигида, ресурс потенциалидан эса саноат ишлаб чиқаришда ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Адирларнинг ландшафт-экологик шароити куйидаги тавсифлар асосида районлаштирилди: ландшафт-экологик шароитнинг ўзгариш даражаси, эрозияланиш, ер ости сувларининг сатҳи, шўрланиш даражаси, антропоген ландшафтларнинг умумий майдондаги улуши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши турлари, геологик, геоморфологик тузилиши.

Чуқур таҳлил қилиш асосида адирлар куйидаги ландшафт-экологик районларга ажратилди: кучсиз ўзгарган, ўзгарган, ўртача ўзгарган, кучли ўзгарган, ўта кучли ўзгарган районлар (13-расм).

Кучсиз ўзгарган ландшафт-экологик районга Чуст-Попадирлари киради, антропоген ландшафтлар майдони 10-20% ни ташкил қиласди, кумтош, шағал ва қумлоқ ётқизиқлардан иборат.

Ўзгарган ландшафт-экологик районга адир орти текисликлари киради, мазкур районда антропоген ландшафтлар майдони 40-50% ни ташкил қиласди.

Ўртача ўзгарган ландшафт-экологик районга Косонсой-Тўрақўрон адирлари киради, ушбу районда антропоген ландшафтлар майдони 60-70% ни ташкил қиласди.

Кучли ўзгарган ландшафт-экологик районга Уйчи-Чортокадирлари киради, мазкур районда антропоген ландшафтлар майдони 70-80% га боради.

Ўта кучли ўзгарган ландшафт-экологик районга адир олди текисликлари киради. Уларда антропоген ландшафтлар майдони 80-90% ни ташкил қиласди.

Юқоридаги ландшафт-экологик районларнинг ҳар қандай шароитини қулай деб бўлмайди. Улар шартли ҳисобланади. Масалан, адирларнинг баланд ёки қия текисликларида сизот

сувлар чукурда жойлашсада, тупроқларнинг эрозияга майиллиги бўлиши мумкин. Пастқам ҳудудлари эса сугориш натижасида ботқоқланиб кетиши мумкин. Шунинг учун вилоят адирларини ландшафт-экологик районлаштиришда ландшафтларнинг асосий компонентлари иқлим, рельеф, литоген муҳит ва ички сувлар асос қилиб олинди.

### **Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик районлари тавсифи:**

1. **Кучсиз ўзгарган (Чуст-Поп) ландшафт-экологик райони** водийнинг шимолий-фарбий қисмида, яъни Қўқон-Бекобод шамоли йўналишида жойлашган ҳудудларни ишғол этган. Бу район жами адирларнинг 35% ини ўз ичига олиб, жануби-фарбдан шимоли-шарққа кўп чўзилган (12-жадвал).

Бу районда геотектоник ҳаракатлар водийнинг бошқа текислик қисмига нисбатан кучлироқ сезилади. Адирларни ҳосил қилувчи тоғ жинслари тўртламчи давр ётқизиқларидан иборат.

Адир оралиғи ботиқлари мезо-кайназой жинсларидан таркиб топган. Бу минтақа адирлари литологик таркибга кўра чўкинди жинслар ҳисобланади ва улар оқар сувлар ҳосиласидир.

Рельеф тузилиши жиҳатидан Чуст-Поп адирлари Наманган вилояти адирлари ичидаги энг паст ҳудудлардир. Қиялик даражаси нишаблик 1-2°. Уларнинг дениз сатҳидан баландлиги 450-650 м дан 800 м гача бўлади. Ижобий ҳароратлар йигиндиси 4000-4300°C, йиллик ёғин миқдори 200 мм. Оқар сувлар адирларни кесиб ўтиши натижасида улар бир-биридан ажралиб кетган ва ўртacha парчаланишга учраган. Чуст-Поп адирлари Чодаксой, Фовасой, Резаксой, Чустсой каби дарёлар сувлари билан сугорилади, шунингдек сунъий сугориш иншоотларидан суволади. Ер ости сувлари 2-3 м чукурликда жойлашған. Бироқ, Чуст адирларининг катта қисмида сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги ва сатҳининг кўтарилиб бораётганлиги шўрхоклар ва шўртоблар кўламини кенгайтириб бормоқда.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АДИРЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК РАЙОНЛАШТИРИШ КАРТАСИ ЭКСПЛИКАЦИЯСИ

Ландшафт-экологик районлар		Геологик ва геоморфологик тузилиши	Иклими	Ички сувлари	Тупрок ва ўсманиклари
№	I	2	3	4	5
1	Чуст-Поп	<p>Неоген системасининг Плиоцен даври парчаланмаган ётқизиклари, қўйи ва юкори тўртламчи давр ётқизикларидан иборат.</p> <p><b>Эрозион тектоник тип</b></p> <p>1. Адирларнинг парчаланган уваллари.</p> <p>Эрозион денудациои тип</p> <p>2. Юкори плистоценнинг кучли парчаланган алювиал-пролювиал террасалари.</p> <p><b>Доимий ва вактинча оқимлар тъсирида йигилган алювиал-пролювиал тип.</b></p> <p>3. Юкори плистоценнинг кучли парчаланган алювиал-пролювиал террасалари.</p> <p>4. Корелятив ёйилмалар ва дарёларнинг иши туфайли ўйилган текислик террасалари.</p> <p><b>Киялик, нишаблик 1-2<sup>0</sup></b></p>	<p>1. Ёзниг ўртacha максимал харорати 24,5-27,8<sup>0</sup>C</p> <p>2. Кишининг ўртacha минимал харорати 0,3-3,5<sup>0</sup>C</p> <p>3. Ўртacha йиллик харорат 13<sup>0</sup>C</p> <p>4. Вегетация даври хароратлари йигиндиси 4000-4300<sup>0</sup>C</p> <p>5. Бугланиш 1100-1450 мм.</p> <p>6. Йиллик ёгин 200 мм.</p>	<p>Чодаксой, Фовасой, Резаксой, Шўрбулксой, Олмасой сойлари.</p> <p>Катта Наманган канали (КНК), Серек, Шатак каналлари, Пунгон, Чодак каналлари, Чуст арик, Фовассой арик.</p> <p>Олмасой ва Варзик сув омбори</p>	<p>1. Скелетли пролювиал ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупрок.</p> <p>2. Дағал скелетли злювий-пролювиал ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупрок.</p> <p>3. Лёссли алювий-пролювиал ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупрок.</p> <p>4. Шурланган, лёссли алювий-пролювиал ётқизиклар тепасидаги буз утлок-воҳа тупроклари</p> <p>5. Скелетли, лёссли кадимги пролювиал алювий ётқизиклар тепасидаги сур-қўнғир тупроклари.</p> <p>Шувок корабош, эфемер, эфемероид, кўзикулоч, ажрик ва камиш ўсади.</p>
2	Адир орти текисликлари	<p>Неоген системасининг Миоцен даври парчаланмаган ётқизиклари, ўрта ва юкори тўртламчи давр ётқизикларидан иборат</p> <p><b>Эрозион тектоник тип</b></p> <p>1. Адирларнинг парчаланган уваллари.</p> <p><b>Доимий ва вактинча оқимлар тъсирида йигилган алювиал-пролювиал тип.</b></p> <p>2. Ўрта плистоценнинг алювиал-пролювиал парчаланган текисликлари.</p> <p>3. Юкори плистоценнинг кучли парчаланган алювиал-пролювиал террасалари.</p> <p>4. Корелятив ёйилмалар ва дарёларнинг иши туфайли ўйилган текислик террасалари.</p> <p><b>Киялик, нишаблик 1-2<sup>0</sup></b></p>	<p>1. Ёзниг ўртacha максимал харорати 25,2-26<sup>0</sup>C</p> <p>2. Кишинг ўртacha минимал харорати 0,5-6,5<sup>0</sup>C</p> <p>3. Ўртacha йиллик харорат 10-11-12<sup>0</sup>C</p> <p>4. Вегетация даври хароратлари йигиндиси 4100-4300<sup>0</sup>C</p> <p>5. Бугланиш 950-1250 мм.</p> <p>6. Йиллик ёгин 300 мм дан 400 - 450 мм гача.</p>	<p>Чодаксой, Риззаксой, Фовасой, Косонсой, Подшоотасой, Намангансой, Бекободсой, Корасой, Чинач сойлари.</p> <p>Шатак, Чуст канал ва Газаба, Дарча, Гайистон ариги.</p> <p>Кўксерек, Жулайсой, Сарваксой, Корасув сув омборлари.</p>	<p>1. Скелетли пролювиал ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупрок.</p> <p>2. Дағал скелетли злювий-пролювиал ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупрок.</p> <p>3. Соҳ, лёсслар билан коплаган типик буз тупроклари.</p> <p>4. Лёссли алювий-пролювиал ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупроклари.</p> <p>5. Скелетли лёссли пролювиал ётқизиклар тепасидаги тўк оч тусли буз тупроклари.</p> <p>Шувок, корабош, бошоқлилар, эфемер, эфемероид, кўзикулоч, ажрик ва камиш ўсади.</p>

Инсоннинг хўжалик фаолигити	Антрапоген ландшафтлар	Ландшафт- экологик шароитнинг ҳозирги ҳолати	Ландшафт- экологик шароитнинг ўзгаришининг башорати	Ландшафт- экологик шароитни яхшилаш бўйича тавсиялар
6	7	8	9	10
<p>1. Яйлов чорвачилиги.</p> <p>2. Пахтачилик ва дончилик.</p> <p>3. Богдор- чилик.</p> <p>4. Сабзвот- чилик.</p> <p>5. Транспорт тизими.</p> <p>6. Енгил саноат.</p> <p>7. Озиқ-овқат саноати.</p> <p>8. Машинасоз- лик ва металл- ни кайта иш- лаш саноати.</p> <p>9. Пахта тозалаш саноати.</p>	<p>1. Агроланд- шафтлар</p> <p>2. Селитеб ландшафтлар</p> <p>3. Гидроген ландшафтлар</p> <p>4. Йул ландшафтлари</p> <p>5. Яйлов ландшафтлари</p> <p>Антрапоген ландшафтлар майдонни 10-20 % ни эгаллайди.</p>	<p>Кучисиз ўзгарган ландшафт- экологик шароит</p> <p>Жами адиirlарнинг 35 % ини ўз ичига олади.</p> <p>Яйловлар деградацияси, сув, шамол эрозияси ва шурланиш жараёнлари вужудга келган.</p>	<p>- Яйлов ландшафтлари деградациялашу ви;</p> <p>- Шамол эрозияси;</p> <p>- Сув эрозияси;</p> <p>- Шурхокланиш туфайли галофит ландшафтлар хосил бўлиши мумкин.</p>	<p>1. Яйлов ландшафтларидан окилона фойдаланишда чорва хайвонлари мъёрида бўлиши;</p> <p>2. Шамол эрозиясини олдини олишда ихота ўрмонзорлари ташкил этиш;</p> <p>3. Суформа дехончилик экинларини илмий асосланган гидромелиоратив режалар асосида ташкил этиш.</p>
<p>1. Яйлов чорвачилиги.</p> <p>2. Сабзвот ва картошка.</p> <p>3. Богдор- чилик.</p> <p>4. Дончилик.</p> <p>5. Кисман пахтачилик.</p> <p>6. Кисман узумчилик.</p> <p>7. Пахта тозалаш саноати.</p> <p>8. Енгил саноат.</p> <p>9. Транспорт тизими.</p>	<p>1. Агроланд- шафтлар</p> <p>2. Селитеб ландшафтлар</p> <p>3. Гидроген ландшафтлар</p> <p>4. Йул ландшафтлари</p> <p>5. Яйлов ландшафтлари</p> <p>Антрапоген ландшафтлар майдонни 40-50 % ни эгаллайди.</p>	<p>Ўзгарган ландшафт- экологик шароит</p> <p>Жами адиirlарнинг 18 % ини ўз ичига олади.</p> <p>Шурхокланиш, шурланиш, боткокланиш ва эрозиянинг барча турлари вужудга келган.</p>	<p>- Боткокланиш жараёни;</p> <p>- Шурхокланиш туфайли ландшафтларни иң ўзгариши;</p> <p>- Эрозиянинг барча турлари;</p> <p>- Яйлов ландшафтлари деградациялашу ви кузатилиши мумкин.</p>	<p>1. Суформа дехончиликда ерларнинг нишаблик даражаларини ва грунт катламини хисобга олиш хамда эгат сув оқими тезлигини камайтириш.</p> <p>2. Боткокланиш бўйича зорув ва дренажлар казиши хамда илдизи узун бутасимонлар, кўп йиллик дарахтзорлар ташкил этиш;</p> <p>3. Яйлов ландшафтларидан окилона фойда- ланишда чорва хайвонлари сони мъёрида бўлишини таъминлаш.</p>

№	I	2	3	4	5
3	Косон- -сой- Тура- кур- ғон	<p>Күйи, ўрта ва юкори түртламчи давр ётқизикларидан иборат.</p> <p><b>Эрозион тектоник тип</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Адиirlарнинг парчаланган уваллари</li> <li>Доимий ва вактинча оқимлар таъсирида йигилган алювиал-пролювиал тип.</li> <li>Ўрта плистоценнинг алювиал-пролювиал парчаланган текисликлари.</li> <li>Юкори плистоценнинг кучли парчаланган алювиал-пролювиал террасалари.</li> <li>Корелятив ёйилмалар ва дарёларнинг иши туфайли ўйилган текислик террасалари.</li> </ol> <p><b>Киялик, нишаблик 3-7°</b></p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ёзниг ўртача максимал харорати 23,8-27,2°С</li> <li>Қишининг ўртача минимал харорати 0,4-4,6°С</li> <li>Ўртача йиллик харорат 12,5-13°С</li> <li>Вегетация даври хароратлари йигиндиси 4200-4300°С</li> <li>Бугланиш 1100-1400 мм.</li> <li>Йиллик ёгин 200-250 мм.</li> </ol>	<p>Гаистон сойи, Косонсой, Кенекулсо й, Гаистон сойи ва номсиз мавсумий сойлар. Шакт каналлари, Мусокарик ариги. Ертикан сув омбори</p>	<p>1. Лёссли алювий- пролювий ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупролар.</p> <p>2. Соз, лёсслар билан копланган типик буз тупролар</p> <p>Шувок, корабош, эфемер, эфемероид, кўзикулук, ажрик ва камиш ўсади.</p>
4	Уйчи- Чор- ток	<p>Күйи ва ўрта түртламчи давр ётқизикларидан иборат.</p> <p><b>Эрозион тектоник тип</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Адиirlарнинг парчаланган уваллари</li> <li>Доимий ва вактинча оқимлар таъсирида йигилган алювиал-пролювиал тип.</li> <li>Ўрта плистоценнинг алювиал-пролювиал парчаланган текисиклари.</li> <li>Юкори плистоценнинг кучли парчаланган алювиал-пролювиал террасалари.</li> <li>Корелятив ёйилмалар ва дарёларнинг иши туфайли ўйилган текислик террасалари.</li> </ol> <p><b>Киялик, катта нишаблик 7° дан ортиқ.</b></p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ёзниг ўртача максимал харорати 24-27,6°С</li> <li>Қишининг ўртача минимал харорати 0,5-5,7°С</li> <li>Ўртача йиллик харорат 12-13°С</li> <li>Вегетация даври хароратлари йигиндиси 4200-4300°С</li> <li>Бугланиш 1000-1350 мм.</li> <li>Йиллик ёгин 200-260 мм дан 300 мм гача.</li> </ol>	<p>Подшоота- сой, Наманганс ой, Чортоксой . Корасув, Чинач сойлари.</p> <p>Эскиер ва Чорток сув омборлари</p>	<p>1. Скелетли пролювиал ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупрек.</p> <p>2. Лёссли алювий- пролювий ётқи- зиклар тепасидаги оч тусли буз тупролар.</p> <p>3. Соз, лёсслар билан копланган типик буз тупролар.</p> <p>Шувок, корабош, эфемер, эфемероид, кўзикулук, ажрик, камиш, чалов, шуралошлар ва бошоклилар ўсади.</p>
5	Адир олди текис лик- лари	<p>Күйи ва ўрта түртламчи давр ётқизикларидан иборат.</p> <p><b>Эрозион тектоник тип</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Адиirlарнинг парчаланган уваллари.</li> <li>Доимий ва вактинча оқимлар таъсирида йигилган алювиал-пролювиал тип.</li> <li>Юкори плистоценнинг кучли парчаланган алювиал-пролювиал террасалари.</li> <li>Корелятив ёйилмалар ва дарёларнинг иши туфайли ўйилган текислик террасалари.</li> </ol> <p><b>Киялик, кучсиз нишаблик 0,3-1°</b></p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ёзниг ўртача максимал харорати 27-29°С</li> <li>Қишининг ўртача минимал харорати 0,2-2,4°С</li> <li>Ўртача йиллик харорат 13°С</li> <li>Вегетация даври хароратлари йигиндиси 4700-4900°С</li> <li>Бугланиш 1200-1500 мм.</li> <li>Йиллик ёгин 100-200 мм.</li> </ol>	<p>Фовасой, Чустсой, Куруксой, Шурбулок -сой, Кене- кулсой, Косонсой, Наманганс ой, Чортоксой сойлари. Пунгон, Чодак каналлари ва Катта Наманганс вилояти</p>	<p>1. Дагал скелетли злювий-пролювий ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупрек.</p> <p>2. Лёссли алювий- пролювий ётқизиклар тепасидаги оч тусли буз тупролар.</p> <p>Шувок, корабош, эфемер, эфемероид, кўзикулук, ажрик, камиш ўсади.</p>

6	7	8	9	10
<p>1. Пахтачилик ва дончиллик.</p> <p>2. Узумчилик.</p> <p>3. Транспорт тизими.</p> <p>4. Кисман сабзавот ва картошка</p> <p>5. Кисман яйлов чорвачилиги.</p> <p>6. Енгил саноат.</p> <p>7. Озиқ-очкот саноати.</p> <p>8. Машинасозлик ва металлни кайта ишлаш саноати.</p> <p>9. Курилиш материаллари.</p>	<p>1. Агроландшафтлар</p> <p>2. Селитеб ландшафтлар</p> <p>3. Гидроген ландшафтлар</p> <p>4. Йўл ландшафтлари</p> <p>Антropоген ландшафтлар майдонни 60-70 % ни эгаллайди.</p>	<p><b>Ўртча ўзгарган ландшафт-экологик шаронт.</b></p> <p>Жами адирларнинг 15 % ини ўз ичига олади.</p> <p>Янги антропоген ландшафтлар билан бир каторда деградацион ландшафтлар вужудга келган.</p>	<p>-Жарланиш ривожланиши,</p> <p>- Галофит ландшафтлар хосил булиши;</p> <p>-Янги агроландшафтла р вужудга келиши мумкин.</p>	<p>1. Қишлоқ жўжалик экинларини жойлаштиришда ерларнинг нишаблик даражалари ва грунт катламини хисобга олиш;</p> <p>2. Янги ерлар очиши ўрнига мавжуд ерлардан унумли фойдаланишини ташкил этиш.</p>
<p>1. Пахтачилик ва дончиллик.</p> <p>2. Богдорчилик.</p> <p>3. Узумчилик.</p> <p>4. Кисман сабзавотчилик.</p> <p>5. Яйлов чорвачилиги.</p> <p>6. Пахта тозалаш саноати.</p> <p>7. Енгил саноат.</p> <p>8. Озиқ-овқат саноати.</p> <p>9. Машинасозлик ва металлни кайта ишлаш саноати.</p> <p>10. Ёқилги саноати.</p> <p>11. Транспорт тизими.</p>	<p>1. Агроландшафтлар</p> <p>2. Селитеб ландшафтлар</p> <p>3. Гидроген ландшафтлар</p> <p>4. Йўл ландшафтлари</p> <p>5. Яйлов ландшафтлари</p> <p>Антropоген ландшафтлар майдонни 70-80 % ни эгаллайди.</p>	<p><b>Кучли ўзгарган ландшафт-экологик шаронт</b></p> <p>Жами адирларнинг 20 % ини ўз ичига олади.</p> <p>Жарланиш, суффозия ходисаларини, ёриклар, сурималар туфайли бузилган ландшафт вужудга келиши;</p> <p>- Галофит ландшафтлар вужудга келиши кузатилиши мумкин</p>	<p>- Жарланиш, суффозия ходисаларини, ёриклар, сурималар туфайли бузилган ландшафт вужудга келиши;</p> <p>- Галофит ландшафтлар вужудга келиши кузатилиши мумкин</p>	<p>Сугорма дехкончилик майдонларини хамда кўп сув талаб экин турларини ташкил этишда ерларни таилаб жойлаштириш ва грунт катламини хисобга олиш, томчилаб сугоришни ташкил этиш, сугориш манбаларини доимий техник холатини назорат килиш.</p>
<p>1. Пахтачилик ва дончиллик.</p> <p>2. Богдорчилик.</p> <p>3. Узумчилик.</p> <p>4. Енгил саноат.</p> <p>5. Озиқ-овқат саноати.</p> <p>6. Машинасозлик ва металлни кайта ишлаш саноати.</p> <p>7. Киме саноати.</p> <p>8. Пахта тозалаш саноати.</p> <p>9. Курилиш материаллари.</p> <p>10. Транспорт тизими.</p>	<p>1. Агроландшафтлар</p> <p>2. Селитеб ландшафтлар</p> <p>3. Гидроген ландшафтлар</p> <p>4. Йўл ландшафтлари</p> <p>Антropоген ландшафтлар майдонни 80-90 % ни эгаллайди.</p>	<p><b>Ўта кучли ўзгарган ландшафт-экологик шаронт</b></p> <p>Жами адирларнинг 12 % ини ўз ичига олади.</p> <p>Шўрланиш, деградациялашган ландшафт ва рельефлар вужудга келган.</p>	<p>- Антропоген тазиик туфайли ландшафтларнинг деградациялашуни;</p> <p>- Сув эрозияси;</p> <p>- Шўрланган ландшафтлар майдони кентайиши,</p> <p>- Шўрланиш ва шурхокланиш асосида ландшафтларнинг ўзгариши кузатилиши мумкин.</p>	<p>1. Агротехник кондаларга риоя килган холда дехкончилик килишга ва ерларнинг нишаблик даражаларига, грунт катламининг этишига эътибор бериш лозим;</p> <p>2. Бузилган ландшафтларда мелиорация ва рекультивация ишларини амалга ошириш керак.</p>

Тупроқ қатламлари гипслашган қум-тош, йирик ва майдан шағалли жинслар ҳамда құмлоқ ётқизиқлар тарқалған бұлып улар юзасини лёсс жинслари ва лёссымон ётқизиқлар эгаллаган. Үзлаштириб деңқончилик қилинадиган ерларда әса оч тусли бүтін тупроқлар тарқалған. Шүрхоклар, шүртоблар ва сур-құнғылар тупроқлар ҳам анчагина майдонни ишгол этган. Грунт қатламиның ер юзасига яқынлиги тупроқлар унумдорлигига сезилардың даражада салбий таъсир күрсатади. Антропоген ландшафттарының үртаса ва күксиз маданийлашган, күксиз ювилған ва шүрлашган. Район күксиз үзгарған ландшафт-экологик шароитлиди.

Ландшафт-экологик шароитни вужудға келтирүвчи омиллар асосан иқлим, ички сувлар, рельеф, яйлов чорвачилигінің ҳисобланади. Бу омилларнинг барчаси Чуст-Поп адиrlарida суаралы ва шамол эрозияси, яйловлар деградацияси шүрланиши жараёнларини келтириб чиқаради.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун яйловлар ландшафтларидан фойдаланишда чорва ҳайвонлари сондай мөйёрида бўлишини таъминлаш; шамол эрозиясининг олдини олишда иxота ўрмонзорларини ташкил этиш; суформалар деңқончилик экинларини илмий асосланған гидромелиоративные режалар асосида ташкил этиш лозим.

2. **Ўзгарған (адир орти текисликлари) ландшафт-экологик райони** водийнинг шимолий тоғ этакларини, яъни гарбдан шарққа томон чўзилған худудларни ўз ичига олади. Бул район ҳиссасига жами адиrlарнинг 12% қисми тўғри келади; Чуст-Поп, Косонсой-Тўракўргон ва Уйчи-Чорток адиrlари ерлар майдонларидан тарқалған. Геотектоник ҳаракатлар водийнин бошқа текислик қисмiga нисбатан кучлироқ сезилади. Адир орти текисликларини ҳосил қилувчи тоғ жинслари тўртламчи давлат ётқизиқларидан иборат. Бу миңтақа адиrlари литологияни таркибиغا кўра чўкинди жинслар ҳисобланади ва улар оқа сувлар ҳосиласидир. Рельеф тузилиши жиҳатидан адир орти текисликлари Наманган вилояти адиrlари ичидан ўртаси баландликдаги ҳудудлардир. Уларнинг денгиз сатҳидан баландлиги 800-1200 м гача боради. Қиялик даражаси нишабли 1-2°. Ижобий ҳароратлар йиғиндиси 4100-4300°C, йиллик ёғим миқдори 300-450 мм. Оқар сувлар фаолияти натижасида улар бир-бираидан ажralиб кетган. Күксиз парчаланишга учраган. Адир орти текисликлари Чодак, Фовасой, Косонсой, Чинач, Подшоотасой ва Чортоксой каби сойлар оқиб ўтганлиги учун бўлинib кетган. Ер ости сувлари 0,5-2 м чукурликда жойлашган бироқ Чуст адир ортининг катта қисмida сизот сувлари ер юзига

яқын жойлашғанлиғи ботқоқлашған майдонларнинг кенгайишига, шу билан бирга шұрхок ва шұртблар күламини кенгайтирмоқда. Тупроқ қатламлари гипслашған құм-тош, йирик ва майда шағалли жинслар ва құмлоқ жинслардан таркиб топған. Үзлаштириб дәхқончилик қилинадиган ерларда эса оч тусли, типик бұз ва тұқ тусли бұз тупроқлар тарқалған. Шұрланған ва ботқоқланған тупроқлар каттагина майдонларни әгаллаган. Грунт қатламининг ер юзига яқынлиғи тупроқ унумдорлигига үзининг салбий таъсирини күрсатади. Антропоген ландшафтлари үртача за күчсиз маданийлашған, кучли парчаланған за күчсиз шұрлашған. Район үзгарған ландшафт-экологик шароитлидір.

Ландшафт-экологик шароитни вужудға келтирүвчи омиллар асосан ички сувлар, рельеф ва инсонларнинг хұжалик фаолияти ҳисобланади. Бу омилларнинг барчаси адир орти текисликларида шұрхокланиш, шұрланиш, ботқоқланиш жараёнлари ва әрозияның барча турларини келтириб чиқаради. Уларнинг олдини олиш учун қуйидагиларга эътибор беріш зарур: суформа дәхқончиликда ерларнинг нишаблик даражаларини ва ғрант қатламины ҳисобға олиш ҳамда әгат сув оқими тезлигини камайтириш; ботқоқланиш бүйича зовур ва дренажлар қазищ ҳамда илдизи узун бутасимонлар, күп йиллик дараҳтзорлар ташкил этиш; ялов ландшафтларидан фойдаланишда чорва ҳайвонлари сони меъёрида бўлишини таъминлаш.

3. Үртача үзгарған (**Косонсой-Тұрақұрғон**) ландшафт-экологик райони адирлари водийнинг шимолий қисмida, вилоят адирларининг марказий ҳудудларини ўз ичига олади. Мазкур район жами адирларнинг 15% ини ўз ичига олиб, жанубдан шимолга чўзилған; унинг Чотқол тоғларига шимолий қисми туташғанлиғи учун тектоник ҳаракатлар кучлироқ рўй беради. Адирларни ҳосил қилувчи тоғ жинслари тұртламчи давр ётқизиқларидан, адир оралығи ботиқлари эса мезо-кайназой жинсларидан ташкил топған. Литологик таркибини чўкинди жинслар ташкил этади. Улар эса оқар сувлар ҳосиласи ҳисобланади. Рельеф тузилиши жиҳатидан Косонсой-Тұрақұрғон адирлари миңтақа адирлари ичидә үртача баландлықдаги ҳудудлар бўлиб, қиялик даражаси үртача нишаблик 3-7° га teng. Бу эса Косонсой адирлари суформа дәхқончилик майдонларида әрозияланиш жараёнини тезлаштирмоқда. Уларнинг денгиз сатқидан баландлиғи 500-600 м дан 1100 м гача боради. Ижобий ҳароратлар йиғиндиси 4200-4300°C, йиллик ёғин миқдори 200-0 мм Дарё ва сойлар адирларни бир-биридан ажратиб юборған ва улар кучли парчаланишга учраган. **Косонсой-Тұрақұрғон**

адирлари Косонсой сойи ва Қўқумбой сунъий суфориш иншоотлари сувлари билан суфорилади. Ер ости сувлари 2-5 м чуқурликда жойлашган. Тупроқ қатламлари кум-тош аралаш лёссимон жинслардан таркиб топган. Ўзлаштириб дехқончилик қилинадиган ерларда эса оч тусли ва типик бўз тупроқлар тарқалган. Шўрхок ва шўртоблар ҳам учрайди. Грунт қатлами ning ер юзига яқинлиги тупроқлар унумдорлиги сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Антропоген ландшафтлари ўртacha ва кучсиз маданийлашган, кучсиз ювилган. Район ўртacha ўзгарган ландшафт-экологик шароитидир.

Ландшафт-экологик шароитни вужудга келтирувчи омиллар асосан ички сувлар, рельеф ва антропоген таъсир ҳисобланади. Бу омилларнинг барчаси Косонсой-Тўракўрғон адирларида маданий ландшафтлар билан бир қаторда деградацион ландшафтларни ҳам вужудга келтирган.

Мазкур муаммоларнинг олдини олишда қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда ерларнинг нишаблик даражаларини ва грунт қатламини ҳисобга олиш; янги ерлар очиш ўрнига мавжуд ерлардан унумли фойдаланиш каби тадбиirlарга эътибор бериш лозим.

**4. Кучли ўзгарган (Уйчи-Чорток) ландшафт-экологик райони**  
Наманган вилоятининг шимоли-шарқий қисмида Наманган вилояти адирларининг шарқий ҳудудларини ишғол этган. Мазкур район жами адирларнинг 20% ини ўз ичига олиб, жанубдан шимолга чўзилган. Тектоник ҳаракатлар суст, лекин тез-тез такрорланиб туради. Адирлarda литологик таркибига кўра тўртламчи даврнинг чўкинди жинслари кенг тарқалган. Адирлар оралиғида жойлашган ботиқлар эса мезо-кайназой жинсларидан таркиб топган. Улар оқар сувлар ҳосиласидир. Геоморфологик тузилиши жиҳатидан Уйчи-Чорток адирлари Фаргона водийси адирлари ичida энг баланд ҳудудлардир. Уларнинг денгиз сатҳидан баландлиги 750 м дан 1100 м гача боради. Қиялик даражаси катта нишаблик 7° дан ортиқ. Ижобий ҳароратлар йиғиндиси 4200-4300°C, йилик ёғин миқдори 200-300 мм. Оқар сувлар фаолияти натижасида улар бир-биридан ажralиб кетган ва кучли парчаланишга учраган. Уйчи-Чорток адирлари Чортоксой, Подшоота, Чинач, Намангансой каби сойлар сувлари билан суфорилади, шунингдек канал ва сув омборлари ҳам агроланд-шафтларни суфоришда муҳим аҳамият касб этади. Суформа дехқончилик кучли ривожланганлиги ва сув ўтказмайдиган қатламнинг юзада жойлашуви Уйчи-Чорток адирлари зонасини геологик ёриқлар, жарлар, варонкалар,

сурималар, суффозион үраларни вужудга келтирган. Тупроқ қатламлари қум-тош аралаш лёссимон жинслардан таркиб топган. Ўзлаштириб деҳқончилик қилинадиган ерларда эса оч тусли ва типик бўз тупроқлар тарқалган. Шўрхок ва шўртоб тупроқлар ҳам каттагина майдоналарни эгаллаган. Грунт қатлами ning ер юзига яқинлиги тупроқ унумдорлигига салбини таъсир кўрсатади. Антропоген ландшафтлари ўртача ва кучсиз маданийлашган, кучсиз ювилган ва шўрлашган. Район кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароитлидир.

Ландшафт-экологик шароитни вужудга келгирувчи омиллар асосан ички сувлар, рельеф ва антропоген таъсир ҳисобланади. Бу омилларниң барчаси Ўйчи-Чортоқ адирларида жарланиш, суффозия ҳодисалари, ёриқлар, сурималар ва шўрланиш жараёнларини келтириб чиқарган. Бу муаммоларниң олдини олишда қуйидаги тадбирларга эътибор бериш зарур: суформа деҳқончилик майдонларини ҳамда кўп сув талаб қилувчи экин турларини ташкил этишда ерларни танлаб жойлаштириш ва грунт қатламини ҳисобга олиш, томчилаб суфоришни ташкил этиш, суфориш манбалариниң доимий техник ҳолатини назорат қилиш.

**5. Ўта кучли ўзгарган (адир олди текисликлари) ландшафт-экологик райони** Сирдарё ва Катта Наманган каналиниң шимолий қисмини, минтақа адирлариниң жанубини ишғол этган бўлиб, жануби-ғарбдан шимоли-шарқقا йўналган адир олди ҳудудларини ўз ичига олади. Мазкур район ҳиссасига жами адирларниң 12% қисми кириб, у барча адир ер майдонларида тарқалган. Бу майдонлarda тектоник ҳаракатлар водийниң бошқа қисмига нисбатан ўта суст бўлади. Адир олди текисликларини ҳосил қилувчи тоғ жинслари тўртламчи давр ётқизиқларидан иборат. Бу минтақа адирлари литологик таркибиغا кўра чўкинди жинслар ҳисобланади. Рельеф тузилиши жиҳатидан адир олди текисликлари Наманган вилояти адирлари ичida энг паст қисмидир. Денгиз сатҳидан баландлиги 450-550 м гача боради. Қиялик даражаси кучсиз нишаблик 0,3-1<sup>0</sup>. Ижобий ҳароратлар йигиндиси 4700-4900°C, йиллик ёгин миқдори 100-200 мм. Оқар сувлар фаолияти натижасиди улар бир-биридан ажralиб кетган ва кучсиз парчаланишга учраган. Адир олди текисликлари Чодаксой, Фовасой, Сумсарсой, Косонсой, Намангансой, Чортоқсой ёйилмалари ва Катта Наманган канали, Наманган вилояти каналлари сувлари билан суфорилади. Ер ости сувлари 0,5-1 м чукурликда жойлашган, бироқ Тўракўргон, Чуст адир олди текисликлариниң катта майдонларида сизот сувлари

ер юзасига яқин жойлашганлиги ва сатҳининг кўтарилиб бораётганлиги шўрхок ва шўртоблар қўламини кенгайтириб бормоқда. Тупроқ қатламлари қум-тош аралаш лёссимон жинслардан таркиб топган. Минтақа тўла ўзлаштирилиб, инсон хўжалик фаолиятига кучли тортилган. Селитеб ландшафтлар билан бир қаторда дегредациялашган рельеф ва ландшафт, шўрланган тупроқлар катта ҳудудларни эгаллаган. Грунт қатламининг ер юзига яқинлиги тупроқ унумдорлигига ҳам салбий таъсирини кўрсатади. Мазкур район ўта кучли ўзгарган ландшафт-экологик шароитлидир.

Ландшафт-экологик шароитни вужудга келтирувчи омиллар асосан иқлим, ички сувлар, рельеф ва инсонларнинг хўжалик фаолияти ҳисобланади. Бу омилларнинг барчаси адир олди текисликларида шўрланиш жараёнлари, антропоген таъсир деградациялашган ландшафт ва рельефларни келтириб чиқарган. Уларнинг олдини олишда қўйидагиларга эътибор бериш зарур: агротехник қоидаларга риоя қилган ҳолда деҳқончилик қилишга ва ерларнинг нишаблик даражаларига, грунт қатламининг ётишига эътибор бериш лозим; бузилган ландшафтларда мелиорация ва рекультивация ишларини амалга ошириш керак.

Ландшафт-экологик шароитнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва Наманган вилояти адирларини ландшафт-экологик районлаштириш ҳамда районлар тавсифига бағишлиланган тўртинчи бобнинг якуни бўйича ушбу хulosаларни бериш мумкин:

1. Ландшафт-экологик шароитни баҳолаш бўйича бир қатор табиий географик тамойил ва усувлар ишлаб чиқилган. Улар асосида ландшафтларнинг экологик шароитини баҳолашда унинг компонентлари алоҳида-алоҳида ўрганилиб, унинг барча қисмларида баҳолаш ҳақида фикр юритилади.

2. Наманган вилояти адирларининг ландшафт комплекслари ва уларнинг тузилиши ҳудуднинг геоморфологик ҳусусиятлари билан боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан адирлар паст ва юқори адирларга ажратилди. Ҳар қайси адир ўз навбатида литоген асосининг тузилишига, микрорельефига, тупроқларининг тузилишига, ер ости сувларининг сатҳига ва ўсимлик қопламининг ҳусусиятларига кўра паст адирлар, адир олди текисликлари, сой водийлари, адир ёнбагирлари, адир тепалари, адир оралиғи ботиқларига ҳамда юқори адирлар адир ёнбагирлари, адир тепалари, адир оралиғи ботиқлари, сой водийлари, адир орти текисликлари урочишчеларига ва улар ўз навбатида фацияларга ажратилди.

**3. Адирлар антропоген ландшафт комплекслари паст ва юқори адирлар бўйича бир неча хусусиятлари билан фарқ қилади.** Шу нуқтаи назардан адирлар пастки ва юқори адир антропоген ландшафтларига бўлинди. Улар ўз навбатида агроландшафт, селитеб, яйлов, гидроген, йўл урочишчеларига ҳамда фациялар гуруҳига бўлинди.

**4. Наманган вилояти адирларини қўйидаги:** ландшафтларнинг табиий ҳолати, геологик ва геоморфологик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари, гидротермик шароити, тупроқ ва ўсимлик қопламишининг ўзгариш даражаси, инсоннинг хўжалик фаолияти, антропоген ландшафтларнинг улуши ва тури, ландшафт-экологик шароитнинг ҳозирги ҳолати, ландшафт-экологик шароити ўзгаришининг асосий йўналишлари каби тамойиллар асосида кучсиз ўзгарган, ўзгарган, ўртacha ўзгарган, кучли ўзгарган, ўта кучли ўзгарган ҳолатда 100 балл асосида баҳоланди.

**5. Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик шароит жиҳатдан районлаштирилди.** Районлаштириш ҳудудни ландшафт-экологик шароитининг ўзгариш даражасига кўра амалга оширилди.

**6. Адирлар ландшафт-экологик шароити бўйича:** кучсиз ўзгарган, ўзгарган, ўртacha, кучли ва ўта кучли ўзгарган районларга ажратилди.

**Кучсиз ўзгарган ландшафт-экологик районга Чуст-Поп адирлари киритилди.** Районда ландшафт-экологик шароитни асосан яйлов чорвачилиги ҳамда иқлим, ички сувлар, рельеф вужудга келтиради.

**Ўзгарган ландшафт-экологик районда** ландшафт-экологик шароитни инсонларнинг хўжалик фаолияти ва ички сувлар, рельеф вужудга келтиради ва унга адир орти текисликлари киритилди.

**Ўртacha ўзгарган ландшафт-экологик районга** Косонсой-Тўракўрғон адирлари киритилди. ландшафт-экологик шароитни рельеф, иқлим ва инсонларнинг хўжалик фаолияти вужудга келтиради.

**Кучли ўзгарган ландшафт-экологик районнинг** ландшафт-экологик шароитини антропоген таъсир ва ички сувлар, сувлар асосан яйлов чорвачилиги ҳамда иқлим, ички сувлар, рельеф вужудга келтиради. Мазкур районга Уйчи-Чорток адирлари киритилди.

**Ўта кучли ўзгарган ландшафт-экологик районга** адир олди текисликлари киритилди ва ландшафт-экологик шароитнинг

вужудга келишида инсонларнинг хўжалик фаолияти, иқлим, ички сувлар, рельеф асосий ўрин тутади.

7. Наманган вилояти адирларида ландшафт-экологик шароитнинг таркиб топишида антропоген ландшафтлар муҳим саналади, улар майдонлари бўйича нотекис тақсимланиб, ҳудудда турли экологик муаммоларни келтириб чиқарган. Жумладан;

**Кучсиз ўзгарган ландшафт-экологик районда (Чуст-Поп адирлари)** антропоген ландшафтлар 10-20% ни ташкил этиб, яйловлар деградацияси қатори сув, шамол эрозияси ва шўрланиш жараёнларини келтириб чиқарган. Уларнинг олдини олишда яйлов ландшафтларидан оқилона фойдаланишда чорва ҳайвонларининг сони меъёрида бўлишини таъминлаш, эрозия бўйича ихота ўрмонзорлари ва суформа деҳқончилик майдонларини илмий асосланган гидромелиоратив режалар асосида ташкил этиш лозим.

**Ўзгарган ландшафт-экологик районда (Адир орти текисликлари)** антропоген ландшафтлар майдони 40-50% ни ташкил қиласди. Мазкур районда улар шўрхокланиш, шўрланиш, ботқоқланиш ва эрозиянинг барча турларини келтириб чиқаради. Уларни олдини олишда суформа деҳқончилик ерларининг нишаблик даражаларини ва ғрунт қатламини ҳисобга олиш ҳамда эгат сув оқими тезлигини камайтириш, зовур ва дренажлар қазиш, кўп йиллик дарахтзорлар ташкил этиш, яйловларда чорва ҳайвонларининг сони меъёрида бўлишини таъминлаш.

**Ўртача ўзгарган ландшафт-экологик районга (Косонсой-Тўракўғон адирлари)** антропоген ландшафтлар майдони 60-70% ни ташкил қиласди. Мазкур районда янги антропоген ландшафт қатори деградацион ландшафтлар ҳам вужудга келган. Уларнинг олдини олишда қишлоқ ҳўжалик экинларини жойлаштиришда ерларнинг нишаблик даражаларини ва ғрунт қатламини ҳисобга олиш, янги ерлар очиш ўрнига мавжуд ерлардан унумли фойдаланиш зарур.

**Кучли ўзгарган ландшафт-экологик районда (Уйчи-Чорток адирлари)** антропоген ландшафтлар майдони 70-80% ни ташкил қиласди. Бу районда жарланиш, суффозия ҳодисалари, ёриқлар, сурималар ва шўрланишлар вужудга келган. Уларнинг олдини олишда суформа деҳқончилик майдонларини ҳамда кўп сув талаб қилувчи экин турларини ташкил этишда ерларни танлаб жойлаштириш ва ғрунт қатламини ҳисобга олиш, томчилаб сугоришни ташкил этиш, сугориш манбаларининг доимий техник ҳолатини назорат қилиш керак бўлади.

Үтә кучли ўзгарған ландшафт-экологик районда (Адир олди текисликлари) антропоген ландшафтлар майдони 80-90% ни ўз ичига олади. Мазкур районда шүрланиш, деградациялашган ландшафт ва рельефлар вужудга келган. Уларнинг олдини олишда агротехник қоидаларга риоя қилган ҳолда деҳқончилик қилишга ва ерларнинг нишаблик даражаларига, грунт қатламининг ётишига эътибор бериш лозим. Бузилган ландшафтларда эса мелиорация ва рекультивация ишларини амалга ошириш лозим.

## ХУЛОСА

Наманган вилоятининг адир ландшафтлари, адирлар ландшафт-экологик шароити тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти кузатилганда *адирлар* геоморфологик жиҳатдан тоғ олдида жойлашган, ұтқыншылардың баландлығы үртака 900-1000 м бўлган баландликлар эканлиги амалий жиҳатдан аниқланди. *Адир минтақаси* деганда эса чўл ва тоғ минтақаси оралиғидаги чала чўл ва қуруқ даштлар тушунилади. *Адир ландшафтлари* тоғ олдида жойлашган, асосан тўртламчи давр ётқизиқлари билан қопланган оч тусли, типик ва тўқ бўз тупроқлардан ҳамда ўт ўсимликлардан иборат табиий ва табиий-антропоген комплексларни англатади. *Адирларнинг ландшафт-экологик шароити* ландшафтларнинг органик дунёни ҳамда инсоннинг хўжалик фаолиятини амалга оширишини таъминлай оладиган имкони-ягини акс эттиради.

Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик муҳитининг асосий хусусиятлари: неоген ва тўртламчи давр ётқизиқларидан, антиклинал ва синклинал структуралардан тузилганлиги; мўътадил минтақанинг чала чўл иқлим тури ҳукмронлиги; оч тусли, типик ва тўқ бўз тупроқлардан ташкил топганлиги; ўт ўсимликлари кенг тарқалганлиги; инсоннинг хўжалик фаолияти асосан қишлоқ хўжалигидан таркиб топганлиги; пастки ва юқори адир минтақасидан иборат экан-лиги асосланди. Адирларнинг табиий-техноген тизимларининг тузилиши, аниқланди. Улар агрокомплекс, гидротехник, саноат, селитеб ва йўл комплекслардан иборат. Адирлар ландшафт-экологик шароитининг ўзгаришига агрокомплекс ва гидротехник комплекслар кўпроқ таъсир кўрсатади. Адирларнинг гидротехник иншоотлари ландшафт-экологик шароитнинг шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Улар адирларда кенг тарқалган агроландшафт ва гидротехник комплексларни вужудга келтиради. Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик шароити ўзгаришининг куйидаги асосий йўналишлари аниқланди:

- инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида мелиоратив, каръер, сунъий терраса, текисланган рельеф шакллари вужудга

келган. Уларнинг ичидаги текисланган рельеф шакллари кенинг тарқалган;

- тупроқларнинг ўзгариши жарланиш, сув эрозияси, шамол эрозияси, ер ости сувлари сатҳининг кутарилиши, агроригацион ётқизиқларнинг вужудга келиши, маданий-воҳа тупроқларининг ҳосил бўлиши натижасида содир бўлади;

- антропоген ландшафтларнинг шаклланиши ва ривожланиши: агрокомплекс, гидротехник, селитеб ва бошқа комплексларнинг ҳосил бўлиши аниқланди.

Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик жиҳатдан районлаштирилди: Чуст-Поп (кучсиз ўзгарган), адир орти текисликлари (ўзгарган), Косонсой-Тўракўғон (ўргача ўзгарган) Уйчи-Чортоқ (кучли ўзгарган), адир олди текисликлари (ўтаси кучли ўзгарган) районларига ажратилди. Ҳар бир ажратилган районда ландшафт-экологик шароитнинг асосий ўзгариши йўналишлари ва уларни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар тизими йўналиши ишлаб чиқилди.

## ХОТИМА ҮРНИДА



Ушбу монография Ер илмининг дарғаларидан бири, ўз илмий фаолиятини география фанининг равнақига бағишилаган, мазкур фан вакилларининг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолган, барҳаёт устоз Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, табиий география, ландшафтшунослик, геоэкология ва география таълими методикаси соҳасида етук, кўзга кўринган география фанлари доктори, профессор Ҳурбой Ваҳобовнинг ёрқин хотирасига бағишиланган.

География ва Ер илми билан шуғуллана бошлаганимиздан буён бир неча мўътабар илм аҳдлари фоний дунёдан дорилбақога риҳлат қилишди. Айрилиқдан оғир азобнинг ўзи бўлмаса керак, аммо одам боласи буни фақат йўқотгандан сўнггина ҳис этади. Унтуилмас сиймоларнинг порлоқ хотираларини қалбда сақлаб, уларнинг руҳларини шод қилиб туриш миллий қадриятларимиздаги энг ажойиб фазилатларидан биридир.

Инсондан хотира қолади деганларидай ҳозирги вақтда иккинчи умрларини кечираётган фан йўлида жонини фидо қилган, шогирдлари қалбida хотираси мангу сақланиб қоладиган устозлар сиймосини эслаш, ёдга олиш нафақат шогирдлик, балки исломий ва инсоний бурчимиздир.

Ҳ. Ваҳобов 1948 йил 22 октябрда Андижон вилояти, Қурғонтепа туманидаги Хонобод (ҳозирги Хонобод шаҳри) қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1966 йилда ўрта мактабни аъло ва яхши баҳолар билан битириб, Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) география факультетига ўқишга кирди ва уни 1971 йилда тамомлади.

Ҳ. Ваҳобов 1975 йилда “Гидрогеология ва инженерлик геологияси”си институтининг аспирантурасига ўқишга кирди ва ер пўстидаги номустаҳкам зоналарни конлар деворининг мустаҳкамлиги таъсирини баҳолаш бўйича Арманистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори,

профессор Г.И.Тер-Степанян ва геология-минерология фанлари номзоди Р.А.Ниёзов раҳбарлигига илмий тадқиқотлар олиб борди. 1981 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институтида “Исследование ослабленных зон на угольных месторождениях и их влияния на устойчивость бортов карьеров (на примере угольных месторождений Средней Азии)” мавзусида 04.00.07.- инженерлик геологияси, музлоқшунослик ва грунтшунослик мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1986-1990 йиллари мобайнида геология-минералогия фанлари номзоди Ҳ. Ваҳобов “Ўзбекгидрогеология” ишлаб чиқариш бирлашмасида марказий лабораториясининг раҳбари лавозимида ишлади. 1990 йилдан у Ўзбекистон Миллий университети “География ўқитиш методикаси” кафедрасида ишлай бошлади.

Илмий фаолияти давомида Ҳ. Ваҳобов қўйидаги йўналишларда:

1) Тоғ-кон саноати ландшафтлари шаклланишининг асосий қонуниятларини тадқиқ қилиш; 2) География таълими методикаси; 3) Табиий география ва ландшафтшунослик фанининг назарий-услубий масалалари бўйича географик тадқиқотлар олиб борган эди.

Талабаларга билим бериш билан бир қаторда Ҳ. Ваҳобов Ўзбекистонда вужудга келган ва айниқса мустақиллик йилларида тараққий этаётган тоғ-кон саноатининг техноген ландшафтларига табиий географ сифатида ёндошли. Бу янги илмий йўналишнинг натижаси сифатида 2001 йилда “Оценка и прогноз формирования горно-промышленных ландшафтов и физико-географические основы их рекультивации” мавзусида 11.00.01-табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимёси мутахассислиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2003 йилдан то умрининг охирига қадар Ҳ. Ваҳобов Тошкент Давлат педагогика университетининг “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди. Ўтган қисқа давр мобайнида у республикамиз олий ва умумий ўрта таълим тизимида география фанининг ўқитиш ва уни мунтазам такомиллаштириб боришга катта эътибор қаратди. География ўқитиш методикаси соҳасида ҳам устоз салмоқли

ишларни амалга ошириди. Жумладан, олий ўқув юртлари талабалари учун “Умумий ер билими” дарслиги ва “Ўқув дала амалиётини ўтказиш” бўйича қўлланма яратилди. Умумтаълим мактаблари учун Давлат таълим стандарти ва дастурларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этди. Шу билан бир қаторда 7-синфлар учун дарслик ва методик қўлланма, ёрдамчи мактабларнинг VI, VII, VIII синфлар учун дарслик нашр қилинди. Унинг ташаббуси билан 2006 йилда “География фанининг долзарб назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди ва юқори савияда ўтказилди.

Устоз 35 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида 150 дан ортиқ илмий мақолалар, ўқув қўлланма ва дастурлар чоп эттирган эди. Унинг илмий раҳбарлигига 5 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган, яна 4 нафар аспирант ва тадқиқотчилари илмий ишларини якунлаш арафасида эдилар. Шу ўринда айтиш мумкинки, профессор X. Ваҳобовнинг ўзига хос илмий мактаби шаклланиб бораётган эди.

Устознинг намунавий одоби, ҳозиржавоблиги, хақиқий олимларга хос вазминлик, камсухан ва айни пайтда доно, кенг мушоҳада юритиш, ўз фикрини қисқа ва лўнда баён этиш, умри давомида орттирган ибратли фазилатлари дўстлари, ҳамкаслари ва шогирдлари учун ўrnak эди.

Бугун устоз X. Ваҳобов сафимиизда йўқлар, аммо уларнинг руҳи доимо яқинлари, шогирдлари учун доимо мададкор бўлишига, устоз бошлаган география фани ва Ер илми соҳасидаги шарафли ҳамда машаққатли фаолиятни амалга ошириб борилишига ишонамиз.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Узбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маъruzаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь
2. Каримов И.А. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ра Сенатининг қўшма мажлисидаги Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” маъruzаси. Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь
3. Каримов И.А. Узбекистон XXI-аср бўсафасида: хавсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., “Ўзбекистон”, 1997. -326 б.
4. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т., Узбекистон, 2009. Б-33-34.
5. Абдулкосимов А.А. Ландшафтное районирование Ферганской котловины // Ландшафты Узбекистана -Т.: Фан, 1966. -57с.
6. Абдулкосимов А.А. Проблемы изучения межгорно-котловинных ландшафтов Средней Азии. -Т.: Фан, 1983. -110 с.
7. Абдулкосимов А.А. Историко-географические центры возникновения антропогенных ландшафтов // Известия Узбекистанского географического общества. -Ташкент: Фан, 1990. Т.16. –С. 16-21.
8. Абдулкосимов А.А. Типология и классификация антропогенных ландшафтов Узбекистана // Табиий географиянинг регионал муаммолари. Илмий конференция тезислари. -Самарқанд, 2002. -Б. 6-10.
9. Абдуллаев О. Наманган вилояти. - Наманган: 1995. -148 б.
10. Агроклиматические ресурсы Наманганской, Андижанской, Ферганской областей Узбекистана. -Л.: Гидрометеоиздат, 1977. -196 с.
11. Арифханова М.М. Растительности Ферганской долины. -Ташкент: Фан, 1967. -295 с.
12. Бабушкин Л.Н. Климат Узбекистана. -Т.: АН УзР, 1953. -40 с.
13. Бабушкин Л.Н. Принципы агроклиматического районирования Средней Азии и Южного Казахстана // Вопросы географии. -№ 55. -М: 1961. -С. 131-137.
14. Бабушкин Л.Н. Когай Н.А. Опыт физико-географического районирования Узбекистана // Научные труды ТашГУ. вып. 213. географические науки, кн. 24. -Т.: 1963. -С. 3-18.
15. Бабушкин Л.Н. Когай Н.А. Физико-географического районирования Узбекистана // Науч. труды ТашГУ. вып. 231 географические науки, кн. 27. -Т.: 1964. -С. 5-247.

16. Балашова Е.Н. Житомирская О.М., Семёнова О.Л. Климатическое описание республик Средней Азии. -Л.: Гидрометеоиздат. 1960. -243 с.
17. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1996. -Б. 188-196.
18. Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А., Ўрта Осиё табиий географияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 2002. -Б. 198.
19. Боймирзаев К.М. Агроиригационные наносы оазисных ландшафтов Ферганской долины и их рациональное использование (на примеры Сохского и Чартаксайского конусов выноса): Автореф. дис. ... канд. геогр. наук. -Т.: ТашГУ, 1995. -21 с.
20. Боймирзаев К.М. Мирзамахмудов О.Т., Максудова М. Изменение структуры почвенного покрова адыров Северной Ферганы под антропогенным воздействием // Посвящается 10-летию ОшГУ университетское образование в современном обществе: Труды международной науч. конф. 17-18 июня 2002. Ош, 2002. -С. 156-158.
21. Боймирзаев К.М. Мирзамахмудов О.Т. Наманган вилояти адирлари табиатидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг географик жиҳатлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти -Тошкент, 2005. -№ 25. -Б. 30-32.
22. Боймирзаев К.М. Мирзамахмудов О.Т. Наманган вилояти адирларида минтақа тупроқларининг шурланиши ва шўрсизлантирилиши // Тоғ ва тоғ олди худудларидан фойдаланишнинг географик асослари. Республика конференция материаллари. -Тошкент, 2002. -Б. 43-45.
23. Васильковский Н.П. О расчленении четвертичных отложений // Гр. Института геологии АН. УзР. вып. 6. -Т.: 1951. -С. 79-82.
24. Вахобов Х. Оценка и прогноз формирования горнопромышленных ландшафтов и физико-географические основы их рекультивации: Автореф. дисс. ... докт. геогр. наук. -Т.: УзНУ. 2001. -47с.
25. Вахобов Х. Опыт рекультивации техногенно-нарушенных земель // Проблемы освоения пустын. -Ашхабад, 1998. -№1. -С. 32-37.
26. Вахобов Х., Дусanova Ш. Хоразм вобҳаси агроландшафтларини ўрганиш ва баҳолаш масалалари. // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. -Тошкент, 1999. -№ 20. -Б. 77-80.
27. Вахобов Х. Мирзамахмудов О.Т., Наманган адирлари ландшафт-экологик шароитини ўрганилиш тарихидан // География тарихи: хотира ва қадриятлар. Илмий-амалий конференция материаллари. -Наманган, 2005. -Б. 28-30.
28. Вахобов Х., Мирзамахмудов О., Хайитова М. Наманган вилояти адирларининг гидроклиний муҳити // Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт: Ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари. 30-31 январь 2006.-Тошкент, 2006. -Б. 99-100.
29. Вахобов Х., Мирзамахмудов О.Т. Наманган вилояти адирларининг табиий-техноген геотизимлари // Ҳозирги замон географияси:

назария ва амалиёт: Халқаро илмий-амалий конференция материалари. 30-31 январь 2006. -Тошкент, 2006. -Б. 100-102.

30. Вебер В.Н. Южная Фергана // Геология УзР, Т. 1. Л. -М.: 1937. -С. 53-59.

31. Верник Р.С., Раҳимова Т. Естественная растительность пастбищ адыров Наманганской области -Ташкент: Фан, 1982. -90 с.

32. Герасимов. И. П., Преобразование природы и развития географической науки. (Очерки по конструктивной географии) -М.: Знание, 1967. -С. 81-89.

33. Гейнц В.А., Подземные воды четвертичных отложений Юго-Западной Ферганы их режим и баланс в связи с водохозяйственными мероприятиями. -Ташкент: Фан, 1967. -108 с.

34. Гельдиева Г.В. Ландшафты // Атлас Казахской Рес. Природны условие и ресурсы. -М: ГУГК, 1982. Т. 1. -С. 8.

35. Гельдиева Г.В., Будникова Т.И. Природные районирования Приаралья для целей сельского хозяйства // Экологические проблемы освоения пустынь и охрана природы. -Ашхабад. 1986. -С. 11-18.

36. Гельдиева Г.В. Степные и пустынные ландшафты равнинного Казахстана (систематика, тенденции развития в условиях современного землепользования): Автореф. дис. док. геогр. наук. -Л.: 1989. -50 с.

37. Генусов А.З. Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Почвенно-климатическое районирование Узбекистана в сельскохозяйственных целях. -Тошкент: Фан, 1960. -118 с.

38. Генусов А.З. Почвы и земельные ресурсы Средней Азии. -Тошкент: Фан, 1983. -134 с.

39. Горбунов Б.В. Почвы Андижанской области // Почвы Уз.Р Т.11 -Т. 1957. -С. 160-248.

40. Гулямов П., Умаров Э.М. Природные условия северной предгорной части Ферганской долины для целей сельского хозяйства // Известия Узбекистанского географического общества. Т. 13. -Т.: Фан, 1971. -С. 138-146.

41. Граве Л.М. Опыт классификации изменных природных комплексов. В кн. Современные проблемы природного районирования -М.: 1975. -С. 163-172.

42. Грамм М.Н., Гриднев А.И., Ходжиматов А.Х. К генезису кайнозойских маласс центральной части Ферганской впадины // по материалам глубокого бурения: Док. АН СССР. -Т.: 1961. -№ 137. -С. 135-137.

43. Дадаҳўжаев А. Овражная эрозия на сероземах Наманганских адыров и методы их коренной мелиорации: Автореф. дис. ... канд. сельхоз. наук. -Т.: ГосНИИПА. 1997. -22 с.

44. Демек Я. Теория и изучения ландшафта. Пер. с чешск. -М.: Прогресс, 1977. -293 с.

45. Закиров К.З., Закиров П.К. Опыт типологии растительности Земного шара на примере Средней Азии. -Т.: Фан, 1956. -С. 27-38.
46. Зокиров Ш.С. Природные условия бассейна р. Ахангаран и опыт их оценки для целей сельскохозяйственного производства: Автореф. дис. ... канд. геогр. наук. -Т.: ТашГУ, 1972. -28 с.
47. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. -Т.: Университет, 1998. -60 б.
48. Зонн И.С., Ирригационные освоение пустини и мелиорации орошаемых земель // Опыт борьбы с опустыниванием в СССР. -М.: Наука, 1981. -С. 70-86.
49. Ильин И.А. Водные ресурсы Ферганской долины. -Л.: Гидрометеоиздат, 1959. -247 с.
50. Исаченко А.Г. Основы ландшафтования и физико-географическое районирование. -М.: Высшая школа, 1965. -С. 215-218.
51. Исаченко А.Г. Методы прикладных ландшафтных исследований. -Л.: Высшая школа, 1981. -С. 68-82.
52. Исаченко А.Г. Экологические проблемы и эколого-географическое картографирование // Известия ВГО. -Т.: 1990. Вып. 4. -122 с.
53. Камалов Б.А., Имомжонов Х.А. Ўзбекистонда 2000 йил баҳор ва ёз ойларида дўл жараёнларини сусайтириш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг натижалари. // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. -Тошкент, 2002, -№ 22. -Б. 90-91.
54. Кушнар С.А., Шульц С.С. Принципы и схема гидрологического районирования Средней Азии. Труды и материалы по гидрологии Средней Азии, Самарканд-Ташкент, 1935. -С. 55-58.
55. Когай Н.А. К проблеме физико-географического районирования Узбекистана. Научные записки ТИНХ, вып. 20. - Т.: 1963. -С. 45-52.
56. Казаков А. Эрозионно-опасные земли Ферганской долины и пути повышения плодородия эродированных почв. -Т.: Мехнат, 1990. -140 с.
57. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. -Т.: АН Уз.Р, кн. 1. 1962. -547 с.
58. Кочуров Б.И. Новые геоэкологические и социально-экологические термины и понятия // География в школе. -М.: 1999. -№ 3. -С.10-14.
59. Кульжанова С.М. Анализ структуры сельскохозяйственных угодий Акмолинской области в условиях перехода к новым земельным отношениям // Вестн. КазНУ. Сер. география. -2002. - № 1.(14). -С. 71-76.
60. Кунин В.Н. Местные воды пустин и вопросы их использования. -М.: АН СССР, 1959. -С. 83-98.

61. Куракова Л.И. Антропогенные ландшафты и задачи их комплексного изучения // Географические исследования в Московском университете. -М.: 1976. -С. 28-34.
62. Куракова Л.И. Антропогенные ландшафты. -М.: МГУ, 1978. -140 с.
63. Куракова Л.И. Современные ландшафты и хозяйственная деятельность. -М.: МГУ, 1983. -158 с.
64. Легостаев В.М. Развитие ирригации в Фергане. Ирригация Узбекистана том 11. -Т.: Фан, 1975. -С. 49-51.
65. Мавлонов F.O., Маматкулов М.М. Узбекистоннинг ер усти қиёфаси. -Т.: Ўқитувчи, 1964. -Б. 36-37.
66. Маматкулов М.М. Геоморфологической районирование Ферганской впадины в гидрогеологических целях // Вопросы региональной гидрогеологии. -Л.: Недра, вып. 14. 1969. -С. 140-154.
67. Максудов А. Почвы Центральной Ферганы и их изменение в связи с орошением. -Т.: Фан, 1979. -120 с.
68. Максудов А. Изменение почвенно-экологических условий Ферганской долины под антропогенным воздействием: Автореф. дисс. докт. ...биол. наук. -Т.: ИПИА, 1983. -38 с.
69. Максудов А. Изменение рельефа Ферганской долины под антропогенным воздействием // Известия ВГО, Ленинград. -Т. 120. Вып. 3. 1988. -С. 260-265.
70. Максудов А. Изменение почвенно-экологических условий Ферганской долины под антропогенным воздействием. -Т.: Фан, 1990. -85 с.
71. Мильков Ф.Н. Словарь-справочник по физической географии. -М.: Мысль, 1970 -С. 165.
72. Мильков Ф.Н. Человек и ландшафты ( очерк антропогенного ландшафтования). -М.: Мысль, 1973. -224 с.
73. Мильков Ф.Н. Физическая география: учение о ландшафте и географической зональности. -Воронеж. 1986. -328 с.
74. Милanova Е.В., Куракова.Л.И. Опыт составления мелко-масштабных карт антропогенных ландшафтов. Вестн. Моск. ун-та, сер. геогр. -Москва. 1971. --№3. -С. 41-43.
75. Мирзамиҳмудов О.Т., Мақсадова М. Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик шароитининг оптималлашириш масалалари // Табиий географиянинг регионал муаммолари. Илмий конференция тезислари. -Самарқанд, 2002. -Б. 80-81.
76. Мирзамиҳмудов О.Т. Наманган вилояти адирларининг гео-экологик муаммолари // Фарғона водийси табиатини муҳофаза қилишнинг экологик-географик асослари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Наманган, 2003. -Б. 49-51.
77. Мирзамиҳмудов О.Т. Адир минтақасидан рекреация мақсадларида фойдаланиш (Наманган вилояти адирлари мисолида) //

Ўзбекистон География жамияти ахбороти. -Тошкент, 2003. -№ 23. -Б. 16-167.

78. Мирзамаҳмудов О.Т. Наманган вилояти адирлари биоген мұхитининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. -Тошкент, 2005. -№ 25. -Б. 57-61.

79. Мирзамаҳмудов О.Т., Умаров Х. Фарғона водийси табиатидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалалари // НамДУ илмий ахбороти. -Наманган. 2005. Т.2. -Б. 160-164.

80. Мирзамаҳмудов О.Т. Наманган вилояти адирларининг гидроиклиний мұхити // Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 30-31 январь. 2006. -Тошкент, 2006. -Б. 160-164.

81. Мирзамаҳмудов О.Т. Наманган вилояти адирлари ландшафт комплекслари ва уларнинг тузилиши // Географиянинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Самарқанд, 2006. -Б. 26-27.

82. Наманган вилояти Сув ва қишлоқ хўжалик бошқармаси материаллари. -Наманган. 2000.

83. Назаров А. А. Табиатдан фойдаланишнинг экологик-географик асослари (Наманган вилояти мисолида): Автореф. канд. ... геогр. наук. -Т.: Университет. 2004. -23 с.

84. Наманган вилояти ер ресурслари ва Давлат қаластри бошқармаси материаллари. -Наманган. 2005.

85. Табиатни муҳофаза қилиш Наманган вилоят қўмитаси материаллари. -Наманган. 2003.

86. Нигматов А.Н. Экологические проблемы овражной эрозии в Узбекистане. Эрозии почв и русловые процессы. -М.: МГУ, вып. 10. 1994. -С. 86-100.

87. Нигматов А.Н. Оценка овражной пораженности в различных ландшафтно-геоморфологических условиях Узбекистана // Проблемы эрозионных, русловых процессов. -Ижевск. -№ 2. 2005. -С. 52-55.

88. Нигматов А., Юсупов Р., Дадаҳўжаев А., Атаханов Н. Адирларда жарланиш ва уларга қарши кураш чоралари. -Т.: Университет, 2000. -95 б.

89. Панков М.А. Почвы Ферганской области // Почвы Узбекистана .Т. 2. -Т.: 1957. -159 с.

90. Пратов У., Маревые Ферганской долины. -Т.: 1970. -С.44-68.

91. Преображенский В.С., Современные ландшафты как природно-антропогенные системы. Сер. геог. -№1. АН, 1965. -С. 77-83.

92. Преображенский В.С., Поиск в географии. -М.: 1986. -239 с.

93. Раменский Л.Г. Введение в комплексное почвенно-геоботаническое исследование земель. -М.: 1983. -168 с.

94. Рафиков А.А., Назаров А.А. Эколого-географические основы природопользования предгорных геосистем (на примере Ферганской

- долины) // Вестник ОшГУ. Серия: естественные науки. – № 4. Тр. Меж. конференции. -Ош, Билим, 2002. -С. 175-178.
95. Рафиқов А.А. Географик прогнозлаштириш асослари. –Т.: Университет, 2003. -261 б.
96. Рахимова Т. Накопление надземной и подземной биомассы в отдельных сообществах Чартакских адыров Ферганской долины. Узб. биол. журн. –Тошкент: –№ 3. 1972. –С. 63-67.
97. Рахимова Т. Материалы к флоре Чартакских адыров Ферганской долины. -Т.: ДАН УзР, –№ 5. 1973. -С. 24-29.
98. Решеткина Н.М. Регулирование и использование подземных вод Ферганской котловины в целях мелиорации земель // Записки узб. отд. Всесоюзн. минералог.об.-во. вып. 11. -Т.: 1957. –С. 81-88.
99. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. -М.: Мысль, 1979. -263 с.
100. Рябчиков А.М. Структура и динамика геосфера. -М.: 1972. –С. 69-77.
101. Сваричевская З.А. Геоморфология Казахстана и Средней Азии. -Л.: ЛГУ, 1965. -С. 198-199.
102. Сочава В.Б., Экология ландшафта и учение о геосистемах // Проблемы физической географии и геоботаники. -Новосибирск: Наука, 1986. -С. 32-34.
103. Сочава В. Б. Экологические карты. -М.: 1992. –С. 97.
104. Султонов Ю. Ландшафтлар географияси. –Т.: Ўқитувчи, 1974. -111с.
105. Султонов Ю., Жабборов А., Назаров А. Фарғона водийси антропоген ландшафтлардаги жараёнлар ва уларнинг ландшафт динамикасидаги роли // Табиий географиянинг регионал муаммолари. Илмий конференция тезислари. -Самарқанд. 2002. -Б. 46-49.
106. Ферганская долина: природа, население, хозяйство. Сборник научных трудов. -Л.: 1989. -107 с.
107. Ҳамидов А. Ўзбекистон ўсимликлари. -Т.: Ўқитувчи, 1984. -Б. 42-60.
108. Холиқов Р., Пирназаров Р., Абдураҳманов А. Ландшафт-экологик районлаштиришда азонал компонентларни экологик баҳолашнинг асосий мезонлари // Табиий ва иқтисодий географик районлаштиришнинг долзарб муаммолари. -Тошкент, 2004. -Б. 71-72.
109. Чемеков Ю.Ф. Антропогенные и биогенные формы рельефа // Методическое руководство по геоморфологическим исследованиям. -Л.: 1972. -С. 224-227.
110. Четиркин В.М. Средняя Азия: Опыт комплексное географической характеристики и районирования. // Тр. СамГУ.- Тошкент, 1960. -С. 204-206.
111. Чибилев А.А. Экологическая оптимизация степных ландшафтов.- Екатеринбург: Наука, 1992. -310 с.

112. Чупахин В.М. Природное районирование Казахстана для целей сельского хозяйства. -Алма-Ата: Наука, 1970. -260 с.
113. Чупахин В.М. Ландшафто-экологические исследования и сельскохоз-яйственная организация территории // Ландшафтно-экологические исследования и природопользования. -М.: МФГО, 1985. -146 с.
114. Чупахин В.М. Основы ландшафтovedения. -М.: АгроСибирь, 1987. -125 с.
115. Чупахин В.М. Ландшафтно-экологические условия организации сельскохозяйственного производства // Ландшафтный анализ природопользования. -М.: МФГО, 1987. -№ 2. -С. 14-16.
116. Чупахин В.М., Ландшафты и землеустройство. -М.: Мысль, 1991.-183 с.
117. Шувалов С.А. Почвы Наманганской области // Почвы Узбекистана. Т. 2. -Ташкент. 1957. -326 с.
118. Шульц В.Л. Гидрография Средней Азии. -Т.: 1958. -117 с.
119. Ярмухamedов А.Р. Современная геодинамика восточного Узбекистана. -Т.: Фан, 1979. -110 с.
120. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -Б. 116-119.
121. Қосимов Й.Б. Наманган воҳасининг сугориш тарихидан. -Т.: Фан, 1988. -Б. 34-35.

# МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	3
<b>I БОБ. Ландшафт-экологик шароитни ўрганиш муаммосининг ҳозирги ҳолати</b>	
Адир ва адир ландшафтлари тушунчалари .....	7
Ландшафт-экологик шароит тушунчаси .....	9
Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик омилларини ўрганилишининг асосий илмий натижалари .....	13
<b>II БОБ. Наманган вилояти адирларининг ландшафт- экологик мухити</b>	
Адирларнинг литоген асоси ва уларнинг тузилиши .....	18
Гидроклиний мухити ва унинг инсон таъсирида ўзгариши .....	22
Биоген мухити ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	26
Наманган вилояти адирларининг ижтимоий-иктисодий мухити .....	31
Ижтимоий-иктисодий тузилиши ва уни ландшафт-экологик шароитни шаклланиши ва ўзгаришига таъсири .....	34
<b>III БОБ. Наманган вилояти адирлари ландшафт-экологик шароитининг ўзгаришидаги асосий йўналишлар</b>	
Инсон фаолияти таъсирида Наманган вилояти адирлари табиатининг ўзгариши .....	53
Антрапоген рельеф шаклларининг ҳосил бўлиши, ривожланиши ва уларнинг ландшафт-экологик шароитнинг ўзгаришига таъсири .....	57
Тупрок қоплами ўзгаришининг ландшафт-экологик шароитнинг шаклланишига таъсири .....	60
Агроландшафтларнинг ривожланиши ва уларнинг ландшафт- экологик шароитнинг ўзгаришига таъсири .....	66
<b>IV БОБ. Наманган вилояти адирларининг ландшафт- экологик шароитини баҳолаш</b>	
Адир ландшафт комплекслари ва уларнинг тузилиши .....	69
Ландшафт-экологик шароитнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш .....	79
Наманган вилояти адирларини ландшафт-экологик районлаштириш ва районлар тавсифи .....	82
<b>ХУЛОСА .....</b>	98
<b>Хотима ўрида .....</b>	100
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	103

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган Давлат университети

**О. Т. МИРЗАМАҲМУДОВ**

**К. М. БОЙМИРЗАЕВ**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ  
АДИРЛАРИНИНГ  
ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК  
ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ**

(Монография)

Муҳаррир:

А. Деҳқон

Бадиий муҳаррир:

Ш. Жумахонов

Дизайнер:

О. Камолов

Техник муҳаррир:

Х. Мирзааҳмедов

«Муҳаррир» нашриёти

Лицензия: АI № 099. 2008 йил 24 марта

2011 йилнинг 5 январида теришга берилди. 2011 йилнинг 22 февралда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 7,5 босма табоқ. Офсет қофозига оғсет усулида босилди.

Адади 500 нусха. 27-сонли буюртма.

Баҳоси келишилган нархда.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Элбек кучаси 8-йй.



Мирзамахмудов Одилжон Тўхтасинович география фанлари номзоди. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети докторанти.

1991-1996 йилларда Наманган Давлат университетининг география ва биологик факультетида таҳсил олган. 2001 йилдан буён университетнинг “География ва экология асослари” кафедрасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

2007 йилда “Шимолий Фаргона адирларининг ландшафт-экологик шароитини баҳолаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Илмий фаолияти давомида 30 дан ортиқ мақолалари халқаро, республика ва маҳаллий матбуотларнинг турли нашрларида зълон қилинган. Ҳозирги вақтда “Адир минтақасининг ландшафт-экологик шароитини баҳолаш ва башоратлашнинг географик асослари” мавзусида тадқиқот ишларини олиб бормоқда

Боймирзасев Каримжон Мирзааҳмедович география фанлари номзоди, доцент. 1979-1984 йилларда Самарқанд Давлат университетининг география факультетида ўқиган. 1986 йилдан бошлиб Наманган Давлат университетида ишлаб келмоқда.

Иш фаолияти давомида кафедра мудири, факультет декани, университет ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи, молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор вазифаларида ишлаган. Ҳозирги кунда академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Унинг илмий ишлари, асосан, Фаргона водийсининг воҳа ландшафтлари, уларнинг вужудга келиши, шаклланishi ва ривожланишига бағишланган. 1 та монография, 10 га яқин ўкув-услубий қўлланмалари ва 100 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.



ISBN 978-9943-386-55-6

9 789943 386556